

# **Исломий никоҳ ва унинг одоблари**

**Шайх Муҳаммад Али Собунӣ**



## Муқаддима

Никоҳни ифбат ва сақланиш йўли қилиб берган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин. У зот мусулмонларга уйланиш йўл-йўриқларини, унинг сабаб-омилларини енгиллаштиришга ва нафсларини ҳаромдан сақлашга буюради. Уйланишга рағбатли кимсаларнинг ризқларида бойлик ва кенгликни ваъда қилади. Шаъни азиз бўлган зот шундай дейди:

«Ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўриларингизнинг яхшиларини уйлаб кўйинглар, агар улар камбағал бўлсалар Аллоҳ уларни Ўз фазлу карами билан бой-бехожат қилур. Аллоҳ (фазлу карами) Кенг, Билгувчидир» (Нур, 32).

Ва башарият ҳидоятчиси, инсоният муаллими, улуғ мураббий, намунали эр, умматни иззат ва ҳақ йўлда қоим бўлишга, йигитларни вақтида уйланиши учун ўзининг оталарча ва улуғ кўрсатмалари билан тарғиб қилган саййидимиз Муҳаммадга саловот ва саломлар бўлсин. У киши айтганларки: «Эй йигитлар жамоаси, сизлардан ким уйланишга қурби етса, уйлансин, чунки уйланиш кўзни аёлларга қарашдан ва фаржни ёмон, ҳаром ишлардан сақлайди. Агар қайси бирларингизнинг уйланишга қурби етмаса, рўза тутсин, рўза тутиш у учун яхшидир» (Бухорий ва Муслим ривояти)

Ва яна саййидимиз Муҳаммаднинг (с.а.в.) хонадонларига, саҳобаларига ва у зотларга киёматгача яхшилик билан эргашганларга саловот ва саломлар бўлсин.

Бу рисола мусулмон биродарларимиз учун манфаатли бўлиб, пок Ислому шариатида турмуш қуриш ишларига тааллуқли. Ўзларига Ислому динини лозим тутган ва аҳкомларига мувофиқ яшашни, шу билан бирга расмиятчанлик ва бепарволикдан узоқ бўлиб, аср руҳи билан ҳамнафасликда юришни ирода қилган мусулмон оилага бажариши керак бўлган тўй ва никоҳ мавзулари ўрин олган. Чунки Ислому ҳар бир замон ва маконга хос бўлгани боис инсон болаларининг ислому одоби ва аҳкомларини тутишлари билан саодат ва роҳат фароғатда яшашига тўсқинлик қилмайди. Ушбу кичик рисолада ўқувчи учун Қуръон ва суннатдан ташқари ўтган тақводор солиҳларнинг ҳаётидан кўплаб далил ва мисоллар келтирилган. Китоб муқаддима, ўнта бўлим ва хотимадан таркиб топган.

Аллоҳдан сўрайманки, «келин-куёвга ҳадя» сифатида битилган бу рисола мусулмон йигит-қизларга наф келтирсин ва уларни шайтон тузоқлари ва фитна сирпанчиқларидан узоқ қилсин. Шу билан биргаликда амалларимизни Ўзи учун холис бўлишини насиб қилсин. Албатта, яхшилик ва раҳмат эгаси унинг Ўзидир. Саййидимиз Муҳаммаднинг хонадони ва саҳобаларига Аллоҳнинг салоти ва саломлари бўлсин.

*Шайх Муҳаммад Али Собуний*

## Кириш

### Йигитларнинг турмуш қуришдан чекиниш сабаблари

Кўпчилик мусулмон йигитлари балоғат ёшига етган вақтларида турмуш қуришни кечиктиришади. Бу нарсага баъзан ҳаёт давонининг илк поғонасида, йигитлик кучига тўлган вақтида оғир сарф-харажатлардан кўрққанлари сабаб бўлади. Баъзан эса ўзининг порлоқ келажagini таъминлаб, қадрини баланд ва шаънини олий қилиб берадиган олий ўқув

юртларини тамомлаш кераклигини ҳужжат қилишади. Шунга ўхшаш, Аллоҳ қувватламаган тақлид ва одатлар бу нарсага сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда йигитларни турмуш қуриши 30 ёш ёки ундан ҳам кечроққа тўғри келаётганини кузатиш мумкин. 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган ораликда, йигитлар одобли, покиза бўлса, шаҳват оловида қизиб, кўмирдек ёнади. Қизлар ҳам бу даврни шу аҳволда ўтказди, чунки жинс ҳожати табиий ғариза ҳисобланади. У мулкчилик, ейиш-ичишга бўлган эҳтиёжларга ўхшаш бир ҳис-туйғудир. Аммо, йигит ва қиз фосиқ, ахлоқсиз бўлса, келажакда келадиган балоларга бепарво, эътиборсиз бўлади. Зино-бузукликни қилиб, ўз хоҳиш ва шаҳватларини қондиради.

### **Турмуш қуриш инсон наслининг давомийлигини таъминлаш учундир**

Улуғ ва олий Яратувчи инсон зотининг давомийлигини эркак ва аёл жинслари орасида боғлади. Шаҳват ғаризасини қондириш билан насл давомийлигини ҳимоя қилди. Агар ҳар бир эркак ва аёлда аланга олиб турувчи шу шаҳват бўлмаганида, бирон инсон турмуш қуриш ҳақида фикрламас эди. У ҳамма нарсани билиб, ҳаёт давомийлигини таъминлади. Ер юзида солиҳ фарзандлар қолдирадиган эркак ва аёлларни яратди. Инсон насли билан курраи заминни тўлдириб, ҳаёт чархпалаги айланиши учун эркак ва аёлни севги-муҳаббат ришталари билан бир-бирига боғлаб қўйди.

### **Аллоҳнинг бандаларига турмуш қуриш сабабли кўп яхшиликларини ирода қилди**

Жуфтлашиш – никоҳ Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг қудратига ёрқин далиллардан бири бўлиб, борликда ягоналик фақат у зотнинг Ўзига хосдир. Аллоҳ уйланишликда бандаларига учта яхшилик берди:

**Биринчи яхшилик:** Завжа (жуфт, аёл) – инсониятнинг ҳурматли бир қисмидир. Аллоҳ уни эркакни яратган тупроқнинг жинсидан яратди. Эркак тупроқдан яратилган, аёл эса эркакнинг қовурғасидан яратилган. Демак аёлнинг ҳам асл – негизи тупроқдир. Аёл эркакнинг бир қисми бўлиб, унга инсоний ҳурматда бўлиш керак.

«Аллоҳнинг (қудрати Илоҳийясига далолат қиладиган) оят-аломатларидан (бири) – У зот сизларни (яъни отангиз одамни) тупроқдан яратган сўнгра сизлар башарга айланиб (Ер юзига) тарқалишларингиздир. Унинг оятларидан (яна бири) У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингиздан ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Рум, 21-22).

Унинг оятларидан (яна бири) у Зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши....

Бу ерда Аллоҳ таоло «ўзингиздан» деб, яратилиш, таркиб ва инсонийлик жиҳатидан ўхшашлик асосларига ишора қиляпти. Башарият навларининг давомийлигини таъминлаш учун, эркак ва аёлни баъзи хусусиятларини табиат тақозоси билан бир-биридан фарқлантирди. Бошқа ҳамма жиҳатларда аёл ҳам инсондир. Ўзининг ҳурмати, кадр-қиймати ва инсоният жамиятида фазилатли ўрни бор. Баъзилар ўйлаганидек ҳайвонларнинг бир тури эмас. Улар: «Аёл киши эркакка ўхшаш инсонми ёки эркаклар хизмати учун яратилган ҳайвонларга ўхшаш бир ҳайвонми? Муқаддас макон бўлмиш жаннатга кўтарилишга ҳақдорми ёки шайтон амалидан бўлган бир ифлосликми?» деб баҳс-мунозара қилардилар. Аллоҳ таоло шаръий ҳукмларни мужассамлаб Қуръони каримдан, очиқ-ойдин ҳужжат келтиради:

«Эй инсонлар, сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз!»

Бу оятда Аллоҳ таоло зўравонлик ва ҳаддан ошиш билан аёлларни кулга айлантирадиган эркакларнинг кеккайиш ва такаббурлигига чек қўйди. Бу яхшиликдан, бир нафсдан

яратганликдан мурод Аллоҳ таоло аёлни эркакка шакл ва кўринишда ўхшаш қилиб яратди. Уни кўрқинчли ёки хунук шаклда яратмади. Агар жуфти бошқа турдан, яъни одамзотга боғланмайдиган, масалан, маймун, сиртлон ёки бошқа ҳайвон туридан бўлганида инсон нима қиларди?! Умр-йўлдоши бўлмиш жуфтани олий маймунлар синфига кирадиган «шимпанзе» кўринишида кўрганида ҳаётдан хурсанд бўлармиди? Ёки эркак аёлни ўткир тирноқ ва узун козиқ тишли ҳолда кўрса, жаҳли чиққанида унга раҳм қилмай ва дод-войига ҳам эътибор бермай тилка-пора қилиб ташламасмиди?

Аёлни ўзига ўхшаган жинсдан яратганлиги улар бир-бири билан иноқ бўлиб, бир-бирини тушуниб яшаши учундир. Бу хусусда: «Тур ўзига ўхшаган тур билан келиша олади» деган қоида бор.

**Иккинчи яхшилик:** Эркак киши фазилатли-тақводор аёл билан яшаганида ҳис қиладиган хотиржамлик, нафс роҳати ва бахтли турмуш ҳаёти соясида топадиган иноқлик ва сокинликдир. Бунга қуйидаги ояти карималар ишора қилади:

«У Зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишдир» (Рум, 21).

«... Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либосиз (Яъни, эр-хотин бир-бири учун худди баданнинг айбларини яшириб, уни иссиқ-совуқдан асраб, ҳарорат бағишлаб турадиган либос кабидирлар)» (Бақара, 187). Ибн Аббос (р.а.) шундай тафсирлайди: «Улар сизларга маскандурлар ва сизлар улар учун маскандурсизлар».

Аллоҳ субҳонаху ва таоло бошқа ояти каримада: «(Аллоҳ) шундай зотдирки сизларни бир жондан (Одамдан) яратди ва у ором осойиш топсин, деб, унинг ўзидан жуфтани вужудга келтирди...», (Аъроф, 189) деб таъкидлайди.

«Маскан» – нафс хотиржам таскин топадиган ўрин, бошқа бир ҳолатда иноқлик ва осойишталикдир. Нафс эса бахт-саодат, қувонч ва хурсандчиликларни жамлайди, уларсиз ҳаёт олов ва жаҳаннам ўтига айланади.

**Учинчи яхшилик:** Аллоҳ эр-хотин қалбини севги муҳаббат ришталари билан бирлаштириб қўйди. Аллоҳ таоло: «...ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишдир» (Рум, 21), деб марҳамат қилади.

Эркак ва аёл ораларида мана шундай неъмат бўлмаганида ҳаётлари давомий бўлмасди. Аллоҳ таоло ўзининг қудрати, файзу раҳмати билан эр-хотин орасидаги муҳаббат ва яқинликни инсоннинг қалбига экди. Шу сабабли аёлини аламлантирган нарса эрини аламлантиради ва бири хурсанд бўлса иккинчиси ҳам хурсанд бўлади. Эрнинг яқинлигига аёли ҳам яқинлик билан, муҳаббатига муҳаббат билан жавоб беради. Бу яқинлик ва муҳаббат қандай пайдо бўлди?

Бир машриқлик эркак узокда яшайдиган мағриблик аёлга уйланса, у билан қариндошлик алоқалари хулқ, одат ва ташқи кўринишда ажралиб туради. Лекин никоҳдан кейин уларнинг орасида бирлик ва иноқлик пайдо бўлиб, аёл унинг бир бўлагига айланади. Эр аёлига раҳмдиллик ва муҳаббат билан қараб, аёлининг ҳаётини қулай ва бахтли қилишга ҳаракат қилади. Шу билан уларнинг орасида бир-бирини ажратиб турувчи фарқлар ва тўсиқлар ўз-ўзидан йўқолади. Эркак хотинининг кўз ўнгида унинг руҳидан бир руҳ ва қалбининг ичидаги бир қалбга айланади. Аёл ҳаётини усиз тасаввур қилолмай қолади. Эр узок вақт сафарда бўлса, то олдига қайтиб келгунича хафалик ва аламини ҳис қилади. Бундай яқинлик ва муҳаббатни эр-хотин қалбига ким солди? Албатта бу оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳнинг фазл-марҳамати, сахийлигидандир. Аллоҳ эр-хотинлик ришталарига севги-муҳаббатни насиба қилиб берди. Бу нарсалар билан инсоннинг тури-нави давомий бўлади. Олий ва Қодир бўлган Аллоҳнинг сўзига қулоқ тутинг: Маъноси: «Эй инсонлар, сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтани (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз!...» (Нисо, 1)

Сўнгра Аллоҳ таоло (Рум сурасидаги биз шарҳлаб берган, 21) оятини қуйидаги сўзлар билан яқунлайди:

«Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят ибратлар бордир» (Рум, 21). Бу мақом – Аллоҳ таолонинг гўзал, ёрқин далиллари – оятларини фикрлаш ва тушуниш мақомидир.

Бу рисолада эркак ва аёлнинг бўйнидаги бурчларини, (турмуш куриш) никоҳ шартлари, ҳукмлари ва одобларини ёритиб беришга ҳаракат қилди. Ҳаётда йигитларнинг уйланишдан қочиш сабаблари, унинг муолажаси, никоҳ ишларидаги маҳр, оилани боқиш, уй-жой ва эр-хотин орасида адолат ва бошқа турмуш куриш аҳкомларининг ҳикматларини баён қилиб бердик.

## **Биринчи бўлим** **Ислонда никоҳга муносабат**

Мусулмон киши ислон таълимоти, қонунлари ва одобларига риоя қилса, бахтли-саодатли ҳаёт кечиради. Йигитларимиз Қуръон нуруни ўзларига машъал, Набий (с.а.в.) кўрсатмалари, суннатларини йўл қилиб олишса ҳақ йўлдан ҳеч қачон адашмайдилар. Янгича жоҳилиятда яшаётган инсонлар бошқа кўрсатмаларга эргашиб, ўз ҳаётларини бахтсизлик ва қийинчиликларга айлантиради.

Айрим кишилар, никоҳга: инсон озодлиги, иродаси ва ҳаётини оғир кишанлар билан кишанлайдиган қамоқ ёки кишаннинг ўзи, деган назар билан қарайдилар. Бундай одамни турмуш куришдан ирганган, ундан қочган ва бўйдоқ ҳолда кўрасиз. У ўзи ўйлагандек «темир қафас»га кириб, хотин, аҳли оиласига асир бўлиб қолишни хоҳламайди. Никоҳни неъмат эмас, кулфат, раҳмат эмас, балки азоб деб эътибор қилади. Лекин бундай кишилар камчиликни ташкил қилади.

### **Никоҳ ором олиш ва шаҳватни қондириш учунми?**

Баъзи инсонлар турмуш куришга – эрмак, роҳатланиш ва шаҳватни қондириш деб қарашади. Бундай кишилар кўп уйланиб-ажрашганини кўриш мумкин. Уйланган аёли билан бир йилдан ортиқ яшамасдан бу ишига Аллоҳнинг руҳсати борлигини ҳужжат қилади. Шайтон унинг ҳаётини бузиб, ҳақиқий саодат таълимидан маҳрум қилиш учун ҳаракат қилаётганини билмайди. Талоқ билан хонадонлар хароб бўлади, у шайтон яхши кўриб, Раҳмон ёмон кўрадиган ишдир. Бир кишининг ўн саккиз марта уйланганини эшитиб қолдим. Бир хотинга уйланар, у билан бир оз муддат яшагандан, сўнг талоқ қилар ва бошқасига уйланар эди. Ўзича бир вақтда тўрттасидан ортиғига уйланмаса бўлди деб ўйлайди. Шу аснода ўйлаб, талоқ қилишни давом эттирган. Чунки у мол-мулки кўп, эси йўқ, хотин алмаштиришни яхши кўрадиган, завқ-шавққа ўч хотинбоз одам бўлган.

### **Разиллик ва бузукликни яхши кўрадиган учинчи тур одамлар**

Шундай кишилар борки, улар аёл билан никоҳланиб, турмуш куришни хоҳламайди. Бундай инсонлар «маданият»нинг янги йўли разиллик ва фаҳш ишларни бемалол қилса бўлади, деб ўйлашади. Улар ҳаётда ҳайвонга ўхшаб изғиб юради, ўз ғариза ва шаҳватларини фаҳш, разиллик йўли билан қондиришни хоҳлайди. Ҳайвондек чегара ва қонун-қондасиз, жинсий ғаризасини қондириш учун тентираб юради. Қачон шаҳватини қондиргиси келса, бемалол ниятига эришиш ва нафсини қондириш учун бузук, гуноҳкор аёлларнинг бағрига ўзини отади. Ўрбий дунёқарашдаги «жинс эркинлиги», «кийиниш эркинлиги», «одобдан ташқарига чиқиш эркинлиги»ги ҳолатлари биз йигитларни ҳам ўзларига мубтало қияпти. Бу нарса айни ҳайвонликдир. Шунинг учун ҳам ҳайвонларга ўхшаб ғариза ва шаҳватлари учун яшайдилар (Яъни яшаш учун емай, балки ейиш учун яшайдилар), булар ўз ҳолатлари ҳақида шундай сўзлайди:

Дунё ейиш-ичишдур, ухлашдур, албат,  
Гарчи булар бўлмаса, бўларди ғурбат.

### **Никоҳга ибратли нуқтаи назар**

Аmmo содиқ мусулмоннинг юқоридагилардан фаркли, ўртак олса арзигулик, олий нуқтаи назари бор. У фазилатли мусулмон оила қуриш ва дунёда солиҳ фарзандлардан бўлган зурриёт қолдиришни хоҳлайди. Азиз ва буюк Аллоҳ ер юзида ҳаётнинг давомийлигини кафолатлаш учун эркак ва аёлни яратишни ирода қилди. Шу сабабли уларни бир-бирига майл қиладиган, инсоний жамият биноси камол топадиган, бир-бирига яхшилик ва ёрдам қўлини чўзиши натижасида ҳаёт чархпалаги айланадиган қилиб қўйди. Бунга табаррук ва олий зот – Аллоҳнинг қуйидаги сўзлари ишора қилади.

«Эй инсонлар, сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўрқингиз!» (Нисо сураси, 1)

### **Турмуш қуришнинг жинсий ғариза (хоҳиш, истак, майл) билан боғлиқлиги**

Улуғлиги юксак бўлган Аллоҳ никоҳланишни, орқали ғариза ва жинсий шахватни ҳар хил ёмонликлардан тўсиб қўйди. Инсонларга турмуш қуриш ихтиёри берилмайди, балки ғариза ва жинсий шахватни ейиш-ичишга ўхшаш зарурий эҳтиёж қилиб қўйди. Бу билан инсон навининг доимийлиги сақланиб қолди. Мусулмон киши ушбу жасадий лаззат билан ҳам Аллоҳнинг розилигига эришади, чунки бу борлиқ одам сабаблик пайдо бўлган ғояни амалга оширади. Бу ғоя тақводор, солиҳ халқлар билан бирга яшаб, Аллоҳга ибодат қилиш ва ҳақиқат билан адолатни ўрнатишлари ва ер юзида Одам (а.с.) ва унинг зурриётлари халифа бўлишидир: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), эсланг, Парвардигорингиз фаришталарга: «Мен Ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман», деганида улар айтдилар...» (Бақара сураси, 30).

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло тақводор, авлиё кишиларни солиҳ зурриёт ва фарзандлар сўраб, дуо қилишга ундайди. Зеро бу нарса никоҳ қуришдаги юксак мақсаддир.

Аллоҳ таоло шундай дейди: «Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шод-хуррамлик ҳадя этгин (ва бизларни тақводорларга пешво қилгин)», дейдиган кишилардир...» Яъни, кўзлари уларни кўрганида қувонадиган ва улар сабабли дунёда ҳам охиратда ҳам бахтли бўладиган солиҳ зурриёт-авлод назарда тутиляпти (Фурқон сураси, 74)

### **Исломиёй никоҳ Аллоҳга бўлган ибодат ва яқинликдир**

Оила қуриш ислом дини нуқтаи назаридан Аллоҳга ибодат ва унга яқинлик ҳисобланади. Мўмин киши, ниятини холис қилиб, қарорида қатъий ва содиқ бўлиб, никоҳланишдан мақсади нафсини ҳаромдан сақлаш бўлса, у билан ажр-савобга эга бўлади ҳамда ибодатнинг савобини топади.

Қуйида Аллоҳнинг танланган пайғамбари Мустафо (с.а.в.) ўзларининг улуғ, пайғамбарлик кўрсатмаларида баён қилиб берган маънодан кўра олийроқ, юксакроқ маъно топа олмаймиз. Ул зот айтдилар: «Сизларнинг бирортангиз аёлига қўшилишида садақа бордур»: «Ў Расулаллоҳ! Бирортамиз шахватини қондирса, бу нарсада унга ажр ҳам борми?» дея сўрашди. Айтдилар: «Агар ҳаром йўл билан қондирганида, унга гуноҳ бўлармиди?». «Ҳа», деб жавоб беришди: «Худди шундай, агар ҳалол йўл билан қондирса унга ажр бўлади», дедилар (Бу Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривоятлари.)

### **Жинсий роҳат туфайли покликка эришиш мумкин.**

Парвардигор ҳаққи, айтингчи, жимоё йўли билан жасадий шахватини қондирган инсонга ажр, савоб, мукофот белгилаб қўйган бу диндан ҳам олийроқ дин борми? Қайси олий мафкура, ҳайвоний ғаризадан келиб чиқадиган «жинсий яқинликни» диний қоида асосида, иймон келтирган киши у билан, худди намоз ўқиган, рўза тутган, закот бергандек Раббисига яқинлашади деган мафкурадан юқорироқ бўлиши мумкин?

Аллоҳ жасадий роҳатни юксаклик ва поклик даражасига кўтарди Оддий инсоний туйғу-шаҳватни азиз ва буюк зотнинг розилигига эришиш йўли қилиб қўйди. Шу шарт билан ниятини тўғри қилиб, нафсини ҳаромдан сақлаши ва ҳаёт давом этиши учун борликни халқларга тўлдирадиган, насл қолдириш ва солиҳ зурриёт тарқатиш. Зеро, буларсиз умр гўзал, ҳаёт эса давомий бўлмайди.

### **Турмуш қуришдан кўзланилган ғояга нозик ишора**

Бу ғараз ва ғоя шундай нарсаки, муборак Рамазон ойининг кечаларида ҳам аёллар билан яқинлик қилишга рухсат берди Улуғ ва олий яратувчи бу нарсага ишора қилиб шундай деган:

«Сизларга рўза кечасида аёлларингизга қўшилиш ҳалол қилинди» (Бақара, 187). Бу оят Ислоннинг бошида, кечқурунги хуфтон намозидан сўнг ейиш ҳам, ичиш ҳам, аёлларга қўшилиш ҳам ҳаром қилинган ҳукми бекор қилиш учун нозил бўлган.

Яъни, «Эй иймон келтирган, рўзадорлар, сизларга муборак рамазон ойининг тунларида аёлларингизга қўшилиш ва уларнинг суҳбатида бўлишга рухсат берилди». Сўнгра Аллоҳ таоло шундай дейди:

«Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз. Аллоҳ сизлар ўзларингизга хиёнат қилаётганингизни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни афв этди. Энди улар билан (рўза кечаларида ҳам бемалол) қовушингиз ва Аллоҳ сизлар учун ёзган нарсани (фарзандни) талаб қилингиз!» (Бақара, 187).

(Бу Бақара сураси 187-оятининг бир бўлаги бўлиб, унда Аллоҳ таборака ва таоло эркак ва аёл ўртасидаги бўладиган жинсий боғланишни, жинсга таъаллуқли бўлган ишларни нозик ва ойдин таъриф билан таърифлади: «... улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либосдирсизлар», деб марҳамат қилди. Бир-бирини қучиши ва ўзаро яқин алоқада бўлиши бир-бири учун аврат, яъни – уят жойларини ёпиб турадиган либосга ўхшатилади. Чунки улар бир-бири учун сатр-тўсиқдурлар ва бирининг ярми иккинчиси билан тўлиқ бўлади. Эркак аёлсиз ноқис, чунки у эркакнинг зийнати ва жамоли. Аёл ҳам эркаксиз ноқис, чунки у аёлнинг қўрғони ва жамолидир. Уларнинг ҳар бири худди кийимлар жасадларга ва гуллар дарахтларга либос бўлганидек бир-бирига либосдурлар. Бу мисол келтиришнинг ва гўзал ўхшатишнинг энг чўққисидир. Баъзи ғофиллар ўйлагандек бу оятнинг маъноси: «... улар сизларга жилбоб-ёпинчикдурлар, сизлар уларга жилбобдурсизлар» деб оятдаги маънони нотўғри таржима қилиш керак эмас, чунки Қуръоннинг лафзлари эмас, маънолари таржима қилиниши керак.)

«Қовушингиз» деган сўздан мурод – Рамазон кечалари аёлларингиздан жимоъ тариқасида ҳузурланинглар ва орангизда бўлган никоҳдан зурриёт-фарзандлар талабида бўлинглар. Мақсадингиз фақат шаҳватни қондириш бўлмасин, дейилади. Аллоҳ таолонинг:

«Ва Аллоҳ сизлар учун ёзган нарсани (фарзандни) талаб қилингиз!», деган сўзи тушунилади. Яъни: қўшилишдан мақсад Аллоҳ сизларга қонунлаштириб қўйган никоҳнинг ғояси бўлмиш фарзанд талаб қилинглар. Ибн Аббос, Мужоҳид ва Икрималар Аллоҳ улардан рози бўлсин: «Бу оятда: «... Аллоҳ ёзган нарса...»дан мурод фарзанд ва насл» деб тафсир қилганлар (Ибн Касир тафсирига қаранг)

### **Ояти қариманинг нозил бўлиш сабаблари**

Ибодатлар шаҳватлардан узилиш оyi бўлган Рамазон кечаларида аёллар билан қўшилишга рухсатнинг нозил бўлиш сабаблари қуйидагича бўлган: Имом Бухорий Барро ибн Озидан (р.а.) ривоят қилиб, айтади: «Рамазонда рўза тутиш ҳукми туширилганида, бир ой аёлларга қўшилиш мумкин эмас эди ва эркаклар ўз нафсларига хиёнат қилар эдилар», яъни шаҳватдан узилишга қурблари етмай, кечалари аёллари билан қўшилиб қўярдилар. Бу хусусда азиз ва улуғ зот Аллоҳ қуйидаги сўзларни туширди:

«Аллоҳ сизлар ўзларингга хиёнат қилаётганларингни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни афв этди».

Ибн Аббосдан (р.а.) айтадилар: «Мусулмонлар рамазон ойида хуфтонни ўқиб бўлишгач, овқат ейиш ва аёли билан қовушиш уларга то кейинги кун ўтиб, куёш ботиб шом вақти кирмагунча ҳаром қилинган эди. Яъни, ифторликдан хуфтонгача бўлган вақтдагина ҳалол эди. Сўнг баъзи инсонлар Рамазон кечалари хуфтондан кейин аёллари ва таомлардан тийила олмаганлар, уларнинг ичида Умар бин Хаттоб (р.а.) ҳам бўлган. Улар бу хусусида Расулulloҳ (с.а.в.)га шикоят қилганларида Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилган:

«Сизларга рўза кечасида хотинларингизга қўшилиш ҳалол қилинди. Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз, Аллоҳ сизлар ўзларингга хиёнат қилаётганларингни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни афв этди. Энди улар билан (рўза кечаларида ҳам бемалол) қовушингиз ва Аллоҳ сизлар учун ёзган нарсани (фарзандни) талаб қилингиз! Ва то тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар» (Бақара, 187).

### **Элчилар саййидининг (с.а.в.) никоҳ хусусидаги йўриқлари**

Йўлбошчимиз Расулulloҳ (с.а.в.) турмуш қурганлар ва умматларини ҳам турмуш қуришга чақирганлар Аллоҳ таоло айтганки: «Албатта, сизларга Аллоҳнинг элчисида (эргашишингиз учун) гўзал ўрнак бор».

Демак, турмуш қуриш Ислom динида айб ёки нуқсон эмас, балки юксаклик ва камолот ҳисобланади. У билан инсон шайтон васвасаларидан сақланиб, шаҳват келтириши мумкин бўлган офатларни даф қилади. Кўзини ҳаромдан тийиб, зино ва гуноҳлардан узоқ бўлади. Нафсини роҳатлантириб суҳбатлашиш, бирга ўтириш, аёлига қараш ва ҳазиллашишга ўхшаш хоҳиш-истакларни рўёбга чиқаради. Инсон нафси табатан зерикувчан ва ҳақдан қочувчи бўлганлиги сабаб, уни ҳалол билан қондириб турилмаса, ҳаромга майл бўлиб қолади.

Қуйида никоҳ фазилатининг баёнида келган саййидимизнинг (с.а.в.) йўриқларидан баъзиларини ҳавола этамиз.

Расулulloҳ (с.а.в.) шундай дедилар: «Дунё матодир, дунё матоларининг яхшироғи солиҳа – такводор аёлдир» (Муслим, Ибн Можа ривояти). Яъни дунё доимий бўлмаган, вақтинчалик фойдаланиб турадиган нарсадир. Аллоҳ таоло айтади: «Ҳолбуки, бу ҳаёти дунё охират олдида факт бир арзимас матодир» (Раъд, 26). Ана шу, дунё матоларидан яхшиси тўғри йўлдаги, ақлли аёл бўлиб, эркак саодатининг бир бўлагидир.

Пайғамбар (с.а.в.) айтдилар: «Кимки Аллоҳ ҳузарига тоза-покланган ҳолда боришни хоҳласа, ҳур-озод аёлларга уйлансин» (Ибн Можа ривояти) Яъни, озод аёллардан бўлган пок, иймонлиларга уйлансин, токи ўзининг наслини кулликка рўбарў қилмасин. Чунки мулк бўлмиш кул аёлга, зарурат талаб қилгандан бошқа пайт уйланиш жоиз эмас, шунга ўхшаш гуноҳкор – фоҳиша аёлга ҳам мусулмоннинг уйланиши мумкин эмас. Ундай аёл вабо ва балодир. Бу ерда ёмонликлари вабога ўхшаб юқиши мумкин бўлган, балога мубтало қиладиган аёл назарда тутилмоқда).

Эрга тегиб чиққан жувонга уйланишдан кўра бокира қизга уйланиш яхшироқ ва афзалроқдир. Термизий ва Насоий, Жобир ибн Абдуллоҳдан (р.а.) ривоят қилади. У киши айтганлар: «Расулulloҳ (с.а.в.) даврларида бир аёлга уйландим ва Набий (с.а.в.) ҳузурларига борганимда айтдилар: «Уйландингми, эй Жобир?» «Ҳа, эй Расулulloҳ», дедим. «Бокирагами, эрдан чиққангами?» деб сўрадилар. «Эрдан чиққанга», дедим. Айтдилар: «Сен ҳазиллашиб, ўйин-кулги қиладиган (ёш) қизга уйланмадингми?» Айтдимки: «Эй Расулulloҳ отам Абдуллоҳ қазо қилдилар ва еттита (ёки тўққизта) қиз қолдирдилар, шуларга қарайдиган одам олиб келдим (яъни, уларнинг ишларини ўнглайди ва ўз қарамоғига олади». Бусўзларимни эшитиб Расулulloҳ (с.а.в.) менинг ҳаққимга дуо қилдилар (Термизий, Ибн Можа, Насоий ривоятлари). Набий (с.а.в.) Жобир ибн Абдуллоҳнинг саҳобанинг бу ишларини маъқуллаганлар ва ҳақларига дуо қилганлар. Чунки саҳобий ўзининг фойдасидан аввал сингилларига яхшилик қилишни ўйлаганлар. Шу сабабдан Жобир ибн Абдуллоҳ, уй



ишлари ва сингилларининг тарбияси билан шуғулланиш учун турмушдан ажраган аёлга уйланганлар.

Саид ибн Жубайрдан ривоят қилганлар, Ибн Аббос мендан сўрадилар: «Уйландингми?» «Йўқ», дедим. Айтдилар: «Уйлан, чунки, умматнинг яхшиси аёллари кўпидир» (Бухорий ривояти). Бу билан Набий (с.а.в.)ни назарда тутдилар, уларнинг тўққизта аёллари бор эди. Ибн Аббос (р.а.) Саид ибн Жубайрнинг Расулуллоҳ (с.а.в.)га уйланиш борасида эргашишларини ирода қилганлар, баъзилар ўйлагандек, аёлларнинг саноғи ва уларни кўпайтириш борасида эмас.

Бешинчидан, уммул-мўминин Оиша Набийнинг (с.а.в.) барча аёллари ичида ягона бокира ҳолда турмуш қурганлари билан фахрланар эдилар. Бир куни Расулуллоҳнинг (с.а.в.) хузурларида туган ўринлари ва уларга бўлган муҳаббатларини зиёда қилган ҳолда суҳбатлашаётиб: «Эй Расулуллоҳ, агар бир водийга тушсангиз ва у ерда меваси тугаган ва яна меваси ейилмаган дарахтни кўрсангиз, уларнинг қайси бирига туянгизни боғлаган бўлар эдингиз?» деб сўрадилар. У киши: «Меваси ейилмаганига», деб жавоб қилдилар. Бу билан Расулуллоҳ (с.а.в.) улардан бошқа бокирага уйланмаганларини назарда тутганлар. (Бухорий ривояти. Саййида Оишанинг бу сўзларидан мурод, бокираларга уйланишга тарғиб кўпроқлигидир, улар Расулуллоҳ (с.а.в.) наздларида бошқа аёлларидан кўра мартабалироқ бўлишга ҳарис бўлганлар. Чунки (юқорида айтилганидек) улардан бошқа бокира билан турмуш қурмаганлар. Бу ва бошқа бокираларга никоҳланиш фазилатига далолат қиладиган ҳадисларда келган маъно – эрга тегиб чиққан аёл аввалги турмуш ўртоғига қайсидир даражада қалби боғланган бўлади. Бокираларга никоҳланишда эр аёли билан ўйнашиб-ҳазиллашиши, бир-бирини кулдириши ва чиройли турмуш куриши назарда тутиладики, уларнинг ўзаро ҳаёти бирлик ва ҳамжиҳатликнинг намунаси бўлсин.

### **Расулуллоҳ (с.а.в.) аёллари хусусидаги муҳим сўз. У зотнинг (с.а.в.) никоҳлари шахват қасди билан бўлганми?**

Пайғамбар (с.а.в.) агар лаззат ва шахват йўлини хоҳлаганларида фақат бокира қизга уйланган бўлардилар. Аммо у зот Оишадан (р.а.) бошқа бокирага уйланмадилар ва ҳамма аёллари эрдан чиққан «туллар» эдилар, чунки никоҳлари Ислом душманлари айтадиганидек, лаззат ва шахват учун эмас, балки машхур ғоя ва улуғ ҳукм учун бўлган. Расулуллоҳ (с.а.в.) аёлларнинг асосий қисми билан ёшлари элликдан ўтгандаги улуғ ёшлик ва қарилик даврларида турмуш қурганлар. Агар аёллари маишат ва шахват учун бўлганида навқиронликларидаёқ уйланган бўлардилар ва никоҳларига фақат бокираларни олган бўлардилар. Ўзлари Жобирга айтганларидек: «Бокирага уйланмайсанми, сен у билан ўйин-кулги қиласан ва у сен билан ўйин-кулги қилади ва сен уни кулдирасан ва у сени кулдиради». Расулуллоҳ (с.а.в.) ўзларининг саҳобаларига ва умматларига бокираларга уйланишни тарғиб қилганлар. Набий (с.а.в.) айтдилар: «Бокираларга уйланишлар, чунки улар оғизлари ширинроқ, фарзанд кўришлари осонроқ ва енгил нарсаларга кўникувчанроқ (яъни, кўп нарса талаб қилмайди)». (Ибн Можа ривояти) Шу юқоридаги мисоллар билан айбловчиларнинг идиолари ботил бўлди. Ва яна Расулнинг (с.а.в.) кўп аёлларни никоҳларига олганларининг ҳикмати сабабини ёритишга, «Расулнинг (с.а.в.) аёлларнинг кўплиги атрофидаги шубҳалар ва ботил сўзлар» деган рисолада алоҳида баҳс очганмиз (Набий Пайғамбарнинг (с.а.в.) аёлларининг кўплиги ҳикматлари қуйидаги ишларда кўринади:

1. Раббиларининг рисолатини – Исломни ёйиш учун аёллари тараф қариндош эркаклари кўп ёрдам бериб, душманга қарши қувватли бўлишларига кўмакдош бўлишган.

2. Аёлларини олган қабилалар билан никоҳ сабабли боғланган қариндошлик орқали ўзаро ҳурмат ва борди-келдилар боғланган.

3. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) (аёллари кўплиги сабабли) ички аҳволларининг кўпчилиikka маълум бўлиши. Бу нарса мушрикларнинг у киши ҳақларида: «у сеҳргар ё коҳин», деган бўҳтонларини бекор қилади, чунки у пайтда сеҳргар ва коҳинлар уйланмаган.

4. Бир кечада ҳамма аёлларини айланиб чиқишлари каби ғайри оддий ҳолат ва улар билан қўшилиш мўъжизалари Анадан (р.а.) ривоят қилганидек: «Набий (с.а.в.) бир кечада ҳамма аёлларини айланиб чиқардилар ва шу куни тўққизта аёлларининг ҳар бирининг уйига бориб келардилар.

5. Баъзи эрлари вафот этган тул аёлларнинг иймони гўзаллиги сабаб, улар билан никоҳланиб, уларга ҳомийлик қилиш билан ҳурмат мартабаларини кўтарганлар.

6. Аёлларга хос баъзи шаръий аҳкомларни Расулуллоҳ (с.а.в.)дан билиб, аёлларга муаллимлик қиладиган бир қанча аёлларнинг бўлиши (яъни, улар Пайғамбарнинг (с.а.в.) аёллари)

7. Баъзи душманлар билан ўзаро адоватнинг камайтирилиши Масалан, Абу Суфённинг кизи Умму Ҳабибага уйланганлар, Абу Суфён эса Ислоннинг қабул қилинишидана олдин Набий (с.а.в.)нинг қаттиқ душманларидан бири бўлган шунга ўхшаш Ҳайий ибн Ахтобнинг кизи София билан никоҳланишлари ва у Расулуллоҳ (с.а.в.) ашаддий душманлари бўлган яхудлардан эди. Пайғамбар (с.а.в.)нинг ахлоқлари мукамалликнинг юқори нуқтасига етган бўлмаганида, душманлар тарафидан никоҳланиб олинган аёллар уларни ташлаб кетишган бўларди. Бундан ташқари бошқа ҳикматлар ҳам кўп.

Олтинчидан, мўмин киши фойдаланадиган дунё матосидан гўзалроғи ислом одобини тутган солиҳа – тақводор аёлдир. Набий (с.а.в.)дан келган ҳадиси шарифда келганидек, айтдилар: «Мўмин киши Аллоҳга тақво қилишдан кейин топадиган энг яхши нарсаси солиҳа завжадан кўрадиган яхшилиги, буюрса унга итоат қилади ва унга қараса, уни хурсанд қилади (кўзини қувонтиради ва у хусусда (фалон ишни қилсанг талоқ бўласан деб ўзига ўкмаган ишни қилдирмаслик учун қасам) ичса, уни содиқ қолдиради (яъни, қасамида зикр қилинган нарсани қилмайди) ва агар у (иш билан бирор жойга) кетса унга ўзида ва молида яхшилик қилади (хиёнат қилмайди)». (Ибн Можа «Никоҳ китоби»да келтирганлар.) Бу ҳадис Аллоҳга тақво қилиш мўмин учун асосий мақсад бўлишига ишора қилмоқда. Сўнгра ҳаётининг шаҳватлари, эҳтирослари бўлмиш, аёллар, мол-дунё, фарзандлар, қасрлар ва уй-жойлардан баҳраманд бўлиш келяпти, Аллоҳ субҳанаху айтгандек: «Одамларга аёллар, болалар, туганмас олтин-қумуш бойликлар, (қиммат) баҳоли отлар, чорва ва экин-тикинларкаби истак-хоҳишларга кўнгил қўйиш чиройли қилинди» (Оли Имрон, 14).

Еттинчидан, Алқама ибн Қайсдан айтадилар: Абдуллоҳ ибн Масъуд билан бирга эдим. Усмон (р.а.) у киши билан холи қолганида унга яқинроқ ўтириб олдим, шунда Усмон (р.а.) унга айтдилар: «Эй Абдурахмоннинг отаси сизни бокира қизга никоҳлаб қўяйми? Сизга олдин ўтган нарсани эслатиб туради» (яъни, бахтли ёшлигингизни эслатиб сизга куч-қувватингизни қайтаради). Ибн Масъуд у кишининг бундан бошқа айтмоқчи бўлган гаплари йўқлигини билгач, қўллари билан менга яқинроқ келишимни ишора қилдилар. Сўнг қуйидаги сўзларни айтдилар: Бу нарсани сиз менга айтаётган бўлсангиз, Набий (с.а.в.)дан шундай деганларини эшитганман: «Эй йигитлар жамоаси, сизлардан ким қодир бўлса, уйлансин, чунки у нарса унинг кўзини (ҳаромдан) тўсади ва фаржини (ҳаром ишлардан) сақлайди. Кимки қодир бўлмаса, рўза тутсин, чунки у тўсиқдир» (Бухорий ва Муслим ва Ибн Можалар ривояти).

Мана Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг Аллоҳ уларга роҳат ва саодатни ирода қилган ва нафси дунё неъматига никоҳ лаззатидан баҳраманд бўлиш орқали интилган ва фарзанд кўриб, доимий мукофотга эга бўлишга интилганларни уйланишга чорлаб, тарғиб қилган ҳадисларидан намуналар, Зеро, фарзандлар ҳаёт қувончи ва инсон ўлганидан сўнг унинг ҳаётининг давомчиси. Бу хусусда Набий (с.а.в.) шундай деганлар: «Агар одам боласи ўлса, унинг амали кесилади, фақат учта нарса бундан мустасно: (инсон фойдаланиб, унга доимий ажр-савоб ёзилиб турадиган) садакаи жория: шогирд қолдириб ё китоб ёзиб, инсонлар фойдаланиладиган илм: унинг ҳаққига дуода бўладиган солиҳ фарзанд» (Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоийлар ривоятлари).

Шунга ўхшаш никоҳ орқали насл қолдириш билан борлиқ халқларга тўлади ва мусулмон уммати кўпаяди. «Бир киши Набий (с.а.в.) ҳузурларига келиб, бир таниқли мансабдор ва мол-дунёси кўп, лекин туғмас аёлга уйланиш хусусида маслаҳатлашганида Мустафо (с.а.в.)

унга айтдилар: «(Бундай) қилма. Туғувчан, (фарзандларга) меҳрибонларга уйланинглари, чунки мен қиёмат кунда умматларим кўплиги билан фахрланаман». Абу Довуд, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоятлари)

## **Иккинчи бўлим** **Никоҳ пайғамбарлар ва расул (элчи)лар суннати**

Шариат буюрадиган никоҳ инсонларнинг йўлбошчиси бўлмиш набийларнинг суннатидир. Улар уйланганлар ва зурриёт қолдиришган. Демак, уларга эргашишлик талаб қилинади. Аллоҳ таоло уларни дунё гули ва ҳаёт дарахтидан узилиб таркидунёчилик ва роҳиблик қилмагани, балки никоҳланиб насл қолдирганлари тўғрисида ҳикоя қилган.

Мушриклар Муҳаммад (с.а.в.)нинг аёллар билан никоҳланганларини сабаб қилиб у кишининг пайғамбарлигини шикор қилишган. Қуръони каримда никоҳ у зотдан аввалги пайғамбарларнинг ҳам суннати эканлигини, Муҳаммад (с.а.в.) ихтирочи ва бидъатчи эмасликлари ҳақида баён қилинган:

«Дарҳақиқат, Сиздан илгари ҳам (кўп) пайғамбарлар юборганмиз ва уларга жуфтлар ва зурриётлар берганмиз» (Раъд сураси, 38-оят.)

Саҳиҳ ҳадисда келганки: «Тўрт нарсани пайғамбарларнинг суннатидир: ҳаё, ҳушбўй ишлатиш, мисвок ва никоҳ». Аҳмад ва Термизий ривоят қилишган.) Шундай экан, бу никоҳ пайғамбарлар суннати бўлса ва Аллоҳ инсонни яратиб, наслининг давомий бўлишига сабаб қилган фитрат-табиатдан бўлса, қандай қилиб пайғамбарлар саййиди (с.а.в.) га эътироз билдириш мумкин)

## **Никоҳнинг фойдалари ҳақида қисқача маълумот**

Никоҳ фойдалари бешта:

**Биринчи:** Наслнинг давомийлиги. Бу никоҳдан бўладиган асосий мақсаддир, яъни ер юзи башариятга тўлиб, уларга макон бўлиб қолиши. Шаҳват эса инсонларнинг кўз қувончи бўлмиш фарзанд ва зурриётларнинг кўпайиши учун яратилган. Бунга Аллоҳ субҳанаҳу таолонинг қуйидаги сўзлари далолат қилади: «Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти халолларимиздан ва зурриётларимиздан шод-хуррамлик ҳада этгин ва бизларни тақводорларга пешво қилгин», дейдиган кишилардир» (Фурқон, 74).

Набийнинг (с.а.в.) қуйидаги сўзлари ҳам юқоридаги оятга мисол бўлади: «Никоҳланинглари, кўпайишинглари, чунки мен қиёмат кунда умматимнинг кўплиги билан фахрланаман» (Абу Нуъайм «Ҳиля»да келтирилганлар. Демак, фарзанд фитрий мақсад ва ҳикмат экан, шаҳват эса уни келтириб чиқарувчи сабабдир.

**Иккинчи:** Шайтондан сақланиб шаҳватини жиловлай олади. Агар инсоннинг шаҳвати кўзғаса, унга ақл ҳам, дин ҳам қаршилиқ қила олмайди. Шунга Набий (с.а.в.) айтдилар (аёлларга нисбатан): «Эҳтиёткор ва қатъий эркакка ҳам ўз таъсирини ўтказишда ақли ва дини ноқис бўлган аёллардан ғолиброғини кўрмадим...» (бу ҳадисни Муслим «Иймон китоби»да 79 – рақам билан келтирилганлар ва у Набийнинг (с.а.в.) аёлларига насиҳат қилиб гапирган ҳадисларининг бир қисмидир. Ҳадиснинг боши: «Эй аёллар жамоаси садақалар беринглари ва истиғфор айтишни (Аллоҳдан кечирим сўрашни) кўпайтиринглари, чунки мен дўзах аҳлининг кўпчилиги сизлардан эканини кўрдим», дедилар. Шунда бир сергап ва журъатлироқ аёл: «Нима сабабдан дўзах аҳлининг кўпчилигини аёллар ташкил қилади?» деб сўраганида, Пайғамбар (с.а.в.) юқоридаги жавобни айтганлар.)

Шаҳват ва ёмон қараш Иблиснинг қўлидаги икки қурол бўлиб, у билан йигит-қизларни овлаб, бирининг иккинчисига рағбатини кўзғайди. Агар диндор йигитни йўлдан оздириш қўлидан келмаса, унга ёмон кишиларни яқин қилиб қўяди. Бунда унинг овлайдиган арқони аёллар бўлади. Шу нарсага ишора қилиб Пайғамбар (с.а.в.): «Ўзимдан кейин эркаклар учун аёллар фитнасидан кўра зарарлироқ фитна қолдириб кетмадим», деганлар (Бухорий ривояти). Яна у зот (с.а.в.) айтадилар: «(Ўз бошингизга) лаънатни кўпайтирасизлар ва

дўстингизга (яъни, турмуш ўртоғингиз борлиги неъматига қарши чиқиб) куфр келтирасиз ва сизлар – ақли ва дини нуқсонлардан кўра...» (юқоридаги ҳадис).

Мустафо (с.а.в.) айтдилар: Қараш иблис садоғидаги ўқларидан бир ўқдир. Кимки уни Аллоҳдан кўрққанидан тарк қилса, қалбида иймон ҳаловатини топади.

Шоир айтади:

«Қанча назарлар, қаровчининг қалбида,  
Санчди камон ва ўқсиз, ўқ санчиш услубида,  
Киши қачонки, кўзи бурилганда,  
Ўш қизлар кўзларига, бўлар хатарда,  
Кўзини қувонтирар қалбига зарар келгани,  
Хуш келмади хурсандчилик, зарар билан келгани»

### **Роҳиблик (таркидунёчилик) фитрат (табиат)га мувофиқ эмас**

Масиҳий (христиан)лар ўз дининг шиори қилиб ва у билан фахрланадиган роҳиблик (яъни, ибодат тариқасида турмуш қуришни тарк қилиш) инсоний фитрат-табиатга қарши ва буюк Аллоҳнинг борлиқдаги низомига тескари бўлган амал. У ҳеч қандай диндан эмас. Балки бўлиб, насроний роҳиблар ўйлаб топган бидъатдир. Лекин улар бу нарсага риоя қилмайди. Ташқи кўринишларидан роҳиб дейилсада, пинҳона аёллар номусларини поймол этишади. Инсонлар уларни пок, муқаддас билиб, авлиёлик сифатини беришади ва «роҳиб-авлиёлар» деб аташади. Аллоҳ таоло улар ҳақида шундай деди: «Роҳибликни эса улар ўзлари чиқариб олдилар. Биз уларга (роҳиб бўлишларини) ёзганимиз – буюрганимиз йўқ, лекин улар ўзлари Аллоҳнинг ризолигини истаб (роҳибликни одат қилдилар-у), сўнг унга тўғри-тўла риоя қила олмадилар» (Ҳадид сураси, 27).

Оятнинг маъноси: «Улар роҳибликни ўзлари тарафдан тўқиб чиқаришди. Биз (Аллоҳ таоло) уни вожиб ҳам, фарз ҳам қилмадик, лекин Аллоҳга итоат қилишни ва розилигига эришиш учун ҳаракат қилишни вожиб қилдик, улар бу нарсага ҳақ риоя билан риоя қилмадилар». Бу оят уларнинг ишларини мақтаб эмас, балки ёмонлаб нозил бўлганлиги кўриниб турибди.

Агар насронийлар ўзларининг олим ва роҳибларининг буйруғини бажаришганида, улардан эслатма ҳам, асар ҳам қолмаган бўларди. Чунки турмуш қуришдан бош тортишса, насллари кесилган ва уларнинг номлари хотиралардан ўчган бўларди. Роҳиблик фитратга тескари бўлиб, Аллоҳнинг ер юзида инсоният кўпайиши хусусидаги иродасига душманликдан бошқа нарса эмас. Шундай экан, у қандай қилиб оламлар Раббисининг шариатига муносиб бўлсин?

### **Шаҳват туғённинг муолажаси**

Инсон шаҳватини ҳаракатга келтириб, номаҳрам аёлга қараш орқали зинога етаклайдиган Иблиснинг макрига қарши курашишга Мустафо (с.а.в.) буюрганлар. Агар эркак бир аёлга шаҳват назари билан қараса ва бу уни ажаблантирса, ўз аҳли оиласи билан кўшилишга буюрганлар. Чунки бу нарса унинг нафсидаги жимовъ шаҳватини қайтаради. Пайғамбар (с.а.в.) ўз сўзлари ва ишлари билан бизни шайтон макридан сақланиш йўлларини қайтаришга кўрсатиб берганлар.

1. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганлар: «Албатта аёл аврат – номусдир. Агар (кўчага) чиқса, шайтон уни (инсонларга кўз-кўз қилиб) кўрсатиб кўяди» (Термизий ривояти). Яъни, инсон кўз ўнгида чиройли ва зийнатли қилиб, уни фитна-ҳалокатга солади.

2. Муслим ривоят қилган ҳадисда эса Набий (с.а.в.) шундай деганлар: «Агар биронтангиз аёлни кўрсаю, аёл уни ажаблантирса, (унга чиройли кўринса) ва қалбига тушиб қолса, дарҳол ўз аёли билан бирга бўлсин (яъни, қўшилсин), мана шу нарса унинг нафсини (шаҳват)ни қайтаради». Яъни, Кишининг нафсида шайтон пайдо қилган жимовъ ва шаҳватни қайтаради.

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Қайси бир эркак ўзини ажаблантирадиган аёлни кўрса, аҳли аёлига борсин, чунки ундаги бор нарса (ўз аҳли аёлида ҳам бор). (Доримий Ибн Масъуд ривоят қилган ҳадисларидан олган) Яъни: Кўчадаги аёл билан ҳаром ишни қилмасдан, уйдаги аёли билан ҳалол тарзда шахватини қондиради.

4. Жобир ибн Абдуллоҳдан (р.а.) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бир аёлни кўриб қолдилар. Шунда аёллари Зайнабнинг олдиларига келдилар, улар тери эзардилар (яъни, бир терини ошлашга тайёрлаётган эдилар) Расулуллоҳ (с.а.в.) нафсларини қондириб, асҳобларининг ҳузурига чиқдилар ва айтдилар: «Аёл киши шайтон суратида келади ва шайтон суратида кетади, агар биронтангиз бир аёлни кўриб қолса (ва шу сабабли шахвати пайдо бўлса) ўз аҳли-аёлига борсин, мана шу нарса унинг нафсидаги (шахват)ни қайтаради (босади)» («Саҳиҳи Муслим» Нававий шарҳи билан.)

Нававий айтади: Олимларнинг фикрича, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) бу ишлари саҳобалар ва барча мўминларнинг қилиши керак бўлган ишдир. У киши ўз иш-ҳаракати, сўзлари билан тўғри йўлни кўрсатдилар. Эркак аёли билан кундузи бўладими ёки бошқа пайтми, қўшилишдан қайтарадиган иш бўлмаса, унда ҳеч қандай ёмонлик йўқ. Эркак шахвати ғолиб келганида уни қайтарса, кечиктирса бадани қалб ёки кўзига бирон жисмоний зарар етиши мумкин. Нававий раҳматуллоҳи алайҳ ҳадис шарифдан чиқариб олган ҳукми Набий (с.а.в.)дан ривоят қилинган ушбу сўзлар қувватлайди: «Агар эркак ўз хожатини қондириш учун аёлини чақирса, ҳатто тандирда (нон ёпаётган) бўлса ҳам олдига келсин». (Термизий ривояти)

Инсонни йўлдан оздириш, ҳалокатга солиш учун ўз «арқон»ларини ишлатадиган шайтоннинг макридан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Аёл киши эрининг итоатига ҳатто тандирда (нон ёпаётган) бўлса ҳам шошилсин. Нон ёнса ёниб кетсин, эрининг асаби ёниб кетмасин. Ўз нафасини зино, бузуклик каби ўжар шахватнинг офатларидан сақласин. ҳалол ва шаръий исломий никоҳ бўлмаса, шайтон макридан сақлайдиган нажот йўқдир.

Никоҳ фойдаларидан яна бири – бирга ўтириб, ҳазиллашиш, ўйнаш ва қалбни хурсанд қилувчи назар билан нафсни роҳатлантириш. Бу кишини тоат-ибодатга қувватли қилиб кўяди. Нафс табиатан ибодат ва зикрдан қочади, чунки Аллоҳга ибодат ва зикр қилиш нафснинг табиатига зид. Агар ибодатга ўзи ёқтирмаган ҳолда мажбурланса, ўжарлик қилиб ундан қочади. Баъзи вақтларда лаззат билан роҳатланиб турса, ибодат кучайиб фаоллашади. Аёллар билан яқин мулоқатда бўлиш қалбни роҳатлантириб қайғуни кетказди. Бу ҳақда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шундай деган: «... ва ун (нафс)дан жуфти (Ҳавво)ни ун (Ҳавво)га таскин топиш учун яратди...» (Аъроф сураси, 189)

Али (р.а.) айтдилар: «Қалбларни бирор соат роҳатлантиринглар. Агар улар мажбурланса, (қийнаб кўйилса) кўр бўлиб қолади».

Жобир ибн Абдуллоҳ тул хотинга уйланганларида пайғамбар (с.а.в.) айтдилар: «Бокирага уйланмадингми? Ҳазиллашиб ўйнатардинг ва у сени ҳазиллашиб ўйнатарди, уни кулдирардинг, у сени кулдирарди» (Бу ҳадис Муслимнинг ривоятлари бўлиб, аввал зикр қилинган.) Ва бошқа ривоятда, «Саҳиҳи Муслим»да Пайғамбар (с.а.в.) Жобирга (р.а.): «Ўш бокира қизларнинг ўйинида қаерда эдинг? (Яъни, нега бокирага уйланмадинг?)» деб айтганлар. Муслим айтадилар: (Бунда бокираларга уйланиш фазилати бордир ва яхшилиги ортиқроқдир, унда эркак ўз аёли билан ҳазиллашиб ўйнаб ва у билан мулоқим бўлади, хурсандчилик қилиб кулиши ва гўзал турмуш кечириши мумкин.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Севишганлар учун никоҳдан бошқа (яхши нарса) кўринмайди» (Ибн Можа ривояти). Набий (с.а.в.) шундай чиройли йўл кўрсатганларки, бу орқали кишилар жинсий ғаризани омонлик йўлида юргизадилар. Муҳаббат билан боғланган йигит ва қиз учун никоҳдан кўра тўғри ва фойдали муолажанинг ўзи йўқ. Агар оталар-оналар шу нарсани тушунишса, ўғил-қизларини никоҳ кўрғонига олиб киришга шошилишган бўлишарди. Бу эса уларнинг иффатини пок ҳолда сақлаб қоладиган ягона йўли ва Пайғамбар (с.а.в.) кўрсатмаларидир.

### **Ибн Аббос (р.а.)дан фатво сўрган йигит қиссаси**

Ривоят қилинишича, одамлар бир куни Ибн Аббос (р.а.)нинг мажлисларида эдилар. Улар тарқалгач, бир йигит кетмасдан ўтирарди. Ибн Аббос (р.а.): «Бирон ҳожатинг борми?» деб сўрадилар. Йигит: «Ҳа, бир масала хусусида сўрамоқчи эдим, лекин одамлардан уялдим. Ҳозир эса ҳайбатингиз ва сизга бўлган ҳурматимдан бу нарса ҳақида сўрай олмаяпман». Ибн Аббос: «Олим ота ўрнида бўлади, шунинг учун отангга айтишинг мумкин бўлган нарсани менга айт», дедилар. Йигит: «Менинг жуфти-ҳалолим йўқ, гуноҳ ва фаҳш ишлардан кўрқаман, шунинг учун кўлим билан истинмо қилсам гуноҳ бўладими?» деди. Ибн Аббос ундан юз ўгирди, сўнгра айтдилар: «Туф-э! Чўрига уйланишинг бу ишингдан яхшидир. Лекин бу зинодан кўра яхшироқ, (лекин, ундан кўра) нафсингни ҳаромдан сақлайдиган аёлга уйлангин ва нафсингни кўғирчоқ қилиб ўйнайдиган шайтонга ташлаб кўйма». (Бу қиссани Имом Ғаззолий «Ихёу улумиддин» китобида зикр қилганлар)

**Тўртинчи фойда.** Уй ишларини бажариш – овқат пишириш, супириб-сидириш, идиш ювиш ва уйда қулайликлар яратиш муаммоларидан қалбни фориғ қилади. Инсонда жимов килишга шахвати бўлмаган тақдирда ҳам уйда бир ўзи яшаши қийин. Унга меҳрибонлик қилиб, оғирини енгил қилайдиган жуфти ҳалоли бўлмаса, асосий вақти уй юмушлари билан машғул бўлиб илм олиш ва амал қилишга вақт топа олмайди. Аммо солиҳа-тақводор аёл эркакнинг уйига қаровчиси ва динида ёрдамчисидир. Юқорида айтиб ўтилганларнинг бетартиб бўлиши қалбни ташвишлантириб, ҳаётни оғирлаштиради.

Абу Сулаймон Дороний айтганлар: «Солиҳа аёл бу дунё учун эмас, балки сенинг охиратинг учун (яхши амаллар, ибодат, илм олиш ва амал қилишинг учун) уй юмушлари ва муаммолардан фориғ қилиб кўяди. Унинг фориғ бўлиши – уй ишларини юргизиши ва шахватни қондириш кабиларни ўз ичига олади».

Расулulloҳ (с.а.в.) айтдилар: «Уч нарса одам боласининг бахти саналади: солиҳа аёл; солиҳ манзил (қулай уй-жой); яхши маркаб (улов). Одам боласининг бахтсизлигида эса куйидаги учта нарсада кўринади: ёмон хотин; ёмон маскан ва ёмон маркаб» (Аҳмад, Табароний, Баззор ва Ҳоким ривоятлари).

**Бешинчи фойда.** Ўз нафси билан курашиш, аёлининг ҳақларини адо этиш, улардан етадиган азият ва ахлоқларига сабр қилиши жиҳоддир. Ўзини дин йўлига йўналтириб, ҳалол ризқ билан касб қилиб, болалар тарбиясига қарашни чиниқтириш лозим. Бу амалларнинг фазилати улуғ ва кадрли бўлиб, аҳли аёли унинг ҳомийлиги ва бошқаруви остида бўлади. Ҳомийлик фазилатининг улуғлиги ҳақида Умар (р.а.) айтганлар: «Никоҳни ожизлик ёки бузуқликдан бошқа нарса ман қилмайди».

Жунайид раҳимахуллоҳ айтдилар: «Жимовга эҳтиёжим, худди озуқага бўлган эҳтиёжимга ўхшайди». Чунки аёл киши эркак учун бузуқликдан сақловчи ва қалбини тозалагувчи озуқақадир. (Хужжатул Ислому Ғаззолийнинг «Ихёу улумиддин» китобларида файзли баҳс юритилган. Уни албатта, кўриб чиқинг. Чунки унда жамики ажойибот ва гўзалликлар жамлашган.)

Бирорта одам шахват фақат эркакларга хос, деб ўйламасин. Балки у аёлда эркакниқидан кўра кучлироқдир. Лекин Аллоҳ азза ва аёлни ҳаё билан ҳимоялади. Аёл киши ҳам эркак истаган нарсани истайди. Шунинг учун Аллоҳ таоло тул эркак ва аёлларни никоҳлаб кўйишга (бунда уларга ёрдам беришга) буюради.

«Ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўрилариңизнинг яхшиларини уйлаб кўйинглар...» (Нур, 32)

Солиҳ кишилардан бири шундай деган:

Аёллар шайтондирлар, биз учун яратилган,

Аллоҳдан паноҳ сўраймиз шайтонларнинг шарридан.

(Айтмоқчики, аёллар эркакларни васваса қилиб, шахватини кўзгатиб ёмон йўлга чорлайдиган, синов, фитна учун яратилган. Биз эркаклар уларнинг шарри-ёмонлиги (яъни фитнасидан) паноҳ сўрашимиз керак.)

Унга жавобан яна бир солиҳ киши айтди: «Шўринг қурғур, бундай демайсанми?!

Аёллар райҳондирлар биз учун яратилган

## Ҳаммамиз ҳушнудмиз райҳонлар ҳидидан

### «Табаттул» роҳибликка ўхшайди

Насроний динида «роҳиблик» фикрати қандай зоҳир бўлса, баъзи мусулмонларда «табаттул» – таркидунёчилик фикрати шундай зоҳир бўлади. «Табаттул»нинг маъноси аёллардан узилиб, Аллоҳ таолога ибодат қилиш учун никоҳни тарк қилишдир. Саҳобаларнинг баъзилари таббаттул қилмоқчи бўлганларида Пайғамбар (с.а.в.) бу ишдан қайтариб, ундан ҳазар қилишга буюрганлар. Роҳиблик Аллоҳнинг шариатига, никоҳ билан инсон наслининг давомийлигини таъминлашдаги У зотнинг азалий ҳикматига қарши чиқишдир..

Бунга қуйидаги далиллар келган:

**Биринчидан**, Саъд ибн Абу Ваққосдан (р.а.) айтдилар: «Усмон ибн Мазъун таркидунё қилишни хоҳладилар, аммо уларни бу ишдан Пайғамбар (с.а.в.) қайтарганлар» ва агар ижозат берганларида бичилиб олган бўлардик» (Муслим, Термизий ва Ибн Можа ривоятлари).

Имом Нававий айтадилар: Агар бизга аёллар ва уларга ўхшаш бошқа дунё қувончларидан ажрланишга изн берилганида, аёллар шаҳватини даф қилиш учун уларнинг ижтиҳодидан бичиш жоизлигини гумон қилиб ўзимизни бичган бўлардик.

**Иккинчидан**, Оиша (р.а.) айтадилар: «Расулulloҳ (с.а.в.) «табаттул»дан қайтарганлар» (Термизий ва Ибн Можа ривоятлари).

Учинчидан, Саъд ибн Хишом мўминларнинг онаси Оиша (р.а.) ҳузурларига кириб дедилар: «Мен сиздан табаттул ҳақида сўрамоқчиман, бу ҳақда нималар биласиз?» Оиша (р.а.) айтдилар: «Бу ишни қилманг. Аллоҳ азза ва жалла Раъд сурасининг 38-оятида айтади.

«Дарҳақиқат, Сиздан илгари ҳам (кўп) пайғамбарлар юборганимиз ва уларга жуфтлар ва зурриётлар берганмиз» (Раъд, 38).

Табаттул (юқорида айтиб ўтилганидек): Аллоҳ розилиги талабида ибодат учун бўшаниш мақсадида никоҳни тарк қилишдир. Ундан қуйидаги ҳадис мисолида қайтарилган: «Албатта, Аллоҳ бизга роҳибликни ҳақ ва пок нарса (дин)га алмаштириб берди».

Қуртубий дейдилар: «Табаттул – дунё лаззатлари ва шаҳватларини тарк қилиб, Аллоҳ таоло ибодати учун никоҳни тарк қилиш» («Жамиъул аҳкам»).

Айний айтганлар: Ҳадисда қайтарилган табаттулдан мурод – аёллардан ажраш ва никоҳни тарк қилиш. Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларининг маъноси эса

«У аёлларга (яъни, эрлари ўлиб, идда сақлаб турган аёлларга) совчиликни ишора қилишингизда ёки ичларингизда (совчилик ҳақида) ўйлашингизда сизлар учун гуноҳ йўқ» (Бақара сураси, 235).

Аллоҳга ибодат учун ажралиб чиқиш, лекин никоҳни тарк қилиш эмас, чунки Набий (с.а.в.) ҳам бунга буюрмаганлар. (Айнийнинг «Саҳиҳул Бухорий»га шарҳлари.)

Тўртинчидан, пок шариатимиз табаттул ва роҳибликни ҳаром қилиб, ундан қайтарган. Бунга далил сифатида қуйидаги воқеани келтириш мумкин: «Пайғамбаримиз (с.а.в.) уйларига уч киши келиб, амалий суннатларга эргашиш учун қилинадиган ибодатлари ҳақида сўрашди. Набийнинг (с.а.в.) тоат-ибодатларидан хабар топишгач, у зотнинг мартабаларига эришолмаслигини билганлари ҳолда Аллоҳга яқинлаштирадиган амаллардан бир қанчаларини ўйлаб топишди. Бу нарсаларни ўзларига назр (вазифа) қилиб, бири айтди: «Мен умр бўйи рўза тутаман ва (кундузи) овқатланмайман». Иккинчиси айтдики: «Мен кечалари ухламай (ибодатда) қоим бўлиб чиқаман», учинчиси эса: «Мен роҳиблик қилиб, аёлларга ҳеч қачон уйланмайман», деди. Пайғамбар (с.а.в.) бу ишдан хабар топгач, жаҳллари чиқиб, уларни чақиртирдилар ва айтдилар: «Фалон-фалон нарсани айтганлар сизларми?», «Ҳа, эй Расулulloҳ» дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга қасамки, мен албатта, сизлардан кўра Аллоҳдан кўрқадиганроқ такводорроқман. Лекин мен рўза ҳам тутиб, овқат ҳам ейман, намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам ва аёллар билан никоҳланаман ҳам. Бас, кимки суннатимдан юз ўгирса, мендан эмас!»

## **Абу Дардо (р.а.) билан Салмон (р.а.) қиссалари**

Набий (с.а.в.) Мадинага ҳижрат қилганларида муҳожир ва ансорларни ака-ука тутинишга ундаганлар. Салмон Форсий Аллоҳ розилиги учун Абу Дардо билан биродар бўлди. У киши Аллоҳ розилиги учун ўз биродарларини доим зиёрат қилиб турардилар. Кунларнинг бирида биродарининг уйларига зиёрат учун борганларида уйларидан топа олмадилар. Абу Дардонинг аёллари зийнат кийимларда эмас, балки иш кийимида эди. У киши: «Сенга нима бўлди?» деб сўрадилар. Аёл: «Биродарингиз Абу Дардонинг дунё билан ишлари йўқ», дедилар. Шу пайт Абу Дардо келдилар, Салмонни кўриб, хурсанд бўлдилар. Уларга овқат келтирганида, у киши: «Енг, мен рўзадорман», дедилар. Салмон унга жавобан: «Аллоҳга қасамки, мен билан бирга таом емасангиз, мен ҳам емайман», дедилар. Шунда, нафл рўза тутганлари учун (уни бузиб) бирга овқат едилар. Кеч кирганда Салмонга жой ҳозирлаб, ўзлари намоз ўқишга тургандилар, Салмон: «Ҳозир ухланг», дедилар. Абу Дардо ухладилар. Сўнг (яна) туришга ҳаракат қилганларида (яна) «Ухланг», дедилар. Туннинг охирига бориб қолганда: «Энди тулинг, бирга намоз ўқиймиз», дедилар. Намоздан кейин Салмон у кишига: «Албатта, сенда Раббингнинг ҳаққи бор ва сенда эса нафсингнинг ҳаққи бордир. Бас, ҳамма ҳақдорларнинг ўз ҳаққини бер», дедилар. Бу ҳақда Пайғамбар (с.а.в.)га хабар берилганида: «Салмон рост айтибди», дедилар (Бухорий ривояти).

### **Учинчи бўлим**

#### **Совчилик одоблари ва совчи қўйилган аёлга қараш мумкинлиги**

Аллоҳ таоло айтди: «У аёлларга (яъни, эрлари ўлиб, идда сақлаб турган аёлларга) совчиликни ишора қилишингизда ёки ичларингизда (совчилик ҳақида) ўйлашингизда сизлар учун гуноҳ йўқ» (Бақара сураси, 235).

Табарий айтадилар: «Эй эркақлар, сизлар иддадаги аёлларга очиқ эмас, балки ишора билан турмуш қуришга рағбатингизни маълум қилсангиз, сизлар учун торлик ё гуноҳ йўқдир.

«Хитба»дан мурод – совчилик, яъни қизни унинг аҳлидан аҳлидан ўз никоҳига сўрашдир.

Насл-насаб ҳоллари, нафақа, мерос ва бошқа эр-хотинлик ҳаётига тааллуқли бўлган роҳат-фароғат ўзаро ҳамжиҳатлик билан турмуш қуришнинг муҳим ва жиддий ишларидан ҳисобланади. Шунинг учун никоҳдан олдин «Хитба» – совчилик қилиш зарурдирки, никоҳ боғлашдан олдин эр аёли ҳақида ва аёл эри ҳақида таниш-билишлар қўни-қўшнилари орқали маълумотга эга бўлиши керак. Чунки никоҳ аниқ маълумотлар асосида бўлса, никоҳ ақди доимий, жуфтлар орасидаги ҳаёт эса гўзал бўлади.

Агар йигит кўчада бир қизни кўриб ёқтириб қолса, у билан оила қуришга шошилмай, олдин уни таниб, ўрганиб чиқиши керак. Чунки баъзи қизлар ўйноқи, уятсиз бўлиши мумкин. Худди шунингдек, қиз ҳам хушрўй йигитни кўриб қолиб, унинг истаги асирасига айланиб қолмаслиги керак. У (йигит) инсон суратида тарбияланган ўғри бўлиши ҳам мумкин. Ундайлар мулойим кўзичоқ суратидаги ваҳший бўри бўлиб, қизларнинг номусларни бузиши мумкин.

Ислом шариати, турмуш қуриш мавзусида жиддий ўйлашга, совчилик қилишдан олдин фикр юритишга ундайди. Аёл киши ҳам оила аъзоларини беҳабар қолдириб, ўзи эрга тегиб олиши тўғри эмас. Бу хусусда шундай дейди:

«Хожаларининг изни билан уйланаверинглар» (Нисо сураси, 25).

Мустафо (с.а.в.) айтадилар: «... Агар сизларга, диндор ва хулқига рози бўладиган (яъни, тақволи ва яхши хулқли) кишидан совчи келса унга турмушга чиқинглар. Бундай қилмасангиз, (яхшига тегмай, ёмонга тегсангиз) ер юзида фитна-фасод (бузғунчилик) тарқалади» (Термизий ва Ибн Можа ривоятлари).

Шундай қилиб, Ислом аёлнинг хитбасини, жавобгарлигини аҳли оиласига топширди. Европа қизларига ўхшаб ўзи хоҳлаганига тегиб кетавериши мумкин эмас.



Айрим турмушлар қаршиликлар бўлмасада, ажралиш-талоклар, кун ва ойлар ўтмасданок қисқа муддат ичида содир бўлган. Бунинг асосий сабаблари эса эътиборсизлик, ўз ҳаввойи хоҳишларига эргашиш, жиддий мулоҳаза ва чиройли хужжат асосида никоҳ бўлмаганлигидир. Сурати (чиройлилиги) алдайдиган қизлар қанча? Қанчадан-қанча қизлар алдов, макр йўли билан номус ўғриларилинг арқонига тушиб қолади.

Бу хусусида шоир қуйидаги сўзларида чиройли мисол келтирган:

Ориқ кишини кўриб, уни мазаҳ қиласан,  
Лекин, у кийимларда ҳайбатли арслон бўлур.  
Торирдан ажабланиб, уни синаб кўрасан,  
Шу ҳол, у гумонингга тескари келур.

Торир – чиройли, саранжом кўриниш соҳиби. Ҳозирги аср истилоҳида «жентельмен», «зиёли», «маданиятли».

Бир киши Ҳасан ибн Алига (р.а.) деди: «Менинг бир қизим бор, уни кимга никоҳласам экан?» Айтдилар: «Уни Аллоҳга тақво қиладиганга никоҳланг. Агар уни яхши кўрса, ҳурматини жойига қўяди, ёмон кўрса зулм қилмайди».

Уммул-мўминийн – Оиша (р.а.) дедилар: «Никоҳ – кулликдир. Шундай экан, ҳар бирингиз ўзининг иззатлисини (қизини) қандай жойга бераётганига қарасин».

Шаббий раҳимахуллоҳ айтдилар: «Ким иззатлисини (қизини) фосиққа никоҳлаган бўлса, бошини ёрибди» (Юқоридагилар «Хужжатул Ислому» ўаззолийнинг «Ихёу улумиддин» китобидан олинди).

Ота ва оила аҳллари, қизлари учун яхши хулқли, тақводор куёв қидиришлари шарт. Унинг бойлиги ва молини кўзлашлари керак эмас. Агар совчи кўювчи хулқи яхши, тақволи, шарафли, муруватли, илмли ва кўркем бўлса, қандай яхши. Бу йигит турмуш қуриш неъматига ва қиз унга ҳадя қилинишига арзийди. Улар турмуш қурса, яхшилиқ билан куради ва агар баъзи ишларини ёқтирмай қолса унга чиройли муомалада бўлаверади.

Имом ўаззолий айтдилар: «Қизнинг ҳаққида эҳтиёт бўлиш аҳамиятлидир. У никоҳ билан кул бўлиб қолади ва ундан халос бўлолмайди. (яъни, ўзи хоҳлаганини қилолмайди, деган маънода) Эр ўзи хоҳлаган пайтда талок беришга қодир. Агар киши мусулмон бўлатуриб ўз қизини золимга, ё фосиққа, ё бидъатчига ёки ароқхўрга берса у ўз динига хиёнат қилибди. Бунинг билан Аллоҳ аза ва жалланинг ғазабига рўбарў бўлади, оилада раҳм-шафқатни узиб, қизига ёмонликни танлабди». (ўаззолийнинг «Ихё...» асаридаги «Никоҳ боби»га қаранг.)

### **Инсон қизини яхшилар ва солиҳларга таклиф қилиши атрофидаги муҳим баҳс**

Қиз бола кишининг номуси ва шарафи, уни муҳофаза қилиш ва сақлаш лозим. Инсон молига қандай ҳарис бўлса, қизининг шарафи, иззатига молидан кўра каттароқ ҳарис бўлиши керак. Оқил одам қизини ўзига муносиб, номусини сақлайдиган, у билан қариндошлари қаноатланадиган ва қизини бахтли қила оладиган эрга никоҳлайди. Аммо баъзи инсонлар қизини келинликка таклиф қилишни эркаклик шаънига тўғри келмайди деб, ҳисоблашади. Бироқ бу нуқтаи назарни салафи солиҳлар (аввалда ўтган яхшилар) сийрати бекор қилади, чунки бу манманлик ва Исломуга ёт бўлган жоҳилиятнинг бир кўриниши.

Қуйида ажойиб бир қиссани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

### **Умарул Форукнинг қизларини баъзи саҳобаларга таклиф қилишлари**

«Ҳафса бинту Умар (р.а.)нинг жуфтлари вафот этиб, иддалари тугади. Оталари у аёлни бирорта саҳобийга никоҳлашни ирода қилдилар. Бу ҳақда Ҳазрати Умар (р.а.) хикоя қилади: «Мен Усмон ибн Аффон билан учрашиб, Ҳафсани никоҳига олишни таклиф қилиб, айтдимки: «Агар хоҳласангиз сизга Ҳафса бинту Умарни никоҳлаб берай». У киши: «Ўйлаб кўришим керак», деб жавоб бердилар. Умар (р.а.) айтадилар: «Бир неча кун кутганимдан сўнг, «Ҳозирча уйланмайдиганга ўхшайман», дедилар. Сўнг Абу Бакр Сиддикқа учрашиб: «Агар хоҳласангиз, сизни Ҳафса бинту Умарга никоҳлаб берай», деганимда индамадилар.

Абу Бакрнинг бу иши Усмон (р.а.)нинг сўзларидан кўра қаттиқроқ таъсир қилиб, Усмонни гапидан жаҳлим чиққандан кўра кўпроқ жаҳлимни чиқарди. Яна Абу Бакр (р.а.) менга йўлиққанларида: «Ҳафсани таклиф қилганингизда сизга ҳеч нарса жавоб қайтармаганим учун жаҳлингиз чиққан бўлса керак-а?» дедилар. Мен ҳа», деб жавоб бердим. У киши: «Менга таклиф қилганингизда, сизга жавоб қайтаришдан ҳеч нарса тўсмади. Бир кун Расулulloҳнинг (с.а.в.) Ҳафсани гапираётганларини (зикр қилганларини) (яъни, унга уйланмоқчиликларини) эшитгандим. Шунинг учун у кишининг сирларини фош қилгим келмади. Агар Расулulloҳ (с.а.в.) хоҳламасалар, мен қабул қиламан», дедилар («Саҳиҳи Бухорий»нинг шарҳи «Фатҳул Борий»дан).

Ҳазрати Умар (р.а.)нинг бу ишлари хунук ёки ғалатими?! Ўқи қизига фазилатли ва солиҳ кимсаларни қидириш айна ақллилик ва тўғрилиқ эмасми?

Албатта, қиз бола уни муҳофаза қилиб сақлайдиган инсон ҳузурига қўйилиши керак бўлган «гавҳар»дир.

Муносиб жуфт ва бошқаларга ўрناк бўладиган йигитни қидиришимиз, қизни ўзи хоҳлаган йигит билан турмуш қуришга қўйиб беришимиздан кўра яхшироқдир. Оилага муносиб бўлган эр қизнинг аҳлига ор ва иснод келтириши мумкин.

### **Қандай аёлга совчи юбориш мумкин?**

Аёлларга совчи қўйишлиқда учта шарт бор:

1. Бирон эрнинг қарамоғида бўлмаслиги.
2. Вафот (эри вафот этган) ёки талоқ иддасида бўлмаслиги.
3. Олдинроқ унга бирор киши шаръий хитба (совчилик) қилган бўлмаслиги.

Аллоҳ таоло аёлнинг эри бўлса, унга совчи юбориш ёки уйланишни ҳаром қилган. Субҳанаҳу ва таоло айтди:

Маъноси: «Сизларга оналарингиз (га никоҳланиш) ... ҳаром қилинди. Ва (яна сизларга) аёллардан, ҳимоядагилари (эри борлари ҳам ҳаром қилинди) фақат қўл-остидагиларингиз (сизнинг ҳимоянгиздаги чўрилар) бундан мустасно...» (Нисо сураси 23)

Демак, эри бор аёлга совчилик қилиш ва никоҳига олиш ҳалол эмас. Бу ишларни қилишлиқ эр-хотинлик алоқасига зарар етказди, шариатда эса ҳаром. Бундан ташқари, эри талоқ қилиб, унга яна уйланишини билдириб, бошини қотириши ҳам ҳалол эмас, чунки унда мусулмон ҳурматиға, иззатиға тажовуз бордир. Эри бўлатуриб аёлга совчилик қилган одамни Расулulloҳ (с.а.в.) лаънатлаганлар. Буни Табароний қуйидаги лафз билан ривоят қилган: «Ким аёлга, эри бўлатуриб совчилик қилса биздан эмас». Яъни, ўзи унга уйланиб олиш учун эрини талоқ қилишга қизиқтиради ва эр-хотин орасини бузади.

Идда муддатида бўлган аёлга ҳам совчи юбориш ҳаром, хоҳ у талоқ иддаси бўлсин хоҳ эри вафот қилган бўлсин. Рожъий (яъни қайтиш мумкин бўлган талоқдаги) иддадаги аёл эса никоҳдаги аёл ҳукмида бўлади. Чунки эр-хотин орасидаги турмуш алоқалари узилмаган ва эр идда ичида ўзи хоҳлаган вақтда аёлини қайтиб олиши мумкин. Аммо юқоридаги ҳолда ишоравий тарзда ҳам, очик тарзда ҳам аёлнинг қўлини сўраш ҳаромдир. Ҳақиқий иддадор аёлнинг қўлини сўраш ишора тарзида бўлса жоиз, очик шаклда эмас, то иддаси тугамагунича у билан никоҳлана олмайди. Аллоҳ субҳанаҳу таоло Бақара сурасининг 235-оятда шундай дейди:

«У аёлларга (яъни, эрлари ўлиб, идда сақлаб турган аёлларга) совчиликни ишора қилишингизда ёки ичларингизда (совчилик ҳақида) ўйлашингизда сизлар учун гуноҳ йўқ. Аллоҳ сизлар у аёлларга (совчилик ҳақида) зикр қилишингизни билди. Лекин улар билан хуфёна ваъдалашмангиз! Фақат яхши гаплар гапиришингиз (жоиздир). То буюрилган идда муддати битмагунча никоҳ боғлашга қасд қилманг!» (Бақара сураси, 235)

Бундан мурод: улар билан то талоқ ё вафот иддалари тугамагунича уйланиш –никоҳ аҳдини боғламанглар.

Тасриҳ – никоҳига олишини очик айтиш. Яъни: «Сенга уйланишни ва менинг хотиним бўлишингни хоҳлайман». Юқорида зикр қилинган ҳолатларда бу сўзни ишлатиш фақиҳларнинг келишуви билан ҳаром қилинган. Ояти каримада баён қилинган талмиҳ эса, (яъни ишора орқали уйланиш мақсадини билдириш) қуйидаги сўзлар мисолида бўлиши

мумкин: «Аллоҳ сени ва фарзандларингни ўз паноҳида сақласин. Шояд Аллоҳ сенга яхшиликлар ато этса, чунки сен солиҳа аёлсан» ва шунга ўхшаш турмуш қуришга очик далолат қилмайдиган сўзлар:

Ривоят қилинадики, Хусайн (р.а.)нинг набираларидан Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али Сукайна бинту Ханзоланинг эри вафот этганидан сўнг изн сўрадилар. У аёлнинг ҳали иддалари тугамаган эди. Абу Жаъфар аёлга: «Менинг Расулуллоҳга ва Алига қариндошлигимни (уларнинг авлодиданлигимни), араблар олдида тутган ўрнимни биласан...», дедилар. Сукайна бинту Ханзала: «Аллоҳ сизни мағфират қилсин, эй Абу Жаъфар сиз мусулмонларга ҳукм ва фатволар берадиган кишисиз, менга иддамда совчилик қиялпсизми?» дедилар.

Абу Жаъфар айтдилар: «Мен сенга фақат Расулуллоҳ (с.а.в.) ва Алига қариндошлигим ҳақида хабар бердим. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам Абу Саламадан тул бўлиб қолган Умму Салама (иддасида) олдига кириб: «Менинг Аллоҳнинг элчиси эканлигимни, унга ихтиёр қилинганимни ва қавмимдаги ўрнимни яхши биласан...» деганлар. (Бу уларнинг хитбалари эди) (Байҳақий уни «Сунан»ларида келтирганлар, ҳадиснинг санадида узилиш бор.

Совчилик шартларининг учинчиси совчиликка бормоқчи бўлган аёлга кимдир олдин хитба қилиб қўйган бўлса, бир киши қизга совчи қўйсаю, йигит унга мувофиқ бўлиб тегишга рози бўлса, бошқаларнинг совчи қўйиши мумкин эмас, Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) шу сўзлари биланки: «Мўмин – мўминнинг биродаридир, мўмин биродарининг савдоси устига савдо қилиш ҳалол бўлмайди ва биродарининг хитбаси устидан хитба қилиши ҳам ҳалол бўлмайди» (токи биродари у савдони ёки хитбани тарк қилмагунича) (Бу ҳадисни Муслим ва Аҳмадлар келтиришган.)

2. «Биронтангиз биродарингизнинг совчилиги устига совчи қўймангиз, токи у никоҳланиб ё тарк қилиб юбормагунича» (Имом Насоий ривоятлари).

3. «Киши биродари савдосининг устидан савдо қилмасин ва совчилиги устига совчилик қилмасин ва биронта муслима аёл опаси ёки синглисининг идишидаги нарсадан (тортиб олиб) баҳраманд бўлиш учун унинг талоғини сўрамасин» (Муслим, Насоий ривоятлари).

Ҳадисдан мурод: махтуба (совчи қўйилаётган аёл) эркакнинг ўзи учун қолишини хоҳлаб бошқа хотинини талоқ қилишни сўраши бировнинг идишидаги яхшиликларни ўзининг идишига қўйиб олиши мисолида чиройли ўхшатиш билан келтирилган. Пайғамбар (с.а.в.) аёл киши совчилик қилаётган эркакнинг мавжуд хотинининг талоғи билан унга келиши мумкин бўлган нафақа, кийим-кечак, меҳрибонлик ва шунга кабиларни фақат ўзига бўлишини хоҳлаган пайтда буни мисол қилиб келтирганлар. Чунки уни талоқ қилишининг талаби бировнинг идишидаги нарсани ўзининг идишига қўйиб олгандек бўлади.

Совчилик устига совчи қўйиш аввалги совчининг ҳаққига душманлик ва унга нисбатан ёмонлик қилиш бўлганлиги учун ҳам, қайтарилган. Чунки улар никоҳланиш иттифоқга яқинлашган, иккинчиси эса бу иттифоқни бузган бўлади. Бу нарса оиланинг бузилишига ва тинч турмуш кечираётган кишилар ўртасида адоват пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун Ислом ундан қайтарган.

## Муҳим эслатма

Маҳбубага қараш шариат томонидан матлуб (талаб қилинган)дир

Шариатимизнинг гўзал тарафларидан бири, куёв уйланадиган аёлини кўриб турмуш қуришга чақирганлигидир. Бу нарса улар орасида улфат-яқинлик ва муҳаббат давомийлигини таъминлайди. Бўлажак турмуш ўртоғининг чиройи никоҳ тўйидан аввал куёвга маълум бўлиши керак. Бу нарсага Расулуллоҳ (с.а.в.) буюрганлар. Шунда йигит ҳам қиз ҳам никоҳга кўнгли хотиржам боради. Йигит тўйдан у олдин қизни кўрган ва унинг кўриниши хотирасида қолган бўлади, қиз никоҳ куни кўриб ажабланмайди. Ўртада ҳар хил кийинчилик ва мушкуллар бошланмайди. Худди шундай қиз ҳам куёвини кўриши ва унга нисбатан нуқтаи назарни белгилаб олиши керак. Айрим йигитлар табиатан хунук бўлиши

натижасида қизнинг қалбида унга нисбатан муҳаббат бўлмай қолади. Чунки қиз йигитга ёқмай қолиши мумкин бўлганидек, йигит ҳам қизга ёқмай қолиши мумкин.

Умар (р.а.) шундай деганлар: «Қизларингизни хунук кишига эрга берманг, чунки йигитларни қизлардаги нима ажаблантирса, қизларни ҳам йигитлардаги шу нарса ажаблантиради».

Замонамиздаги инсонларнинг аҳволи ҳаддан ташқари ўтказиб юбориш-ифрот ёки ҳаддан ташқари сустлик қилиш – тафрит ичида бўлиб қолди. Шу сабабдан улар икки қисмга бўлиниб қолдилар. Баъзилар майдақаш – расмиятчи, баъзилар эса лоқайд, эътиборсиз. Баъзиларнинг фикрича, куёвнинг келин диндор оиладан бўлса, уни кўриши айб бу нарса уларга лойиқ эмас, йигит қизга уйланиш рағбати бўлса ҳам, бир-бирини кўринишга кўнмайдилар, унинг онаси ё синглисини ёки бошқа бир қариндошини кўриш билан кифоялангани, қизнинг таърифини ўша қариндошлари келтириб бергани кифоя қилади. Уларнинг бу ишлари ислом ва унинг пок таълимотига хилофдир. Афсуски улар, «Жуфтнинг кулфати» йўлида биринчи қадам ташлаб, яна ўзларини шараф ва номуснинг ҳимоячилари деб ҳисоблашади. Наҳотки улар саййидимиз Муҳаммад (с.а.в.)дан номуслироқ бўлишса? Ул зот куёвнинг келинни кўришига чақирганлар ва тарғиб қилганлар.

### **Нодонлик, енгилтаклик ва аҳмоқлик**

Никоҳ кечасидан олдин куёвнинг келинни кўришига рухсат бермаслик нодонлик ва аҳмоқлик эмасми? Никоҳдан кейин унинг қоматини кўриб, балки кўзи қувонар. Агар бунинг акси бўлса-чи? Уни «гўзаллик маликаси» сифатида тасаввур қилиб, аслида «укки»ни кўрса, қийинчилик ва ишқаллар бошланмайдими? Шоир ҳадисдан фойдаланиб, тўқиган шеъридаги аҳволда кўрса:

Ожиз эмас, кўрасан, очса оғзини,  
Олов эшикларидан деб ўйлайсан уни.

Бундай пайтда надомат ва мусибатлар кучаймайдими? Куёвнинг кўриниши қизга ёқмаса, қизнинг аҳли нима қиладилар? Ахир улар қизларининг куёвини ё узокдан, ёки парда орқасидан кўриб кифояланганлар. Никоҳ куни уни ўз кўзлари билан кўрса ва ўйлаганидек «куёш» суратида эмас, балки «маймун» суратида кўрса... Бунинг натижасида у фитнага тушиб, бошқа йигитга кўнгил кўйиб кетмайдими?

### **Диндан қочувчи лоқайдлар фирқаси**

Кейинги фирқа – Европача урф-одатларга тақлид қиладиган одамлар. Улар қизларини куёв билан бемалол, кузатувсиз ёлғиз қолдириб, бирга юришга қўйиб бераверадилар. Йигит билан қиз кино, ўйингоҳ ва паркларга ҳатто йигит сафарга отланса, сафарга ҳам бирга-бирга кетаверади. Уларнинг ҳужжати – қиз-йигит билан унаштирилган, иккаласи турмуш қурмоқчи, шунинг учун бир-бирининг ахлоқини ўрганиб чиқиши керак. Ота-она қизининг ихтиёрини бегона, номаҳрам эркакка ташлаб қўйишади, орада ҳеч ким кузатувчилик ёки воситачилик қилмайди.

### **Шариат одобларига хилоф қилишнинг оғир оқибатлари**

Шубҳасиз, бундай эътиборсизлик оғир оқибатларга олиб келиб, қизнинг шаънининг зое бўлишига сабаб бўлади. Агар турмуш қурадиган эркак номусларни ўғирлайдиган, қизлар билан ўйнашни яхши крадиган ўғри бўлса натижа қандай бўлади? Табассумни зоҳир ўтқир тиш ва тирноқлари яширинган маккор тулки бўлсачи? Қизни ўзича ишонтириб, мумкин бўлмаган ҳамма йўллар билан жинсий лаззатини олиб, сўнгра оёғи билан тепиб юборади. Кейин ўзига ўхшаганлардан топиб, бечора қиз унинг табиати ва ахлоқига муносиб келмаганини баҳона қилса нима бўлади?!

Мисрда, университетда дарс бериб юрган кезларим қизларнинг номусларини поймол қилишдан бошқа гами бўлмаган, ўғри ва одам қиёфасидаги тулкилар ҳақида эшитгандим. Улар хошиш–истакларига кўп қизларнинг ўлжа бўлгани тўғрисидаги жинойтларини газета саҳифаларида кўп ўқиганман. Ўша номус ўғрилари ўлжаларини кўриш лаззатига, улар билан ҳоли қолиб суҳбат қуришга, тана фитнасига мафтун бўлганлар. Шайтон уларни васваса қилиб ундан каттароқ ва ёмонроқ нарсаларга – никоҳдан бурун жинсий боғланишга ундаган.

Бир қизнинг муаммосини ўқидим. Уни бирга ё университетда ўқиган дўсти алдаб, ўзи томон жалб қилган. Уларнинг орасида яқинлик ва дўстлик пайдо бўлиб, йигит қизни аҳлидан никоҳига сўраган. Сўнгра унга уйланишни ваҳда қилганидан кейин, то ниятига етгунича у бирга юрган ва қизнинг иффатини бузганидан сўнг уни азобга ташлаб, кўзидан ғойиб бўлган.

Қиз айтади: «Энди нима қиламан? Бу маккор бўри, ифлос ўғридан қандай ўчимни оламан?»

Бунга ўхшаш фожеалар газеталарда ҳар куни босилиб туради.

Бу ишларнинг барчаси, Аллоҳ азза ва жалланинг шариатига хилоф қилишнинг натижасидир. Бундай инсонлар фирқаси – диндан қочувчи, унинг одоб ва аҳкомлари билан ҳисоблашмайдиғанлардир.

### **Расулнинг (с.а.в.) “махтуба”га қараш хусусидаги кўрсатмалардан бир қисм**

Ҳамма келин-куёвлар аҳлларига, ўғил-қизларининг бахт-саодатига харис бўлган, эр-хотин орасида улфат ва муҳаббат давомий бўлишни хуш кўрган ва дин аҳкомларини тутишга рағбати бўлган қиз ва йигит аҳлларига, Аллоҳ таоло у кишига итоат қилиш ва эргашишда дунё ва охирада саодат, ютуқ ва омад белгилаб қўйган, башариятдан бирортаси у зотдан кўра ахлоқ ва номусга эътиборлик бўлолмайдиган, мураббийларнинг комилроғи, саййидимиз Муҳаммаднинг (с.а.в.) ҳадиси шарифидан келтирмоқчимиз. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай дейди:

«Аллоҳнинг Пайғамбариди (у зотнинг иймон-эътиқоди ва хулқи атвориди)да гўзал намуна бордир» (Аҳзоб сураси, 21)

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар: Набий (с.а.в.) ҳузурларида эдим, олдиларига бир киши келиб, ансорлардан бир аёлга никоҳланганини айтди. Расулulloҳ (с.а.в.) жавобан: “Унга қарадингми?” деб сўрадилар. “Йўқ”, деб жавоб берди ансорий. Айтдилар: “Боргинда, унга қара, чунки ансорларнинг кўзида нарса бор”) (Муслим, Насоий ривоятлари).

Яъни, уларнинг кўзида, кичиклик ёки кўплик бор. Нававий айтадилар: «Бу нарсада яхшилик учун шунга ўхшаш иш жоизлигига далолат бор ва бу сўзлар уйланмоқчи бўлган аёлининг юзига қарашни мустаҳаб қилади. Энди аёлга қараш деганда фақат унинг юзи ва кафтларига қараш мумкин. Чунки юз-гўзаллик ё унинг зиддига далолат қилишга ва кафтлар билан соғломлигига далолат қилишга етарли деб кўпчилик фикр билдирган. Довуд Зоҳирий эса: “Бутун баданини кўриш мумкин”, дейди. Аммо бу суннат, ижмоъ усулларига тескари бўлган очиқ хатодир. Кўпчиликнинг фикри шуки, махтубага қараш жоиз, унинг розилиги шарт қилинмайди. Унга олдиндан айтмай, билдирмаган билмаган ҳолда кўриши мумкин.

Жобирдан (р.а.), у киши Набий (с.а.в.)дан ривоят қилиб, айтдилар: «Агар бирортангиз аёлга совчилик қилса ва у аёлга уйланишдан олдин уни чорлаётган (рўйи жамолига) қараш имкони бўлса, шундай қилсин (қарасин)». Жобир (р.а.) айтдилар: «Бир қизга совчи қўйгандим, мени унга никоҳланишга ва уйланишга чақирган нарса (унинг жамолидир) (Абу Довуднинг ривояти).

Саҳаронфурий айтдилар: Ҳадисдан тушуниладиган зоҳирий маъно, эркакнинг уйланишдан олдин аёлга қарашни жоизлигидир, бу нарса хоҳ аёлнинг изни билан, бўлсин хоҳ изнисиз Имом Моликдан эса изн эътиборлиги ривоят қилинган.

Жобир (р.а.)нинг ишларида номус ўғирлиги деб гумон қилинадиган нарса йўқ. Уйланишга ният қилганларида, бўлажак турмуш ўртоғининг қомати, юриш-туришини кўшниларидан сўрашни хоҳладилар. Қизни ўзларига ёқадиган шаклда кўрганларидан кейин уйландилар. Бу шариятнинг талаби, унда ҳеч қандай ғубор йўқ.

Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: «Бир киши ансорлардан бўлган аёлга совчи юборган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Унга қарадингми?” деб сўрадилар. “Йўқ”, деб жавоб берганида, у аёлга қараб келишни буюрдилар». (Имом Насоий “Сунан”да келтирган.)

Муғайра ибн Шўъба (р.а.) бир аёлга совчи юборганларида Набий (с.а.в.): “Унга қара. Чунки орангизда улфат пайдо қилишга арзигулик хотин бўлсин», деганлар (Насоий ва Термизий ривоятлари). Баъзи аҳли илмлар бу ҳадис хусусида: Аёлга қараш (этибор беришда)да ҳаром нарса йўқлиги учун ёмонлик йўқдир», дейишган.

“Аттажул-жамийу лил-усул”нинг шарҳловчиси айтади: «Бу матнда келинга қараш талаби бор ва талаб қилинадиган нарса фақат унинг юзи ва икки қафтидир (бирортадан кўп бўлса ҳам жоиз), икки аъзонинг чиройлилиги жисмнинг қолганига ҳам далолат қилади. Келин ҳам куёвнинг шу аъзоларга қараши жоиз. Куёв ёки келинни кўришнинг иложи бўлмаса, уларни кўриб таърифлаб берадиган яқин кишисини вакил қилиб жўнатиши керак. Чунки Набий (с.а.в.) ўзлари уйланмоқчи бўлган аёлга Умму Саламани (р.а.) юборганлар.

Ибн Можа “Никоҳ китоби”да Муҳаммад ибн Саламадан айтдилар: Бир аёлга уйланмоқчи бўлдим ва беркиниб уйнинг ёнидаги хурмо дарахти орасидан унга қарадим. Шунда бир киши: “Расулуллоҳнинг (с.а.в.) саҳобаси бўла туриб шундай қиласизми?” деди. Мен: “Расулуллоҳнинг (с.а.в.) шундай деганларини эшитганман: «Агар Аллоҳ бирор кишининг қалбига аёл никоҳини солса, унга қарашда ҳеч бир ёмонлик йўқ» (Бу ҳадисни Ибн Ҳиббон ҳам “Саҳиҳ”ларида келтирганлар).

Муғайра ибн Шўъба айтдилар: «Набийга (с.а.в.) уйланаётганимни айтдим. У киши: “Бориб унга қара”, дедилар. Ота-онасига қизини менга беришларини сўраб, Пайғамбар (с.а.в.)нинг сўзларини айтдим. Бу нарса, уларга ёқмагандек бўлди. Аёл ўзининг хонасидан менинг сўзларимни эшитиб: “Агар сизга Расулуллоҳ (с.а.в.) қарашни буюрган бўлсалар қаранг, агар ундай бўлмаса, сизга Аллоҳни эслатаман. (Сиздан Аллоҳни ўртага қўйиб сўрайманки, менга қараманг), деди». Чунки ота-онасининг Расулуллоҳ (с.а.в.) амрларини рад қилишини катта гуноҳ деб билган”. Мен унга қарадим ва (кейин) уйландим». Аёлнинг ҳам рози бўлганини айтадилар (Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.) Расулнинг (с.а.в.) амрларини эшитганлари учун аёл ҳам кўришга рози бўлди. Чунки у ақлли, тўғри ва ҳидоят йўлидаги ифбатли киз эди. Ота-онасининг Расулуллоҳ (с.а.в.) амрларини қайтаришларидан кўрқди. Ва айтди: У зотнинг амрларини рад қиласизларми? Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг изнларисиз Жобир (р.а.)нинг ўзига қарашларидан ҳам кўрқди. Рухсат берилганига ишонч ҳосил қилгач у кишига кўринишга рухсат берди.

Бу нарса элчилар саййидининг улуғ насиҳат ва иршодларики, турмуш курадиган йигит-қизни бир-бирига назар солишга буюради. Токи уларнинг орасида меҳр-муҳаббат давомий бўлиб, бир-бирини никоҳ кунидан аввал аниқ кўриб билсин ва никоҳ саҳиҳ асосларга қурилсин. Никоҳ кунини ёқтирмайдиган ҳолатларга тўсатдан учраб қолмасин. Расул (с.а.в.) қизларнинг биздан кўра номусларни ҳимоя қилувчи бўлганлар. Агар куёв аёлга қарашда унинг ифбатига нуқсон етказадиган ёки ҳурматини поймол қиладиган жиҳат бўлганида, унга изн бермас эдилар. Биз эса никоҳ ва бисот ваъдалашувидан олдин қизига қарашни манъ қиладиган мутаассиб кишиларга айландик. Қизининг куёв билан ростгўй ёки ёлғончи эканини суриштирмай дўстлашиб юришига ва уларнинг орасида никоҳ аҳдидан олдин гуноҳ қилишга изн берадиганлар орасида қолиб кетдик. Бу этиборсизлик ва лоқайдлик туфайли ношаръий ишлар, бало-офатлар келиб чиқади.

Аллоҳнинг ўзи бизни бундай кулфатлардан асрасин!

### **Тўртинчи бўлим Никоҳ аҳдининг саҳиҳ бўлиш шартлари**

Аллоҳ таоло айтди: «Хожаларнинг изни билан уйланаверинглар» (Нисо сураси, 25-оят).

Никоҳ бошқа аҳдлар каби бир аҳд бўлиб, тарафлар розиликлари, «ийжоб» ва «кабул» сўзи, гувоҳлик ва қиз валийсининг розилигига муҳтож. Унинг кўп ҳукмлари бор: маҳр, нафақа, турар жой каби. Аҳднинг саҳиҳ ва йўли бехатар бўлиши учун мана шу аҳком ва одобларнинг ҳаммаси тўлиқ адо этилиши керак. Никоҳнинг иши улуғ, шаъни жиддийдир. У номус ва шарафга, аниқлик ва насл-насабга тааллуқлидир. Биз, унинг шартлари, ҳукмлари, мустаҳаб ва одоблари хусусида умумий кўрсатмага муҳтожмиз.

### Ақднинг шарт ва рукнлари

Никоҳ ақди саҳиҳ бўлиши учун тўртта асосий шарт бор.

Биринчиси: Ота, ака ё улардан бошқа қариндошлардан бўлган амр (қаровчи – ҳомий)нинг рухсати.

Иккинчиси: балоғат ёшида бўлиб, хоҳ бокира, хоҳ саййиба (эрга тегиб чиққан) бўлсин, турмуш қуришга розилиги.

Учинчиси – мусулмон камида иккита адолатли мусулмон гувоҳнинг бўлиши

Тўртинчиси – бир-бирига никоҳланаётганда ижобат (аёллар томонидан) ва қабул (эркаклар томонидан) лафзларини ишлатиш керак.

Аёл киши валийсининг изни ва ақдга розилиги жумхур уламоларнинг наздида никоҳ ақдининг саҳиҳ шартидир. Аллоҳ таолонинг сўзига биноан:

«Хожаларининг изни билан уйланаверинглар» (Нисо сураси, 25)

Ва яна Субҳанаҳу ва таолонинг шу сўзики:

«Ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўрилариингизнинг яхшиларини уйлаб кўйинглар» (Нур сураси, 32)

Аллоҳ таоло никоҳланишда оталар бўлмаса, ўғил, ака-ука ё амакиларни аёл шаънига жавобгар-валий қилиб қўйди. Аёл ўзича, валийнинг рухсатисиз никоҳланиши жоиз эмас. Чунки аёл балоғатга етган, эс-хушли бўлса ҳам, алданиши ва эркакларнинг баъзи маккорлари уларнинг бошини айлантириб қўйиши мумкин. Бир фосиқ ё бузук ёки номус тижоратчиси уйланишга муносиб бўлмайди. Аёлга муносиб бўлолмайдиган шахс билан турмуш қуриб бўлмайди.

Пок ислом шариати қиз ва аҳлининг иззатини сақлайдиган қоидалар келтирди. Никоҳда валийнинг розилигини олиш вожибдир. Шу нарсага ояти карима танбеҳ қилди:

«Хожаларининг изни билан уйланаверинглар» (Нисо сураси, 25)

Вожиблиги Мустафонинг (с.а.в.) таълимотларида ҳам келган:

1. “Қайси аёлни валийси никоҳламаса, никоҳи ботилдур, бас, никоҳи ботилдур, бас, никоҳи ботилдур. Агар аёлга уйланса ва ундан фойдалангани учун аёлга маҳр бериши керак. Агар улар ўртасида низо, жанжал чиқиб қолса, валийси йўқ аёлга султон валийдир” (Имом Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ривоятлари.)

2. Расулulloҳ (с.а.в.) яна айтдилар: “Валийсиз ва икки адолатли гувоҳсиз никоҳ йўқ” (Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ва Байҳақийлар ривоят қилишди. Яъни, валийнинг розилиги, адолатли гувоҳларнинг гувоҳлигисиз никоҳ саҳиҳ бўлмайди.

3. Набий (с.а.в.): “Аёл аёлга тегмайди ва аёл ўзига ўзи тегмайди, бас, зинокор аёл ўзига ўзи уйланади”, деганлар (Ибн Можа ривоятлари.)

Бу ерда аёл ҳурмати паст саналмаяпти, балки у қиз иззатининг ҳимоясидир. Қиз баъзан қадди-қомати келишган йигитни кўриб, у ёқиб қолади. Лекин йигит ҳақида ҳеч нарсани билмайди. Ўки йигит ўзи билан бирга ўқийдиган сабоқдаги қизга ўзини ёқадиган қилиб кўрсатади, қиз унинг табассуми ва мулоимлигига алданиб қолади. Аслида эса бундайлар кўпинча маккор тулкилар бўлиб чиқади. Шоир айтган:

Сенга сўзлаганда ширин сўз қилар,

Ва қалбингни тулки мисол алдаб юлар.

Қиз йигитга тегишга рағбат қилиб, ўз аҳлининг олдига ёмонлик орқалаб боради ва унга тегмоқчилигини айтади. Агар рози бўлишмаса, аҳлини тарк қилиб, ҳалиги йигит билан

никоҳланиб олади. Йигит кизга тўғри келмайдиган бўлса, киз ўз нафсига жиноят қилиб, аҳлининг шаънини имтиҳонларга солади. Аёл киши кўнгилчан бўлганлиги боис баъзида ўзига катта зарар келтирадиган нарсаларга шошириб, ҳар хил ёмонликларга дучор бўлади. Инсоният бўрилирига ўлжа бўладиган қизлар қанчадан-қанча?!

Иккинчи шарт. Қизнинг никоҳланишга розилиги. Қиз ёқтирмайдиган ва хоҳламайдиган кишига мажбурлаб тегиши тўғри эмас. Чунки ота-онси эмас, у турмуш куради. Никоҳ эр-хотин орасида ўзаро бир-бирини тушуниш ва оила ўчоғи бўлган меҳр-муҳаббат асосида тиклаши керак. Шу сабабдан у аёл розилигисиз мумкин эмас. Қуйида Пайғамбаримиз кўрсатмаларидан турфасини тақдим этамиз:

Абу Ҳурайра (р.а.)дан Набий (с.а.в.)дан ривоят қиладилар, айтдилар: “Тул аёл, у билан маслаҳатлашмагунча ва бокирадан изн сўрамагунларича никоҳланилмайди”. “Эй Расулulloҳ, унинг изни қандай билинади?” деб сўрадилар. “Сукут қилишидан”, деб марҳамат қилдилар. (Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятлари).

«Аййим» – эри вафот қилган ёки талоқ қилган тул хотин. Бу аёл билан маслаҳатлашиш шарт. Яъни, сўз билан изн олиш лозим бўлади. Аммо бокирадан изн сўралади, холос. Унинг розилиги сўралганида ҳаёси қаттиқлигидан (қаттиқ уялиши сабабли) сукути кифоя қилади. Ҳадис далолат қиладиган шарт шуки – никоҳ ақди саҳиҳ бўлиши учун аёл розилиги зарур. Бундан ташқари, оналардан ҳам маслаҳат олиш мустаҳабдир. Абу Довуд ривоят қилган ҳадисларида келганидек: Қизлари хусусида оналар билан маслаҳатлашинглар.

Сарҳасий “Мабсут”да айтганлар: «Ҳадисдаги “бокирадан изн сўралади”, деган сўзда валийлардан бирортаси, бокира розилик бермагунича, эрга бериб юбориши мумкин эмаслигига далолат қилинган. Ундан изн сўралмай эрга берилса, эрнинг суҳбати унинг учун чиройли бўлмайди ва аёл фитнага тушади. Чунки унинг қалби бошқасини кўмсайди. Ишқдан кўра шифолироқ дори борми?!

Ибн Аббосдан (р.а.) ривоят қилганлар: Расулulloҳ (с.а.в.) айтдилар: «Аййим» валийсидан кўра ўзи учун ўзи ҳақлироқ ва бокиранинг эса маслаҳати олинади”. “Эй Расулulloҳ, бокира гапиришдан уялади-ку?!” дейишди. Расулulloҳ (с.а.в.): “Унинг розилиги сукутидир”, дедилар. (Ибн Можа ва Муслим “Саҳиҳ”ларида келтирганлар).

Ҳансаъ бинту Хидам Ансория (р.а.) тул қолганларида оталари уни никоҳлаган. Аёл бу ишни хоҳламай Расулulloҳ (с.а.в.)га келганларида, у зот аёлнинг никоҳларини бекор қилганлар. (Имом Бухорий ривояти).

Ибн Аббосдан (р.а.) ривоят қиладилар: “Набий (с.а.в.) ҳузурларига бир бокира киз келиб, отаси уни мажбурлаб эрга бераётганини зикр қилганида, Набий (с.а.в.) қизнинг ёнини олгандилар” (Имом Абу Довуд ривояти).

Оишадан (р.а.) ривоят қилганлар: Бир киз у кишининг олдиларига кириб айтади: “Отам мени акаларининг ўғилларига беряпти, бу билан мен орқали унинг паст обрўсини кўтармоқчилар, мен эса хоҳламаяпман” – (яъни, уни мен билан азиз қилмоқчилар.) Оиша (р.а.): “Набий (с.а.в.) келгунларигача ўтиратур”, дедилар. Расулulloҳ (с.а.в.) келганларида юқоридаги гапларни айтдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) унинг отасига одам юбортириб, қизнинг розилигини олиш, яъни унинг ақдини бекор бўлиши ёки қолишига ихтиёрли қилдилар. Шунда киз: “Эй Расулulloҳ, отам қилганларини жоиз деб билдим, лекин аёлларга эркинлик ва ихтиёр борми? Шун билмоқчи эдим”, деб айтди.

Баъзи ривоятларда: «Мен қизлар ишида оталарига ҳеч нарса йўқлигини, бу нарсаларни аёллар билишини хоҳладим», дейилган. (Насоий ва Ибн Можа ривоятлари)

Мана шундай саҳиҳ ҳадиси шарифлар кўп ва маънолари кенгдир. Уларнинг ҳаммасида қизни эрга бераётганида унинг розилигининг зарурлиги ҳақида гапирилади, хоҳ қиз бокира бўлсин, хоҳ у тул аёл бўлсин. Унинг розилиги никоҳ ақдининг саҳиҳ (тўғри, соғлом)лик шартидир. Набийнинг (с.а.в.) аёлларни эрга мажбуран, розиликларисиз бераётганлари учун қайтариб, баъзиларининг ақдларини бекор қилганларини кўрдик. Чунки ундай ақдда уларнинг розилиги олинмаган. Ҳозирги кунда кўпчилиги тўғри йўлдан адашиб юрибдилар. Оилавий фойда ёки мол-дунёга эга бўлиш учун қизларнинг розилигисиз, уларни мажбурлаб, амакиси, холаси ё тоғасининг ўғилларига ё бегона, бой одамга эрга бериб юборишяпти.



Наҳотки, бу иш Аллоҳнинг шариатига тўғри келса? Бу ноҳақлик қишлоқ ва шаҳарларда кенг тарқалиб, ота-она қизини ўзи хоҳлаганига эрга бериб, маҳрини еб юрибди. Аллоҳ мўмина қизларнинг ҳаётини бузишимизга рози бўлармикин? Эркакни ўзи рози бўлмайдиган, яхши кўрмайдиган аёлига уйлантириб қўйсақ рози бўлармиди? Ундай бўлса, қандай қилиб қизларни уларнинг розилигисиз никоҳга мажбурлаймиз?! Бу очиқ зулм ва душманликдир. Аллоҳ таолодан ҳимоя ва саломатлик сўраймиз.

Учинчи шарт. Никоҳ ақдининг шартларидан яна бири гувоҳларининг бўлишидир. Никоҳ ақдида адолатли бир неча гувоҳлар ҳозир бўлиши керак. Улар камида иккита одил мусулмон эркак бўлиши шарт. Яҳудий, насроний ва бошқа кофирларнинг гувоҳлиги, бузук-фосикнинг ҳам гувоҳлиги Ислолда қабул қилинмайди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шундай дейди:

«Ва (ярашиб олиб қолаётган ёки ажрашиб кетаётган чоғларингда) ўзларингиздан (яъни, мусулмонлардан) бўлган икки адолат соҳибини гувоҳ қилинглар» (Талок, 2).

«Ва сизлар рози бўлдиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини, гар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни - бири адашиб унутса, яна бири унга эслатади - гувоҳ қилинглар!» (Бақара, 282).

Гувоҳларда адолат шарт қилинган экан, улар солиҳ ва фазилатли, мусулмонлар уларнинг гувоҳлигига рози бўладиган кишилар бўлиши керак. Ва яна Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) кўйидаги сўзларига биноан никоҳни билдириш – эълон қилиш талаб қилинади: “Бу никоҳни эълон қилинг ва унга (унинг муносабати билан) ғирбол-ғалвир қоқинг” (Ҳадисни Ибн Можа “Сунан”ларида келтирганлар) Яъни, “Чилдирма қоқинг”, уни думалоқ бўлгани учун ғалвирга ўхшатганлар.

Имом Термизий ва Аҳмаддан келтирилган ҳадисда: «Бу никоҳни эълон қилинг ва уни масжидда ўтказинг ва унга (муносабати билан) дуф (чилдирма) уринг», деган лафзга келишди. Эълон қилишдан мақсад, инсонлар бўлаётган никоҳни билишсин, келин-куёв орасидаги қўшилиш фаҳш ва бузуклик йўли билан эмас никоҳ сабабли шарафли бўлганини билсин. Бирорта одам қиз билан йигитнинг бирга юргани ҳақида улар ҳақида миш-миш тарқатиб, ёмон хаёлга боришмасин. Тўй эълон билан бўлса, йигит қизга уйланди, деган нарса одамларга маълум бўлади. Аллоҳ таоло никоҳда гувоҳларни шарт қилди, аммо савдо, ижара ва бошқа аҳдларда шарт қилмади. Бунинг сабаби никоҳ жиддийлиги катта ва мақсадлари шарафли бўлган улуғ аҳддир. Шунинг учун шариат унинг жиддийлигини очиқ баён қилиб, унда икки гувоҳни шарт қилди. Инсонда уни ҳайвондан ажратиб турадиган номус, шараф ва насаб бор. Ҳайвонларда эса, насл-насаб деган нарса йўқ. Инсоннинг эса ўзига яраша ҳурмати, иззати бор. Ана шу иззат зое қилинмаслиги учун Аллоҳ таоло гувоҳликка буюрди. Бизга шу инсонийлик яъни, насаб робитаси боғланиши сабаб кўп яхшиликлар ато этди. Аллоҳ таоло айтди:

«У Зот сувдан – нутфадан инсонни яратиб, сўнг уни насл-насаб (эгаси) ва қуда-анда қилиб қўйган Зотдир. Дарҳақиқат, Парвардигорингиз (ҳар ишга) Қодирдир» (Фурқон, 54).

Тўртинчи шарт. Аҳд ижобат ва қабул тариқасида никоҳ қуриш сийғаси билан бўлиши. Масалан, «Сенга қизимни никоҳладим» ва куёв «бу никоҳни қабул қилдим» ёки «бу никоҳга рози бўлдим», каби сўзлар билан бўлади. (Ўрта Осиё ҳудудларида келин: «ўзимни танмахрамликка топширдим» ёки «розиман», дейди. Куёв эса: «... қабул қилдим», дейди)

Аллоҳ таоло Шуъайб билан Мусо (а.с.)лар ҳақидаги қиссада шундай деган:

«(Шуъайб) айтди: «(Эй Мусо, агар рози бўлсанг), менга саккиз йил ишлаб беришинг бадалига мен сенга мана шу икки қизимдан бирини никоҳлаб бермоқчиман» (Қасос сураси 27).

Набий (с.а.в.) саҳобийларнинг бирига айтдилар: «Бор, мен сени унга сендаги Қуръондан бори билан (ёдлаган сураларингни унга ўргатишинг эвазига) уйлантириб қўйдим» (Бухорий ривояти). Набийнинг (с.а.в.) Ҳафсага уйланишлари ҳақидаги қиссада Умар (р.а.) айтдилар: (Сўнгра Расулulloҳ (с.а.в.) унга хитба қилдилар, шунда уни уларга никоҳлаб қўйдим». (Бухорий ривояти).

Демак, турмуш, никоҳ ё уйланиш сўзларидан бошқа сўзлар «сотиш», «ижара» ёки «туҳфа қилиш» каби сўзлар айтиш жоиз бўлмайди. Масалан: «Қизимни сенга туҳфа қилдим»,

дейилмайди. Олимлар икки лафзни бирлаштириб айтишни мустахаб санаганлар, яъни: «Сенга қизимни фалон миқдордаги маҳр эвазига никоҳлаб ва сенга уйлантириб қўйдим», деганга ўхшаш. Куёв эса: «Буни сиз зикр қилган маҳр эвазига қабул қилдим», дейди.

Юқоридагилар турмуш қуриш аҳдининг соғлом бўлиши шартлари ва рукнлардир. Уларни мусулмон кишилар ўзининг диний ишларида ҳужжатга эга бўлиши учун изоҳлаб, муфассал ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Дин кишисига никоҳда ҳукмронлик йўқ

Аллоҳнинг бандаларига фазли-марҳамати билан инсонлар бўйинларига «Дин кишилари»ни (муфтий, қози) ҳукмрон қилиб қўймади. Шу боис бизнинг динимизда, насронийлардаги ҳолатга ўхшаб, шаръий изн олган одамнинг бош бўлишини шарт қилмади. Насронийлар наздида никоҳ фақат каниса, яъни черковда ва фақат поп иштирокида ўтказилиши керак. Роҳиблар ва патриархлардан таркиб топган диндорлар табақаси қўлида пул кўпайиши учун, никоҳ ақдини моддий касб қилиб олишган. Улар попнинг қўл остида қилинган ақд осмонда қабул бўлиб ҳеч қачон ечилиб кетмайди, агар ақд дин кишисидан бошқалар ёрдамида боғланса, у албатта, фаҳш ва ахлоқсизлик бўлиб, ақд боғланган ҳисобланмайди, деган нарсани баҳона қилишади.

Аммо мусулмонларда Аллоҳга шукрки, анча енгил. Эркак турмуш қуриш ақдини ўзи, икки гувоҳ ҳозирлигида, валий (ота)нинг, агар у бўлмаса, ака ё амакига ўхшаш унинг ўрнини босадиган одам розилиги билан шаръий, соғлом ақд боғлаш мумкин. Сўнг келин-куёв шаръий маҳкамага бориб, рўйхатдан ўтиб келишади. Ислонда ҳеч қандай шаръий изн олган одам шарт қилинмайди. Балки ундан бошқалар билан ҳам ва бошлиқ шарт қилган нарса билан (яъни, шаръий маҳкамада қайд этиш билан) ҳам никоҳ соғлом бўлаверади. Қайддан ўтиш фақатгина мусулмонлар фойдасини кўзлаб қилинган, токи биронта одам бу ақдни инкор қилиб икки тарафнинг бирига зарар қилмасин. Бу нарса уларнинг ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Аллоҳ таоло айтади:

«Хожаларининг изни билан уйланаверинглар» (Нисо сураси, 25).

### **Шиғор (ҳолилик) никоҳининг ҳукми**

Шиғор никоҳи Ислонда ҳаром, жоиз эмас. Бир киши қизи ё синглисини бошқа бир кишига маҳрсиз никоҳлайди. Иккинчи киши ҳам синглиси ё қизини унга маҳрсиз никоҳлайди. Қарши келинлар бир-бирлари учун маҳр бўлишади. Бу ҳолат шаҳар ва қишлоқларда кўпайиб кетган. Никоҳи шиғор (ҳолилик) деб номланишининг сабаби, у маҳрдан ҳоли бўлади. Никоҳ амалиёти аёл алмашиниш амалиёти бўляпти. Кишилар ўзининг синглисини бегонага, бегоналар ўзининг синглисини бунга никоҳлаш эвазига маҳрсиз уйланыптилар.

Набий (с.а.в.) бу никоҳдан қайтарганлар. «Саҳиҳи Бухорий»да Нофеънинг ҳадисидан, Ибн Умар (р.а.): «Расулуллоҳ (с.а.в.) шиғор қайтарганлар», деб айтганлар.

«Саҳиҳи Муслим»нинг «Никоҳ китоби»да «Шиғор никоҳининг ҳаромлиги ва ботиллиги боби» сарлавҳаси остида қуйидаги ҳадис келтирилган: «Нофеъдан, у Ибн Умардан ривоят қилишадикки, Расулуллоҳ (с.а.в.) шиғордан қайтарганлар. Шиғор – киши ўзининг қизини, бошқасига бошқаси эса ўзининг қизини унга эрга бериши эвазига улар орасида маҳр йўқ) («Саҳиҳи Муслим»)

Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) шиғордан қайтарганлар» (Имом Муслим ривояти).

Ибн Нумайр зиёда қилганларки, шиғор – бир кишининг иккинчисига: «Мени қизингга уйла, мен сени қизимга уйлайман» ёки «мени синглингга уйла, мен сени синглимга уйлайман», дейишидир. («Саҳиҳи Муслим»)

Шофеъий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Киши қизини ёки ўзи валийлик қилаётган аёлини бошқа кишига берадилар. Кейинги киши унга ўзининг қизини никоҳлайди. Шарти эса

иккови учун ҳам маҳр зикр қилинмайди. Мана шу Расулуллоҳ (с.а.в.) қайтарган шиғордир («Фатҳул Борий ʼала саҳиҳил Бухорий»)

Шиғорни ҳаром қилишдаги сабаб, таълиқ (бир нарсани иккинчисига боғлаб қўйиш) ва ташрик (бир – бирига шерик қилиш)дир. Масалан: «Сен мени ўз синглингга уйламагунингча, мен сенга ўз синглимнинг никоҳ аҳдини боғламайман» ёки «сен мени қизингга уйламагунингча, мен сени қизимга уйламайман», деб бир нарсага боғлайди ва аёллар бир-бири учун маҳр ўрнида бўлиб қолади. Бу ердаги амалиёт хотин алмашиш амалиёти бўлиб, худди хотин мулк бўлган ҳолида киши уни бошқа мол-мулкка алмашиб олаётгандек. Ислому бунини ҳаром қилиб, ундан қайтарган.

Мусулмон кишига вожиб бўладиган нарса, дин аҳкомлари ва одобларини ушлаб никоҳнинг бундай тури ҳаромлигини таълим беришдир. Уларнинг баъзилари томонидан шу иш содир қилинса, улар никоҳ аҳдини ўзаро розилик билан, маҳрларни аёлларга бериб, янгилашлари вожиб.

Аллоҳ йўлларнинг тўғрисига муваффақ қилувчи ва ҳидоят берувчидир.

### **Бешинчи бўлим** **Маҳр – аёл ҳурматининг рамзи**

Ислому енгиллик ва мукамаллик динидир. Турмуш қуриш эр-хотинлик орасидаги аҳдлашув бўлиб, улар бир-бирининг ҳуқуқларига риоя қилиши керак. Аллоҳ эрга аёли учун маҳрни унинг ҳурмати ва даражасининг баландлигини ҳис қилиши учун вожиб қилди. Аёлга қалбининг тўридан, бир тухфа тариқасида беришни буюрди. Аёлнинг розилигисиз маҳрдан бирор нарса олиш ёки ёмон муомала билан маҳрни қайтариб беришга мажбурлашдан қайтарилган. Бу ҳақда Аллоҳ таоло айтади:

«Хотинларингизга маҳрларини ҳадя каби (яъни, чин кўнгилдан, мамнунлик билан) берингиз! Агар ўзлари сизлар учун у маҳрдан бирор нарсани ихтиёрий равишда кечсалар, сизлар уни пок ва муборак билиб еяверинглар» (Нисо сураси, 4).

«Агар бир хотинни қўйиб, бошқа хотинга уйланмоқчи бўлсангизлар, аввалгисига саноксиз молу дунёни (маҳр қилиб) берган бўлсангиз-да, ундан бирор нарсани қайтариб олмангизлар! Уни олиш бўҳтон ва очик гуноҳ бўлган ҳолида оласизларми? Ахир бир-бирингиз билан қўшилиб, улар (яъни, хотинларингиз) сизлардан (яхшилик билан ҳаёт кечириш ёки чиройли суратда ажрашиш ҳақида) қатъий аҳд-паймон олганларидан сўнг қандай қилиб уни (яъни, маҳрни) қайтариб оласиз?!» (Нисо, 20, 21)

Ваъда (мийсоқ) лафзи вафо, омонат, ҳимоя, чиройли турмуш ва муомала деган маъноларни англатади. Шу мисоқнинг вожиблиги, улар бир-бирига вафодор бўлиши лозим. Сотқинлик, хиёнат қилмаслиги, азият ва зарар етказмаслиги керак. Бу мийсоқ маҳрга, чиройли муомалага ва вафога йўналтирилган.

Ислому дини таълимотида маҳр аёлнинг ҳурмати ва қадрини ўз ўрнига қўяди. Жоҳили аёл ташландиқ мато каби молга ўхшаб сотилган ва сотиб олинган. Ислому унинг иззати ва ҳурматини кўтарди. Аёлнинг ўрни баланд ва қадри юксаклигини эркакка эса маҳр беришни вожиб қилди. Лекин ҳозирги кунда инсонлар маҳрга соф моддий назар билан қарашиб, уни никоҳ аҳдининг асли ва асоси қилиб олишган. Аввалда аёл ҳурмат рамзи бўлган бўлса, ҳозир маҳр биринчи ўриндаги талаб бўлиб қолди. Бу эса енгиллик ва осонликка буюрадиган Аллоҳнинг шариатиға муҳолифдир:

«Агар улар камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлу карами билан бой-беҳожат қилур» (Нур, 32)

Қуйидаги Расули акрамнинг (с.а.в.) васиятларига қулоқ тутадиган бўлсак: «Агар сиз(нинг олдингизга) дини ва хулқига рози бўладиган киши келса, унга никоҳлантинг, агар шундай қилмасангиз ерда фитна ва фасод кенг тарқалади» (Ибн Можа, Термизий ва Ҳоким ривоятлари).

Никоҳдаги асосий иш тақво ва хулқ (одоб)дир. Мол эса иккинчи даражали бўлиб, эр-хотин бахтиға зиғирча дахли йўқ. Расулуллоҳ (с.а.в.) бир кишини аёлиға Аллоҳнинг

китобидан йигирмата оят ўргатиш эвазига никоҳлаб қўйганлар. Никоҳлашдан олдин: «Қара бирор темир узугинг ҳам йўқми?» деб сўрагани соллаллоҳу алайҳи васаллам. Шунда ҳалиги киши ҳеч нарса топа олмай, «Эй Расулуллоҳ (с.а.в.) темир узук ҳам топа олмадим, шу изорим (иштоним) бор холос, шунинг ярми уники», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Изоринг билан нима қиласан?! Уни кийсанг, аёлга ҳеч нарса йўқ-ку, агар у киядиган бўлса сенга ҳеч нарса йўқ», дедилар. Сўнг: «Қуръондан нимани биласан?» деб сўрадилар. У киши: «Фалон-фалон сураларни биламан», деди. «Бор, уни сенга никоҳладим, унга Қуръондан билганларингни ўргат» дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (Бухорий «Никоҳ» бобида келтирганлар).

Абу Довуд ривоятларида айтдилар: «Қуръондан нима ёдлагансан?» Айтди: «Бақара» ва ундан кейинги сурани», деди. Пайғамбаримиз: «Турда, унга йигирма оят ўргат ва у сенинг аёлингдир», дедилар.

### **Жоҳилиятда аёл қандай ўринда бўлган?**

Ислом шариатининг гўзал тарафларидан бири аёлларни зулм ва истибоддан озод қилди. Жоҳилиятда аёл кул қилиниб, ерга урилар, мол ва овунчоқ мисоли сотилар ва харид қилинар эди. Унга ҳеч қандай нуфуз ва ҳеч қандай хурмат-эътибор билан қаралмасди. Мол-мулкка ўхшаб бир меросхўрдан иккинчи меросхўрга кўчиб юрарди, агар эри ўлса, унинг қариндошлари аёлини меросга олардилар. Бу худди мол ва матонинг меросхўрга қолиши каби эди. Ислом келиб, аёлни зулм ва туғендан холос қилди, ўз хурмат-иззатини қайтарди. Унга инсоният нуқтаи назаридан ўз ҳуқуқлари борлигини белгилаб берди. Бу ҳақ-ҳуқуқлар аёлга инсоф қилиш ва барча моддий ва маънавий ҳуқуқларни ўз ичига олди.

Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Жоҳилият даврида эркак ўлса валий, ворислари унинг аёлига ҳақдор эдилар. Улар хоҳласа уйланар ва хоҳлашса унга изн беришар эди. Бу нарса аёлни эрга тегишдан узиб қўярди. Қизнинг аҳлидан кўра эрнинг аҳллари ҳақдорроқ эдилар. Бу хусусда бу оят нозил бўлган:

«Эй мўминлар, сизлар учун хотинларни мажбурий ҳолда мерос қилиб олиш дуруст эмасдир» (Нисо, 19).

Табароний ривоятларида: (Эркак қариндошлардан бўлган аёлни мерос қилиб олар, уни никоҳланишдан тўсиб қўйиб, то у аёл ўлгунича ё унга қариндошининг маҳрини қайтаргунича ушлаб турарди) («Фатҳул Борий»)

Мана шу тарзда аёл мерос бўлиб шахсдан шахсга кўчиб юрарди. Агар чиройли бўлса, меросхўр унга уйланиб олар, хунук бўлса ўлиб ёки олган маҳрини қайтармагунича ҳибс қилиб турарди. Ислом келиб аёл бошидан зулмни ва душманликларни кўтарди. Уни кул қилишни манъ қилиб, эркак билан инсонийлик хурмат-иззатида баробар ўринга қўйди:

«Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларидаги (эрлари олдидаги) бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор» (Бақара, 228)

### **Маҳр – аёл хурматининг рамзи**

Исломда олдиндан тўланадиган маҳр – муҳаббат тўлови ва аёл учун хурмат-эҳтиром рамзидир. У буюк ва олий яратувчи томонидан эркакка аёлининг инсонийлик хурматини эътироф этган ҳолда тақдим қиладиган ҳадяси қилиб қонунлаштирган.

«Хотинларингизга маҳрларини ҳадя каби (яъни, чин кўнгилдан мамнунлик билан) берингиз!» (Нисо, 4)

«Агар ўзлари сизлар учун у маҳрдан бирон нарсани ихтиёрий равишда кечсалар, сизлар уни пок ва муборак билиб еяверинглар» (Нисо, 4)

Демак, никоҳда маҳр бермай илож йўқ. У муҳаббатни давомий қилади, эр-хотинлик ришталарини кучайтиради. Маҳр никоҳ талаб қиладиган нафақаларга тайин қилинадиган ҳадядир.

## Маҳр ғоя эмас, балки василадир.

Маҳр васила (восита)дир, ғоя эмас. Шунинг учун динимиз маҳрни осон ва енгиллаштиришга буюрди:

«Ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўриларингизнинг яхшиларини уйлаб қўйинглар. Агар улар камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлу-карами билан бой-беҳожат қилур» (Нур сураси, 32)

**Аййим – аёли бўлмаган эркак ва эри бўлмаган аёл.**

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам ўз қизларини енгил маҳр ила турмушга берганлар. Баъзи саҳобалар уруғ оғирлиги миқдоридаги тилла нарсага ва баъзилари темир узук эвазига уйланишган. Расулulloҳ (с.а.в.) Фотимани Алига (р.а.) бир совут эвазига эрга берганлар. Бир кишини эса Қуръондан йигирма оятни махтуба аёлига ўргатиши эвазига уйлантириб қўйганлар.

## Маҳрлар мавзусидаги пайғамбар ҳадислари

Қуйида Расулulloҳ (с.а.в.) кўрсатмаларидан далиллар тақдим этамиз:

Оишадан (р.а.), Набий (с.а.в.) айтдилар: «Албатта, никоҳнинг баракада улўғроғи таъминоти енгилроғидир»

Абу Довуд келтирган ривоятда: «Никоҳнинг яхшиси енгилроғи», деб келган (Буни Табароний Ибн Аббосдан (р.а.) қуйидаги сўз билан келтирганлар: (у (аёл)ларнинг яхшиси қалини (маҳри) енгилроғи)

Оишадан (р.а.) ривоят қилинади: Набий (с.а.в.) айтдилар: «Аёл томонидан бўладиган саодат: никоҳ (хитбаси)нинг осон бўлиши, қалинининг осонлиги ва ҳомиласининг осон ўтиши» (Буни Аҳмад «Муснад»да келтирганлар. Яна бир ривоятда: «Аёл келтирадиган саодат – маҳрининг енгиллиги, никоҳининг осонлиги ва хулқининг гўзаллиги ... ва аёл келтирадиган шумлиги – маҳрининг қимматлиги, никоҳининг қийинлиги ва хулқининг ёмонлиги», дейилган) «Аёл саодатидан» дейилишидан мурод - барака, хайр ва саодатдир.

Саҳл ибн Саъд ас-Саидий (р.а.) айтдилар: «Бир аёл Расулulloҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Мен ўзимни сизга топширдим», деб узоқ вақт кутиб турди. Шунда бир киши айтди: «Эй Расулulloҳ, агар унга ҳожатингиз бўлмаса, уни менга уйлаб қўйинг» Расулulloҳ (с.а.в.): «Сенда унга маҳр қиладиган бирон нарса борми?» дедилар. Айтди: «Менда шу изоримдан бошқа нарса йўқ». Ул зот: «Изорингни нима қиласан? Унга изорингни берсанг ўзинг нима қиласан! Бирор нарса қидириб кўр», дедилар. Саҳобий: «Ҳеч нарса топа олмадим», деди. Расулulloҳ (с.а.в.) айтдилар: «Бирорта темир узук бўлса ҳам қидириб топ!» Қидириб ҳеч нарса топа олмагач, Расулulloҳ (с.а.в.): «Сенда Қуръондан бирон нарса борми?» деб сўрадилар. «Ҳа, шу, шу сура», деб бир нечта сураларнинг номини айтди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.): «Сени унга Қуръондан бор нарсанг билан уйлаб қўйдим», дедилар) Бошқа ривоятда: «Тур ва унга йигирмата оят ўргат, у сенинг аёлинг бўлади», деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (р.а.), айтдилар: «Қачонки Али Фотима (р.а.)га уйланганида ва олдида кирмоқчи бўлганида, Расулulloҳ (с.а.в.): «Унга бирон нарса бер» дедилар. Айтди: «Менда ҳеч нарса йўқ» Айтдилар: «Хутмий совутинг қани?» Шундай қилиб унга совутини берди, сўнг олдида кирди (Абу Довуд, Нисой ва Ҳокимлар ривоят қилишган)

Абу Довуд Ақаба бин Омирдан (р.а.) ривоят қиладилар: Расулulloҳ (с.а.в.) айтганлар: «Никоҳнинг яхшиси осонроғидир». Расулulloҳ (с.а.в.) бир кишига: «Сени фалончи аёлга уйлаб қўйсам, розимисан?» дедилар. У киши: «Ҳа», деди. Ва аёлга ҳам: «Сени фалончига уйлаб қўйсам, розимисан?» деб сўрадилар. У ҳам: «Ҳа», деб жавоб берди. Шунда уларни никоҳлаб қўйдилар. Лекин у киши аёл олдида кирган вақтда ҳеч нарса бермаган эди. Қачонки, вафот чоғи келганида яқинларига: Расулulloҳ (с.а.в.) мени фалончи (аёл)га уйлантирганларида унга (ҳали) ҳеч нарса бермаган эдим. Сизларни гувоҳ қиламанки, унга

«хайбар» жангидаги (камон) ўқимни маҳр қилиб бердим», деди. Шунда аёл ўқни эрининг вафотидан сўнг юз мингга сотди (Абу Довуд, Ҳоким ривоятлари).

Абу Саъд Худрийдан (р.а.) ривоят қилади: «Набий (с.а.в.) Оишага (р.а.) уй анжоми эвазига уйланганлар, унинг қиймати эллик дирҳам бўлган» (Ибн Можа).

Абу Салама бин Абдурахмон (р.а.) айтдилар: «Оиша розийаллоху анхудан сўрадим: «Набий (с.а.в.) аёлларининг маҳри қандай бўлган?» Оиша (р.а.): «У зот аёлларининг маҳри ўн икки уқия ва бир нашиш (кумуш) бўлган. Нашиш нималигини биласизми?» «Йўқ», дедим. Айтдилар: «Ярим уқия, бу беш юз минг дирҳам бўлади. Мана Расулуллохнинг (с.а.в.) аёлларига берган қалинлари» (Муслим, Абу Довуд ва Насоий ривоятлари).

Жобир ибн Абдуллохдан (р.а.), Расулуллох (с.а.в.) айтдилар: «Ким аёл маҳри учун кафтига сиғадиган «савиқ» (арпа ёки бугдойдан пиширилган каша) ё хурмо берса, ҳалоллаб олибди» (Буни Абу Довуд «Сунан»ларида келтирганлар. Яъни, маҳрдан бўлган озгина нарса миқдорида бўлса ҳам, ҳаттоки, бир сиқим «савиқ» ё хурмо бўлса ҳам берса аёл олдига кириш ҳалол бўлаверади.

Абдуллох ибн Омир ибн Робиадан ривоят қилинадик, Бани Фазорадан бўлган бир аёл икки наъл (орқаси кесик, шиппака ўхшаш оёқ кийим) эвазига эрга теккан, яъни унинг маҳри оёғига кийиб олган бир жуфт наъл бўлган, чунки эри косиб эди. Расулуллох (с.а.в.) унга: «Ўзингга шу икки наъл берилганига розимисан?» деб сўрадилар. У: «Ҳа», деди. Расулуллох (с.а.в.) у бунга ижозат бердилар (Термизий ривояти). Яъни: Унга бу маҳрни жоиз деб никоҳлаб бердилар. Маҳр жуда кам, арзимас эди, лекин аёл бунга рози бўлгани учун Набий (с.а.в.) никоҳни бекор қилмадилар.

Бухорий, Муслим ва Насоий, Анас ибн Моликдан (р.а.) ривоят қилишади: «Абдурахмон ибн Авф Мадинага келганларида Набий (с.а.в.) тавсияси билан Саъд ибн Рабиъ ал-Ансорий билан ака-ука тутиндилар. Саъднинг икки аёли бор эди. «Келинг, сизга молимнинг ярмини берай, икки аёлим бор, бирини талоқ қилсам, илдаси ўтиб бўлганидан кейин, унга уйланинг», деди у. Абдурахмон айтди: «Аллох сизнинг аҳлингиз ва молингизга барака берсин! Менга бозор қаердалигини кўрсатинг!» Абдурахмон бозорда олди-сотди билан шуғулланиб, фойдасига бир оз пишлоқ ва озгина ёғ сотиб олди. Бир неча кундан кейин Набий (с.а.в.) у кишини кўрганларида унда яхшилик ва ширин ҳидни сездилар ва: «Нима бўлди?» деб сўрадилар. Насоий ривоятларида шундай дейилади: «Мени Расулуллох (с.а.в.) кўрганларида уйланишимдан хурсанд эдим ва: «Эй Расулуллох, ансорлардан бўлган бир аёлга уйландим», дедим. «Унга қанча (миқдорда) маҳр бердинг?» деб сўрадилар. «Бир уруғ оғирлигича олтин», дедим. Шунда у кишига Расулуллох (с.а.в.): «Аллох сенга барака берсин, бир дона бўлса ҳам чорва (қўй ва эчки) билан тўй қил», дедилар.

Шу никоҳдаги маҳруруғчалик олтин эди. Яъни унинг қиймати Ибн Асир айтганларига биноан беш дирҳам бўлган.

Расулуллохнинг (с.а.в.) саҳобалари ихтиёр қилган асосий яхши хулқ иймонли, содиқ биродарлик эди. Саъдга ўз биродари Абдурахмонга мол-мулкининг ярмини тақсимлаб, икки аёлидан хоҳлагани унга никоҳлаб бериш учун уни ҳатто талоқ қилмоқчи бўлди. Илдаси тугагач, Абдурахмонга никоҳланишни мақсад қилди. У киши бажарган иш оддий ҳол эмас. Балки у Аллох учун биродарлик садоқатини ўз нафсидан ортиқ билди. Лекин Абдурахмон ибн Авф Саъднинг таклифини қабул қилмадилар. Балки биродарининг ҳақларига дуои хайр қилиб ундан бозорни кўрсатишини сўрадилар. Уларнинг бу ишлари айни мардлик эди. Абдурахмон ибн Авф бозорда, тижорат билан шуғулланиб, ҳатто бойиб кетдилар. Ансорий аёлларига берган маҳрлари эса уруғ вазничалик олтин бўлиб, унинг қиймати беш дирҳам эди. Шунда Расулуллох (с.а.в.) унга, «валима» қилиб, ҳеч бўлмаса битта қўй ё эчки сўйишларини буюрдилар. У кишининг ҳақларига яхшилик ва барака сўраб дуо қилдилар.

Маҳрда юмшоқлик ва энгиллик

Маҳр ишидаги пайғамбар (с.а.в.) кўрсатмалари юмшоқлик ва энгиллик бўлиб, аёлларнинг баъзи ҳожатларида ёрдам бўлган. Аллохнинг Расулига саловотлар бўлсин, у киши баъзиларни бир сиқим хурмога, баъзи саҳобийларни Куръондан бир неча оятлар таълим бериши эвазига уйлантириб қўйдилар, Фотимаи Захро учун оддий бир жанг совутини маҳр

қилиб бердилар. Саҳобаларнинг баъзисига: «Ҳеч бўлмаса бир дона темир узук қидириб кўр», дедилар. Расулulloҳнинг (с.а.в.) олдиларига аёлининг маҳри хусусида ёрдам сўраб келган кишидан сўрадилар: «Унга қанча бердинг?» У киши: «Тўрт уқия, кумуш (яъни чорак кило – 250 гр кумуш) деган эди, Расулulloҳ (с.а.в.) унинг кўплигидан ғазабланиб айтдилар: «Тўрт уқия худди анави тоғдек кумуш кесиб олаётганга ўхшайсизлар» (Ҳадисни Абу Ҳурайра ривоятларидан Муслим «Саҳиҳ»ларида келтирганлар. Лафзи: Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурларига бир киши келиб: «Мен ансорлардан бир аёлга уйланыпман, менга унинг маҳри хусусида маслаҳат беринг», деди. Расулulloҳ (с.а.в.): «Унга қарадингми? Ансорлар кўзларида бир нарса бор, яъни, кўз кичиклиги», дедилар. «Унга қарадим», деди. Сўрадилар: «Қанча (маҳр)га уйланыпсан?» Айтди: «Тўрт уқия ... ва юқоридаги ҳадисни зикр қилди)

Ҳозирги кунда баъзилар маҳрни, турмуш қуришдан асосий мақсад қилиб, уни қимматлаштиришади, бу билан гердайиб, фаҳрланишади. Бу нарса турмуш қуриш йўлида ўтиб бўлмас тўсиқларга айланиб, йигитлар бўйинларига кишан бўлади. Ота қизи учун юз минг ё икки юз минг риёл маҳрга сўрайди, она тўй ҳаражатларига ундан кўпроқ маблағ талаб қилади. Шунинг учун йигитларда турмуш қуришдан бош тортиш, ёки унинг ҳақида ўттиз ё қирқ ёшгача, уйланмасдан юрганини кўрасиз. Баъзан эса Европа ёки Америка шаҳарларига ўқишга кетиб олдимишга бир яҳудий, ё насроний қизни етаклаб келади. Унинг номи, насл-насабини билиб бўлмайди.

### **Маҳрнинг қимматлиги қизларнинг ўтириб қолишига сабаб бўлмоқда**

Маҳрларнинг кўплиги Исломиё жамиятимизга даҳшатли кулфатлар келтиради. Баъзи оталарнинг нодонлиги ва баъзи оналарнинг қайсарлиги сабаб фақат маҳр оила қуришда асос бўлиб қолган. Ким каттароқ маҳр берса ўша одам қизга уйланишга ҳақли ва лойиқ ҳисобланади, қизга ким кўпроқ нарх берса, куёвнинг қанақалиги, қизга тўғри келадими ёки йўқми, сўралмайди. Йигитнинг дини аёлининг иффатини сақлайдими ва ўзини ҳаром ва катта гуноҳлардан тўсадими? Мана бу амалларга қарамай қизларини молга ўхшатиб бериб юборадилар. Шу тариқа катта маҳр белгилаш кўп қизларнинг ўтириб қолишига сабаб бўлади.

Агар ота-оналар маҳрнинг шариатдаги маъносини тушунганида эди, «мулк», «келиннинг сарпоси», «тўй кийими», «тўйхона» каби узундан-узоқ ҳаражатлардан тийилган бўлишарди. Аллоҳ бу нарсалар ҳақида ҳеч қандай ҳужжат туширмаган. Бундай ҳаддан ташқари оғир талаблар ва катта сарф-ҳаражатлар бечора йигитнинг бўйнига арқон ташлаб дорга судрайди ёки «олтин қафас» ўрнига темир қафасга тикади.

### **Маҳрларни енгиллаштириш хусусидаги Умар (р.а.) хутбалари**

Хулофои рошидинлардан бўлган Умар (р.а.) мусулмонларнинг ишларини бошқараётганларида баъзи одамлар маҳрни катталаштириб юбораётганига гувоҳ бўлдилар. Бир куни минбарга чиқиб саҳобалар ҳузурда чиройли хутба қилдилар: «Эй инсонлар, аёллар маҳрларини қимматлаштирманглар, агар бу иш дунёда ҳурматга сазовор ёки Аллоҳнинг ҳузурда тақво саналганида, сиздан кўра унга Расулulloҳ (с.а.в.) ҳақдорроқ бўлар эдилар. У зот аёлларидан бирортасини ва қизларидан бирортасига ўн икки уқиядан кўп маҳр бермаган. Ўн икки уқия, яъни беш дирҳамдан кўп маҳр олмаганлар. Агар эркак аёл маҳрни оширса (кўп тўласа), қалбида унга нисбатан адоват пайдо бўлади. Токи у аёлга: «Мен бўйнимга сен сабабли бир меш тер юклайдим» (яъни, бир дунё меҳнат-машаққат юклайдим) дегандек бўлади...» (Ҳадисни Абу Довуд, Ибн Можа, Термизий ва Насоийлар «Никоҳ» мавзусида келтиришган) Яъни: Сенинг йўлингда қийинчилик ва машаққат тортдим ва чарчаб бир мешчалик тер тўқдим. Бу лафз билан унга йўлиққан қийинчилик ва кулфатларга ишора қиляпти.

### **Мусулмонлар имомининг содиқ насиҳатлари**

Ҳаққа қасамки, бу сўзлар омонатдор бошлиқ ва ғайратли халифанинг, мусулмонлар саодатига ҳарис зотнинг насихатларидир. Аллоҳ у кишидан рози бўлсин ва рози қилсин. У киши маҳрларнинг қимматлигидан келиб чиқадиган ишларнинг оқибатларига ҳақиқий мўмин кишининг фаросати билан қараганлар.

Шундай қилиб, асал оғи тугамасданоқ жуфтлар орасида муаммолар бошланади. Қарзга ботган эри шу даражада машаққатга тортилган эдики, ҳатто унинг кўз олдида дунё торайиб, ғазаб жомини кимга тўкишини билмайди. Фожиаларга асосийсини сабабчи бўлган ота-она қолиб, бечора аёл балого қолади. Келин томон эрининг бўйнига маҳр, тўй ҳаражатлари, булардан бошқа маълум ва номаълум ҳашамат турларидан таркиб топган, тоқатидан ортик нарсаларни юклаб, унинг белини чиқараёзишган. Куёвнинг бўйнига қарзини ўн йиллар давомида ҳам уза олмайдиган даражада талаблар юклайди. Қизларининг маҳри эвазига шуҳрат орттириб, ўз нафсига жиноятлар қилиб, уларни қизларига ағдаришади.

Суриядаги «Ҳалбуш-Шаҳбо» (Алеппо) шаҳрида таниқли бир киши бўлиб, унинг ўнта кизи бор эди. Қачон қизларининг бирига совчи келса, йигитларнинг аксари ожизлик қиладиган молиявий талаблар қўярди. Куёвга уй-жой, машина, мол-мулк, катта маҳр ва ҳақозолардан таркиб топган «Австрия шартномалари»ни юклар эди. Бир бора келган куёв унинг уйига оёқ босмайдиган бўлиб қайтиб кетар эди. Бу киши қизларининг маҳрларини оширишда ўзига хос фалсафаси ва «молдўхтирлик ҳикмати» бўлиб, унга суянар эди. У: «Асални нархи ошгунича хумларида сақла», деб айтарди. Бу касал фалсафанинг натижасида асал – уксусга айланади. Улар қари қизларга айланиб, турмуш қуриш вақти ўтиб бўлади. Бири иккинчи хотинликка, яна бири эса ароқхўрга тегиб, қолганлари эрсиз, қари қиз ҳолида, бу жоҳил ота туфайли бошларига тушган улушга аза тутиб қолиб кетадилар.

Бас, ўғил-қизларимиз ҳаққида Аллоҳдан қўрқайлик. Гердайиб-фахрланиб юриш учун, маҳрларини қимматлаштириб, йигитлар уйланишидан қочишига, қизларнинг қари қиз бўлиб, оналик неъматидан маҳрум бўлишига сабабчи бўлиб қолмайлик!

Шорей (шариат ишларини қўювчи)нинг никоҳ ишларини енгиллаштиришга буйруғи

Расул (с.а.в.) қизларимизга, муносиб, мулойим, хулқ ва дин (тақво) соҳибидан совчи келса, у олий маълумотли бўладими, хизматчи бўладими, қўл меҳнати ва пешона тери билан кун кўрадиган ишчи бўладими, қатъий назар Ислому ахлоқлари билан зийнатланган, фазилатли инсон бўлса унга беришга шошилишимизни буюрганлар. Хулқ ва дин иккисининг никоҳига кифоя қиладиган асосдир. Мол-дунё, бойлик ва юзаки маданият кўринишлари, таниқлилик эса бунга арзимаиди.

Набий алайҳиссалом: «Агар сизга миллионлаб тиллалар ёки иморат ва қатор-қатор машиналар соҳиби ёки бошлиқ ё ўғри келса...» деб айтмаганлар, балки: «... дини ва хулқига рози бўладиганингиз...», деганлар. Чунки дин ва хулқ никоҳ ишидаги асл ва асосдир, мол-мулк эса иккинчи даражали бўлиб, унинг оилавий саодатига ҳеч қандай даҳли йўқ.

Шоир айтди:

Мол ғамлашда асло, кўрмадим мен саодат,  
Ва лек такводор бўлиш, шудир асл бахт.

### Саҳобий аёлнинг маҳри Ислому эди

Ижтимоий ҳаётимизда унинг мисоли топилмайдиган, ажойиб қиссани сизга тақдим қилмоқчимиз. Чунки у ўз шакли ва маъноси бўйича намунали никоҳ эди. Унда, кўнгилчанлик кучли бўлиб аёлдаги ақл мантиқи (тушунчаси) қалб устидан ғалаба қилган. У саодатманд бўлишни хуш кўрган ва ҳаётида шерик бўладиган эркакка, обрў-эътибор ва мол-дунёси учун боғланмаган. Балки унга совчи бўлиб келганида талаб қилган маҳри «ислом» бўлди. Ислому бошқасининг аҳамияти муҳим эмас. Инсонлар ҳамма замонда унга ҳаракат қилиб келган ва унинг наздида асосий талаб бўлган мол-дунё, ҳурмат-эътибор ва мансаб-мартабага заррача ҳам эътибор қилган эмас.



Анас ибн Моликдан (р.а.) ривоят қиладилар: Абу Талҳа ал-Ансорий, Умму Сулаймга совчи қўйдилар. (Умму Сулайм бинту Милхон Анас ибн Моликнинг (р.а.) оналари, Исломдаги пешқадамлардан эдилар. У аёлнинг фазилатлари ҳақида «Жамиъ ул-усул»да ёзилган) Аёл Абу Талҳадан илгарироқ Исломни қабул қилган эди. Умму Сулайм у кишига: «Аллоҳга қасамки, эй Абу Талҳа, сиздек одам қайтарилмайди, аммо сиз кофир кишисиз, менинг эса муслимаман ва мен сизга тегишим ҳалол эмас. Агар Исломни қабул қилсангиз, шу менинг маҳрим, ундан бошқасини сиздан сўрайман». Шунда Абу Талҳа (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) Исломни қабул қилдилар ва шу Умму Сулаймнинг маҳрлари бўлди (Имом Насоий ривояти).

Ровий айтади: «Исломда Умму Сулаймчалик маҳри улуғ бўлган аёлни эшитмадим. Абу Талҳа унга уйландилар, сўнгра улар фарзанд ҳам кўришди» (Насоийнинг «Сунан» асари «Ислом эвазига турмуш куриш боби»)

### **Фарзанд кўришлари ва ягона ўғилларининг ўлими**

Эрига юклаган маҳрини Ислом қилиб, аёлларнинг ҳурматлиси ва ҳаётда бахтлиси бўлган солиҳа, мўмина аёл ҳақидаги қиссамизнинг давомини келтирамиз. Умму Сулайм Абу Талҳага заковатли ўғил туғиб бердилар. Бола уларнинг ҳаётини хурсандчилик ва саодатга тўлдирди. Орадан бир қанча йиллар ўтгандан сўнг бола касал бўлиб қолди. Отасининг қалби унга қаттиқ боғланиб қолган эди. Боланинг касали кучайиб кунларнинг бирида ҳаётдан кўз юмди. Шунда аёл аҳлига: «Абу Талҳага унинг ўлими ҳақда хабар берманглар, менинг ўзим айтаман», деди. Болани бир хонага қўйиб, эшикни қулфлаб қўйдилар. Сўнг энг чиройли кийимларини кийиб, энг чиройли тақинчоқларини тақиб, ширин таом тайёрладилар. Эрлари сафардан қайтиб келганида, олдига лаззатли таомни келтирди. Турмуш ўртоғи Умму Сулаймдан боланинг аҳволи ҳақида сўраганида: «Олдингидан кўра анча тинч», деб жавоб бердилар. Бу сўзлари билан «касал оғриқларидан ўлим билан таскин топди», деган гапни ирода қилдилар. Шунда эрлари боланинг аҳволи, соғлиги яхшиланибди, деб ўйлаб, овқатини еди. Аёл эрига токи қўшилгунича меҳр-мурувват кўрсатишда давом этаверди. Ваҳоланки қалбларида фарзандларига бўлган қайғуларидан ғам-алам чўғи ёниб турарди. Аммо аёл эрининг бошига мусибатнинг енгилроқ тушишини истадилар. Бир оз вақт ўтганидан кейин эрларига: «Эй Абу Талҳа сизга бир нарса айтиб бермоқчиман», дедилар. Эрлари: «Нима экан у?» деб сўради. Аёл: «Яқин қўшниларибиз ўзларининг қўшниларидан ижарага нарса олишибди. Олган нарсалари овқат пиширадиган қозон экан, қўшнисини қозонни ўз вақтида қайтариб бермабди. Ҳафталаб қозон уларда қолиб кетибди. Ижарага берганлар қозонларини қайтаришларини сўраб келишганида, уларга ғазаб қилишибди. Ва эшикни қулфлаб улар билан гаплашишмабди ҳам», деганида Абу Абу Талҳа: «Уларнинг бундай қилишга ҳақлари йўқ. Эҳсон (гўзал иш)нинг мукофоти эҳсондан бошқа нарса эмасми?! Улар қозонни қайтариб беришлари ва раҳмат айтишлари шарт», деб жавоб берибдилар. Шунда Умму Сулайм: «Ундай бўлса, тақдирга тан беринг, фарзандингиз Аллоҳнинг ҳузурида эканига қаноатланинг. Аллоҳ таоло фарзандни қўлингизга омонат (сақлаш учун вақтинча берилган нарса) қилиб берган эди, энди омонатини қайтариб олди», дедилар. Шу пайт Абу Абу Талҳа: «Булғангунимча (бу нарсани айтмай) мени ташлаб қўйиб, жимо билан кир бўлганимдан кейин, менга болам ҳақида гапирасанми?» деди. Эрталаб Расул (с.а.в.)га Умму Сулаймнинг қилган ишларини хабар бердилар. Бунга Расулulloҳ (с.а.в.): «Шояд сизларга шу кечаларингизда барака берилган бўлса», дедилар. Шу кечадан сўнг Умму Сулайм ҳомиладор бўлиб, ўғил кўрдилар, унинг номини Абдуллоҳ қўйишди. Ровий айтадилар: «Шу ўғилнинг тўққизта фарзандларини кўрганман, ҳаммаси Аллоҳнинг китобини ёд олган» (Бу қиссанинг асли Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган ҳадисдир.

### **Аёлларга қараб танланадиган сифатлар**

Исломда қандай куёв танлаш бўлса, худди шундай равишда келин танлаш керак. Баъзи бир инсонлар келинни чиройига қараб, баъзилари мол-мулкига, кейинчилари насл-насабига қараб ўлчашади. Лекин инсонларнинг ичида унинг хулқи ва динига қараб танлайдиганлар ҳам бор. Мана шу охириги танлаш усули Ислом чорлаган усулдир.

Бу ҳақда Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: «Аёл тўрт нарса туфайли никоҳга олинади: гўзаллиги, мол-дунёси, насл-насаби ва дини учун. Бас, диндоридан ол, қўлинг тупрокка тўлгур!» (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насойй ва Ибн Можа ривоятлари).

Инсонлар аёл кишида мавжуд бўладиган тўрт сифат – чирой, мол, насл-насаб ва динига қараб рағбат қиладилар. Мана шу нарсаларга ҳадиси шариф далолат қиляпти. Биринчи бўлиб чирой бўлгани учун у зикр қилинмоқда. Эраклар аёлга қўядиган дастлабки талаб. Биринчи уларга ёқадиган нарса чирой бўлса, кейингиси мол-мулк. Лекин улуғ мураббий ва комил йўлбошчи Набий (с.а.в.) йигитларни хулқ ва дин (тақво) соҳибасини танлашга васият (насихат) қиладилар. Чунки хулқ чиройли бўлса, у аёлга нисбатан эрининг муҳаббати давомли бўлади, дин (тақво) билан эса эрининг мол-мулки ва номусини сақлайди.

Шу маънони кейинги ҳадис ҳам таъкидлайди. Анас (р.а.), Набий (с.а.в.)дан айтганлар: «Ким аёлга чиройлилиги учун уйланса, Аллоҳ унга фақат хорликни зиёда қилади. Ким унга мол-мулки учун уйланса, Аллоҳ унга фақат фақирликни зиёда қилади. Ва кимки аёлга, ундан фақат (кўзини ҳаромдан тўсиш ва фаржини (ҳаром ишлардан) сақлаши учун фарзанд кўришни ирода қилиб уйланса, Аллоҳ унга ва аёлга барака беради» (Ҳадисни Табароний «Ал-авсат»да келтирганлар.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан (р.а.) ривоят қилган ҳадисларида: Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Аёлларга хуснлари учун уйланманглар, хуснлари уларни ҳалок қилади. Уларга моллари учун уйланманглар, балки мол-дунёлари уларни ҳаддан ошириб юборар. Лекин уларга динлари учун уйланинглар, ҳатто бурни тешилган, қора чўри (тақво)дор бўлса, ўша афзалроқдир» (Ибн Можа ривояти).

Агар чирой ва дин жамланса, бу камолот ҳисобланади. Шоир айтганидек:

Қандай гўзал ишдир, дин-ла дунё жамланса,

Қандай хунук ишдир ул, эрни куфр хароб қилса.

Дин деганда аёл фақатгина намозхон, рўзадор бўлиши ирода қилинмай, балки ирода қилинаётган нарса – аёл тақводор (Аллоҳ таолодан қўрқадиган) меҳрибон, омонатдор, Ислом одоблари билан зийнатланган, дин ҳукмларини ушлаган бўлишлиги Ўзининг устида Аллоҳнинг ва эрининг ҳаққини тушуниб унга хиёнат қилмаган, молини Аллоҳ норози бўладиган равишда ишлатмасдан, эрини бахтли ва рози қиладиган аёл бўлиши керак. Шундагина турмуш қуришдаги мақсад амалга ошади. Жон таскин ва роҳат топади, Унга куйидаги ояти карима ишора қилади:

«Унинг оятларидан (яна бири) – У Зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Рум, 21).

Демак, солиҳа аёл – неъматдир ва фожира (гуноҳкор) аёл – азоб ва қийноқдир. Ва фазилатли, диндор (тақводор) аёл – жаннат ва саодат бўлса, дин ҳукмларидан қочадиган аёл эса бахтсизлик ва дўзахдир.

«Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама!» (Бақара, 286)

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бас, аёл баъзан жаннат ва баъзан дўзахдир», деб айтганлар.

Аёл ҳақида гапирувчининг ушбу сўзи нақадар ҳақиқат:

У шайтондир, агар бузсанг,

Гар ислоҳ қилсанг – Малак.

### Олтинчи бўлим

### Исломдаги жуфтларнинг (эр-хотинлик) ҳуқуқлари

Ҳаким ва Алим бўлмиш Зот эрга аёл устида қандай ҳақлар вожиб бўлса, аёлга ҳам эри устида шундай ҳақларни вожиб қилди. Шу ҳақ-ҳуқуқларининг асли, Аллоҳнинг қуйидаги сўзларида ўрин топган:

«Ва яхши амалларда улар (аёллар) учун зиммаларидаги (эрлари олдидаги) бурчлари баробарида ҳуқуқлари ҳам бор. Ва эркаклар учун (аёллар) устида бир даража (имтиёз) бор» (Бақара, 228).

Эркакларда аёллар устидан ҳуқуқ ва вожиблар бўлганидек, аёллар учун ҳам эркаклар устидан ҳуқуқ ва вожиблар бордир. Аллоҳ бу нарсаларни шариятда билдириб қўйган.

Оятдаги «даража» сўзига келсак, у билан «ҳомийлик» ирода қилинапти. Яъни эрнинг аёли устидаги ҳомийлиги бўлиб, у туғён (ҳаддан ошиш), истибдод (зулм) ҳомийлиги эмас, балки масъулият ва вазифа ҳомийлигидир. Чунки эркак оила раиси ва унинг бошқарувчисидир. Аҳли оиласининг ишлари ва аҳволларини бошқариб туради. Эрнинг якка ўзи ҳамма нафақалар – ейиш-ичиш, кийим-кечак ва турар жой учун жавобгардир. Аёл миллионларга эга бўлса ҳам, ё инсонларнинг энг бойи бўлса ҳам, нафақа қилишга жавобгар эмас. Зеро, Аллоҳ эркакга оила ҳомийлигини топширганида унга ҳамма нафақаларни кўтаришни бўйнига юклаган. Аллоҳ таоло айтади:

«Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан (яъни, бойлигига ярашадиган) нафақа берсин. Кимнинг ризқи танг қилинган (камбағал) бўлса, у ҳолда Аллоҳ ўзига ато этган нарсадан (яъни, ўз ҳолига яраша) нафақа берсин! Аллоҳ ҳеч бир жонни ўзи ато этган (ризқ-рўз)дан бошқа нарсага таклиф қилмас» (Талоқ сураси, 7).

Бу масъулият ва шу аёл устидан ҳомийлик қилишни Аллоҳ таборака ва таолонинг қуйидаги сўзи билан баён қилди:

«Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар. Бунга сабаб Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни, эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-ҳаражат қилганларидир» (Нисо сураси, 34)

Ояти кариманинг маъноси: Эркаклар аёлларининг ишларини масъулият билан бошқарадилар, улар аёлларининг нафақаси ва уларни йўналтириб туришга жавобгардирлар. Бошлиқлар раиятига туриб берганидек, туриб берадилар. Бунга сабаб Аллоҳ уларга ақл ва тадбир, ишнинг кўзини билишни ато этди. Уларни шу хислатлар орқали касб ва инфоқ (яъни тирикчилик) қилишга буюрди. Демак, улар аёлларга ҳимоя ва риоя (бошқарув), инфоқ (боқиш) ва одобли қилишга (тарбиясига) ҳомийдирлар.

Мана шу эркакнинг аёлга ҳомийлиги маъносидир. Масъулият ва жавобгарлик ҳомийлиги Ислом душманлари таърифлайдиган истибдод ва хорлаш ҳомийлиги эмас. Эркак, аёл ва ўғил-қизлар бир оиладир. Ва ҳар бир оилада жавобгар мудир бўлиши шарт. Эркак эса Аллоҳ таоло унга яратиб берган мукамал ақл, чиройли тадбир, жисмоний қувват, касб ва тирикчиликка қодир бўлгани учун раисликка ҳақдордир. Шу билан бирга бу шарафли масъулият эмас, балки жавобгарлик масъулияти ҳамдир.

### **Аёлнинг эри устидаги ҳақлари**

Оилада саодат ва хурсандчилик қарор топиб, эр-хотин орасида яқинлик ва муҳаббат бардавом бўлиши учун Ислом ўзининг тўғри йўл кўрсатувчи асосларида аёлнинг эри устидаги ҳақларини вожиб қилди. Бу ҳақлар икки қисмга бўлинади:

Шахсий, моддий ҳуқуқ.

Одобий ҳуқуқ.

Шахсий ҳуқуқ. Унинг иноят ва риоя қилиш бўйича аҳамиятлироғи ва яхшироғини қуйида санаб ўтамиз:

Биринчидан, эркакнинг аёлни хурмат ва икром қилиб, улуғ, инсоний наслдошлигини эътироф қилишидир. Чунки аёл унинг ҳаёт шериги, уйининг бекаси, фарзандларининг онаси ва сирдошидир.

Аллоҳ азза ва жалла эркакларга бу дунёда бахт-саодатли қиладиган яхшиликлар инъом этди, ҳаёт шериги бўлмиш аёл, уларга қалб ва кўз қувончлари бўлмиш кўп фарзандларни берди. Шу ҳақда Аллоҳ таоло айтади:

«Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун болалар, набиралар пайдо қилди ва сизларни ҳалол-пок ризқлардан баҳраманд этди» (Наҳл сураси, 72).

Набий (с.а.в.) бизга аёлнинг қадрини таърифлаб фазлини баён қилиб айтадилар: «Албатта, аёллар эркакларнинг туғишган опа-сингилларидирлар» (Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Термизийлар ривояти) Яъни: аёллар худди эркакларнинг туғишган опа-сингиллари кабидирлар. Уларнинг худди эркаклар каби ўз ҳурмат-эътибори ва қадри бор. Шунинг учун улар эъзозланиши ва ҳурмат-эҳтиром қилиниши керак. Кул қилиниб, истибдод (зўравонлик) остида яшамасин, балки муҳаббат ва меҳр билан яшасин. Чунки ҳамма (эркак ва аёллар бир ота-она) Одам ва Ҳавводандурлар (уларга саломлар бўлсин).

Иккинчидан, аёлнинг эри устидаги ҳақларидан яна бири унга ва фарзандларга инфоқ қилиш (уларни боқиш). Бу нафақада исроф ҳам, зикналик ҳам бўлмаслиги керак. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло:

«Уларни (яъни, оналарни) яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир» (Бақара сураси, 233).

Нафақа фақатгина едириш-ичириш билангина эмас, балки у турар-жой, озиқ-овқат ва кийим-кечаклардан ташкил топиб, оилавий ҳаётда аёл муҳтож бўладиган ҳамма нарсани ўз ичига олади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтган:

«Уларга (яъни, талоқ қилиниб, идда сақлаётган аёлларингизга) ўзларингиз маскан тутган – қудратингиз етган жойдан маскан беринглар ва уларни (турган жойларидан) қисиб чиқариш учун уларга зиён етказманглар» (Талоқ сураси, 6-оят)

Муовия ибн Ҳайда (р.а.) ҳадисларида келганидек, Мустафодан (с.а.в.) аёлнинг эр устидаги ҳақлари тўғрисида сўраган кишига қуйидагича жавоб берганлар: «Эй Расулulloҳ! Бизларнинг аёлимиз устида қандай ҳаққимиз бор?» деб сўрадилар. У киши: «Овқат есанг, унга ҳам едиришинг ва кийинсанг уни ҳам кийинтиришинг керак. Юзга уриб, сўкинма ва уйдан бошқа жойга ташлаб кетма (тўшакни уйдан бошқа жойда бўлак қилма)», деб жавоб бердилар (Абу Довуд ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган). «Сўкинма» сўзининг маъноси: сўзларнинг хунук ва макруҳларини унга эргаштирма, «Аллоҳ сени хунук қилсин», каби гапларни гапирма. Агар аёлга ғазабланиб, уни тарк қилса (ётоқда), бу нарса уй чегарасидан ташқарида бўлмаслиги керак. Агар инсонларга бу нарса маълум бўлиб қолса, гувоҳлар олдида у аёл шарманда бўлади.

Аёлларнинг ҳуқуқларидан яна бири ўзининг шахсий мол-мулкани бошқариш ҳаққи. Эркак қандай мулкчилик қилса, аёл ҳам худди шундай мулк эгаси бўлиши мумкин. Аёлнинг ўз меҳнати билан ёки ота тарафидан мерос қолган ёки эридан маҳр кўринишида ўтган ўз мол-мулкани тасарруф қилишга тўла-тўқис ҳаққи бор. Буларнинг ҳаммаси унинг шахсий мулки бўлиб, эр унга даъво қилиши жоиз эмас. Фақатгина аёл ўз кўнглидан чиқариб берсагина мумкин. Бу ҳақда Аллоҳ субҳанаҳу таоло шундай дейди:

«Агар бир хотинни қўйиб, бошқа хотинга уйланмоқчи бўлсангизлар, аввалгисига саноксиз молу дунёни (маҳр қилиб) берган бўлсангиз-да, ундан бирон нарсани қайтариб олмангизлар! Уни олиш бўхтон ва очиқ гуноҳ бўлган ҳолида оласизларми? Ахир бир-бирларингиз билан қўшилиб, улар (яъни, хотинларингиз) сизлардан (яхшилик билан ҳаёт кечириш ёки чиройли суратда ажрашиши ҳақида) катъий аҳд-паймон олганларидан сўнг қандай қилиб уни (яъни, маҳрни) қайтариб оласиз?!» (Нисо сураси, 20–21-оятлар)

Ибн Аббос (р.а.) айтдилар: «Тегиш» бу оятда жимоъдир, лекин Аллоҳ таоло киноя қиляпти. «Оғир ваъда» эса никоҳ ақдидир.

Эрнинг аёл шартларига вафо қилиши вожиблиги. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганлар: «Шартларнинг ҳақлироғи уларга вафо қилишдир, шу шартлар билан уларнинг фаржларни ҳалол қилиб олганмиз» (Ибн Можа ва Термизий ривоятлари)

Булар – аёл эрини ўзи туғилиб ўсган шахрдан чиқармаслиги ёки унинг устига яна хотин олмаслиги ёки уй жиҳозлари ва ўрин кўрпасининг маҳрга кирмаслиги шартларидир. Бу шартларнинг баъзиларида фақиҳлар орасида ихтилофлар бор. Агар аёл эркакка ҳозир бирга яшаётган аёлини талоқ қилиш шартини қўйса, бу шартдан қайтарилган ва у ҳаромдир. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) шу сўзларига биноан: «Аёл киши ўз опа-синглисининг талоғини унинг идишидаги нарсани ўзининг идишига тўнкариб олиш учун сўрамасин, чунки унинг ризқи Аллоҳ таолонинг қўлидадир» (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Энди одобий ҳуқуқлар ва уларнинг баъзилари ҳақида сўз юритамиз. Буларга аёли билан чиройли муомалада бўлиш, турмуш одоблари, қўшилиш одоблари, эркалаш ва ҳазиллашиш, аёли билан уй ишларида маслаҳатлашиш кабилар киради.

Аёлнинг одоб ҳақларидан унга яхши муомала бўлиб, насиҳат қилиши ва баъзи камчиликларига кўз юмиши керак. Мустафо (с.а.в.) айтдилар: «Аёлларга яхши панд-насиҳат қилинлар, чунки аёл қовурғадан яратилгандир. Албатта, қовурғаларнинг қийшиқроғи юқоридагисидир. Агар уни тўғирлайман десанг, синдириб қўясан. Агар шундоқлигича ташлаб қўйсанг, қийшиқлигича қолаверади. Шунинг учун аёлларга яхши панд-насиҳат қилинлар» (Бухорий ва Муслимлар ривояти)

Муслим ривоятларида: «Албатта, аёл қовурғадан яратилган, сенга бирон йўлда тўғри ва тўлиқ ёрдам қилолмайди, ундан ором олаётганингда ҳам, қийшиқлик бўлади. Агар уни тўғри қиламан десанг синдириб қўясан, унинг синиши – талоқдир» («Саҳиҳи Муслим»)

Бу ҳадисларни Бухорий ривоятларида келган қуйидаги хабар ҳам қувватлайди: «Аёл қовурға кабидир, уни тўғриламакчи бўлсанг синдир, агар ундан роҳатланмакчи бўлсанг, қийшиқ ҳолида роҳатланасан» («Фатҳул Борий»)

Эр-хотинлар садоқати ва уларнинг қалбига хурсандчилик киргазишга қаттиқ ҳарис бўлган буюк мураббийга ота-онамиз фидо бўлсин. У зот эркакларга аёллар ҳақида насиҳат қилиб, уни теран ўхшатиш билан, яъни эгри қовурға (қовурғалар табиати эгрилигидир) деб таърифлади. Аёлига қандай муомалада бўлишини ёритиб берди. Агар қовурғани тўғри қилмакчи бўлсак синади. Эркак аёлни ўзининг мижози ва хоҳишига, кўра ундан ҳеч қандай камчилик бўлмайдиган равишда тўғри бўлишини ирода қилса, аёлини синдиришга борибди. Ва унинг синиши талоғи билан бўлади. Набий (с.а.в.) аёлнинг камчиликларини яшириб, ундан содир бўладиган баъзи камчиликларига кўз юмишни васият қилганлар! Қандай теран ўхшатиш ва мисол келтириш!!!

### **Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг (с.а.в.) «Видолашув ҳажи»да аёллар хусусида қилган васиятлари**

Расулulloҳ (с.а.в.) «Ҳажжатул-видаъ» – видолашув ҳажида, катта йиғинда аёллар хусусида гапириб, уларга яхшилик қилишга ва сабрли бўлишга васият қилади. Аёлларни эркаклар қўл остидаги асирларга ўхшатганлар. Инсон заиф асирга эҳсон, яхшилик қилиши вожибдир. Пайғамбаримиз шу ҳажларида Аллоҳ таолога хумду сано айтганлари ва бир мунча ваъз ва эслатмалар айтиб чиққанларидан кейин шундай дедилар:

Огоҳ бўлингки, аёлларга яхшилик билан панд-насиҳат қилинлар. Бас, албатта, улар ҳузурларингиздаги асирлардир. Мана шундан бошқа ҳеч нарсага эга бўла олмайсизлар. Агар очиқ фаҳш бузғунчилик қилсалар, уларнинг ётоқларини тарк қилинлар ва азоблантirmайдиган қилиб уринлар. Сизларга итоат қилишса, улар устидан бошқа зулм қилманлар.

Огоҳ бўлингки, аёлларингиз устида ҳақларингиз бор ва аёлларингизнинг сизларнинг устингизда ҳақлари бор. Улар устидаги ҳақингиз – ўрнингизга сиз ёқтirmайдиганларни киргизмасликлари ва уйларингизга сиз ёқтirmайдиганга изн бермасликларидир.

Огоҳ бўлингки, уларнинг сизнинг устингиздаги ҳақлари уларга кийим-кечак ва озик-овқат эҳсон яхшилик қилишингиздир (Ибн Можа ва Термизий ривоят қилишган).

Муслим ривоятларида: «Аёллар хусусида Аллоҳдан кўрқинг, чунки сиз уларни Аллоҳнинг омонати билан олгансиз. Уларнинг фаржларини Аллоҳнинг калимаси билан

халол қилиб олгансизлар. Сизнинг устингизда уларни яхшилик билан, ризқлантириш ва кийинишларини таъминлаш бордир» (Муслим ривояти). «Аллоҳнинг калимаси»дан мурод эр-хотин орасида бўладиган шаръий ақдир. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Нисо сурасининг 7-оятида айтади:

«Улардан пухта аҳду паймон олдик» (Ахзоб, 7)

Турмуш одоблари эркакнинг меҳрда содиқ, завжасига вафодор бўлиши ва у билан чиройли муомалада бўлиб суҳбатини ҳурмат қилишини талаб қилади. Чунки аёл унинг бир бўлагидир, хожасини хурсанд қиладиган нарса уни ҳам хурсанд қилади. Унга ёқмаган нарса, аёлига ҳам ёқмайди. Мана шу маъноларнинг ҳаммаси улуғ ва олий Яратувчи буюрган гўзал турмушнинг ичига киради:

«Улар билан хушмуомала бўлиб, тинч-тотув яшанглар» (Нисо сураси, 19).

«Агар уларни ёмон кўрсангизлар ҳам (сабр қилиб иноқ ҳолда яшайверинглар). Зеро, сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин» (Нисо сураси, 19).

Улуғ йўлбошчи ва комил мураббий (с.а.в.) айтдилар: «Сизларнинг яхшиларингиз аҳлига яхшироғидир ва мен ўз аҳлига яхшироғи билан биргаман» (Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган).

Асарда келганки:

«Аёлларни икром қилмади, магар икромли инсон,  
Ва уларни хорламади, магар хор инсон»

Одобий ҳуқуқлардан эркалаш ва ҳазиллашишда Расулуллоҳ (с.а.в.)га иктидо қилинса арзийди:

Пайғамбаримиз (с.а.в.) аёлларига нисбатан инсонларнинг энг хушчақчақи эдилар. Уларни эркалаб, улар билан ҳазиллашиб, ҳатто баъзилари билан мусобақалашиб югурардилар ҳам. Юқорида Набий (с.а.в.) Жобир бин Абдуллоҳ (р.а.) уйланаётганларида: «Бокирагами ё эрдан чиққангами?» деб сўраганларнинг маъноси ўтди. Жобир бин Абдуллоҳ саволга: «Эрдан чиққанга», деб айтганларида. Набий (с.а.в.): «Ахир бокира эмасми, сен уни ўйнатасан ва у сени ўйнатади, сен уни кулдирасан ва у сени кулдиради», деб марҳамат қилганлар («Фатхул Борий»).

Яна бир ривоятда шу саҳобийга дедилар:

«Бокиралар ва уларнинг луъабларидан қаерда эдинг?»

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: «Мўминларнинг иймони комилроғи хулқи гўзалроғи ва аҳлига юмшоқроғи» (Термизий «Иймон»да келтирганлар)

Бошқа бир ривоятда: «Мўминларнинг иймони комили хулқи гўзалроғи ва сизларнинг яхшиларингиз аҳлига яхшироғингиздир» (Термизий ривояти).

Оиша (р.а.), Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) масжидда ҳабашлар ўйинини кўрсатганлари ҳақида ривоят қиладилар. Пайғамбар (с.а.в.) аёлларининг ёнларида, уларга меҳрибонликлари туфайли, то Оиша тамошадан зерикиб кетиб қолмагунларича ёнларида бирга турдилар. Оиша (р.а.) дан келган ҳадиснинг мазмуни қуйидагича: «Мен масжидда ҳабашлар ўйинини кузатиб турганимда, то зерикмагунимча, мени Набий (с.а.в.) ридолари билан тўсиб турганларини кўрдим).

Аёлларига мулойим бўлишлари, уларнинг фаҳмларига қараб, илтифот қилишлари, шу сабабдан баъзи аёллари билан мусобақалашилари пайғамбаримизнинг (с.а.в.) гўзал хулқларидан эди. Абу Довуд ва Насойлар ривоят қилишган ҳадисда Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир марта Оиша (р.а.) билан мусобақалашганлари ва улардан ошиб кетгани ва яна кунларнинг бирида мусобақалашганларида Оиша онамизнинг ўзиб кетганлар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Буниси аввалгиси билан баробар бўлди», деганларини ривоят қилишган.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу ишларни саҳобалар аёллар билан чиройли турмуш қуришда учун тарғиб қилганлар. Кучли, қаттиқ ҳайбатли ва виқорли бўлган Умар (р.а.) айтар эдилар: «Эркак ўз аҳлига ёш болага ўхшаган қувноқ ва мулойим бўлиши керак. Агар одамлар орасида бўлса эркак бўлиши керак».

Умар (р.а.) ва аъробий

Бир аъробий Умар (р.а.)га аёлининг ёмон хулқидан шикоят қилиш учун келди. Умар (р.а.)нинг уйларига келиб, эшигини қоққанида, аёлининг у кишига овозини кўтариб гапираётганини эшитиб қолди ва: «Эй, шўрим курсин, агар мўминлар амирининг ахволи шу бўлса, менинг ахволим не?» деб орқаларига қайтаётганида, Умар (р.а.) чиқиб қолди. Аъробийни кетаётганини кўриб: «Сенга нима бўлди?» деб сўрадилар. Аъробий: «Эй амирул мўминин, ҳожатим бекор бўлди», деди. Умар (р.а.): «Бу ёққа кел ва мендан нима истаб келганини айт», дедилар. У киши: «Эй амирул мўминин, сизга аёлимнинг ёмон хулқидан шикоят қилгани келувдим, аёлингизнинг ўзимнинг аёлим каби, балки баттароқ эканини кўрдим. Ўзимга ўзим агар бу амирул мўмининнинг ҳолатлари бўлса, мен ния қиламан» дедим. Шунда Умар (р.а.) айтдилар: «Менда унинг ҳақлари борлиги учун бу ишларини кўтараман. Чунки у болаларимни тарбиялайди, овқатимни пишириб, кийимларимни ювиб, уйимни тозалайди. Устимда ҳақлари борлиги учун мен уни кўтараман» (Шайх Али Тантавийнинг «Умар ибн Хаттоб сийратлари» китобидан).

Бу Ҳазрати Умардек қаттиқ, ҳайбатли кишининг аёлларга бўлган муомалалари эди. У киши бу нарсаларни пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳидоят ва кўрсатмаларидан ўрганиб олганлар. Пайғамбаримиз комил эр намунаси бўлиб, аёлларига меҳр-муҳаббатли эдилар. Улар билан ўйнашиб-ҳазиллашиб юрардилар. Агар бирортаси журъат қилиб Набий (с.а.в.)га овозини кўтарса куйидаги ҳодисага ўхшаб, уларни кўтарардилар.

### Абу Бакрнинг Оиша билан (р.а.) қиссалари

Нўъмон ибн Башир (р.а.) ривоят қилдилар: «Абу Бакр (р.а.) Набий (с.а.в.) ҳузурларига изн сўраётиб, Оишанинг баланд товушда гапираётганларини эшитиб қолдилар. Набий (с.а.в.) уларга изн бердилар, Абу Бакр (р.а.) кириб Оишага: «Товушингни Расулуллоҳ (с.а.в.)га кўтарганини эшитдимми?» деб уни уриш учун қўлларини кўтарганларида, Расулуллоҳ (с.а.в.) у кишини қайтариб қолдилар. Шунда Абу Бакр ғазабланиб чиқиб кетдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) Оишага: «Сени бу кишидан қандай қутқарганимни кўрдингми», дедилар. Абу Бакр бир неча кун ўтгандан сўнг яна Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига кириш учун изн сўраганларида, уларнинг ярашганини кўрдилар ва: «Мени тинчлик пайтингизда киргизинг!» дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ҳа, шундай қилдик, шундай қилдик», дедилар (Абу Довуд ривояти).

Ҳушбўй нарсалар суртиб юриш ва баъзи аёллари тарафидан бўладиган қаршилик ва хижронни кўтариш Мустафонинг (с.а.в.) сийратларидан эди. Бу нарса у зотнинг ахлоқларининг юксак ва кадрларининг баланд бўлганига гувоҳлик қилади. Оиша (р.а.) ривоят қилиб, айтганлар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) менга: «Сен мендан қачон рози бўлишинг ва қачон менга ғазабланишингни биламан», деб айтганлар. «Бу нарсани қаёқдан биласиз ё Расулуллоҳ?» деб сўрадим. Шунда у киши: «Энди қачон мендан рози бўлсанг, (Муҳаммаднинг Раббисига қасам дейсан. Агар ғазаблансанг, (Иброҳимнинг Раббисига қасам, деб айтасан», дедилар. Шунда мен: «Ҳа, эй Расулуллоҳ, энди исмингиздан бошқасини тарк этмайман», дедим. (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Икки саҳихайндан бошқа ривоятда: «Албатта, мен ғазабингни розилигингдан (ажратиб) била оламан...» деган сўзлари билан келган.

Баъзи аёлларнинг Набий (с.а.в.)ни тарк этишлари

Набийнинг (с.а.в.) аёлларга бўлган муомалалари улуг ахлоқларига ишора қиладиган яна бир нарса борки, баъзи аёллари у зотдан ғазабланса, Набий (с.а.в.)ни кечгача тарк қилишар эди. Уларнинг гўзал ахлоқлари ва гўзал турмушлари туфайли шу ишларни кўтарар ва улар билан мулоийм муомала қилар ва етказган азиятларига сабрли бўлар эдилар.

(Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.), айтганлар: «Умар ибн Хаттобдан Набий хусусида (с.а.в.) Аллоҳ таоло:

«(Эй Ҳафса, Оиша), агар сизлар иккингиз (бу қилмишларингиз учун) Аллоҳга тавба қилсангизлар (ўзларингизга яхшироқ бўлур). Чунки сизларнинг дилларингиз (Ҳақ йўлдан) тойиб кетди!» (Таҳрим, 4)

«(Эй Ҳафса, Оиша), агар сизлар иккинги (бу қилмишларингиз учун) Аллоҳга тавба қилсангизлар (ўзларингизга яхшироқ бўлур). Чунки сизларнинг дилларингиз (Ҳақ йўлдан) тойиб кетди!» (Таҳрим, 4)

Маъноси: «Агар Аллоҳга тавба қилсангизлар, бас (ваҳоланки) қалбларингиз моил бўлган эди» деган икки аёл кимлар?) деб улардан сўрадим. «Во ажабо, сенга хайронман, эй Ибн Аббос! Шунинг ҳам билмайсанми? Улар Оиша ва Ҳафса-ку!» дедилар. Сўнг Умар (р.а.) хадисни, яъни қиссани келтира бошладилар: «Мен ва ансорий кўшним Мадинанинг тепаликларида эдик. Набийнинг (с.а.в.) ҳузурларига навбат билан тушиб турардик, бир кун у тушар ва бошқа кун мен тушардим. Мен тушган куним ваҳийда нозил бўлган ёки бошқа воқеалар тўғрисида кўшнимга хабар келтирар эдим, у ҳам ўзи тушган пайтида шундай қилар эди. Биз Қурайш жамоаси, аёлларга ғолиб, ҳукмрон эдик. Ансорлар элига келиб кўрсак, бу қавмга аёллари ғолиб экан. Буни кўрган бизнинг аёлларимиз ансорий аёлларнинг одобини ола бошлашди. Менинг аёлим ҳам бир кун ғазаб билан менга товушини кўтарди. Шунда уни бундай муомаладан қайтардим. Аёлим менга: «Нега сиз менга гап қайтаришимни таъқиқлайсиз? Аллоҳга қасамки, Набийнинг (с.а.в.) аёллари у зотга гап қайтаришади. Улардан бири бугун кечгача уларни тарк қилди», деди. Мен бу нарсдан кўрқиб кетдим: «Улардан қайси бири бундай қилган бўлса, хато қилибди», дедим-да, кийимларимни кийиб, Ҳафсанинг ёнига бордим ва унга: «Эй Ҳафса, сизларнинг бирингиз бугун Набий (с.а.в.)га жahl қилдимми?» деб сўрадим. У: «Ҳа», деди. Шунда: «Хато қилибсан ва зарар кўрибсан, Расулуллоҳ (с.а.в.)га ғазаб қилганга Аллоҳ ғазабланишидан ва шу сабабли ҳалок бўлишингдан омондамисан?!» деб айтдим.

«Пайғамбарга гап кўпайтирма. Яъни, у зотдан кўп нарса сўрайверма ва уларга гап ҳам қайтариб, тарк ҳам этма ва сенга нима бўлганини мендан сўра. Кўшнинг Оиша сендан тиникроқлиги ва сендан кўра Набий (с.а.в.)га суюқчилиги сени алдаб қўямасин».

Умар (р.а.) айтадилар: «Бизга қарши уруш очмоқчи бўлган «ўассон» қабиласи ҳақида гаплашаётган эдик. Ансорий дўстим ўзининг навбатида Набий (с.а.в.)нинг зиёратларига борди. Кечкурун келиб, эшигимни қаттиқ қоқди ва: «Умар шу ердадиларми?» деди. Кўрқиб кетиб олди чикдим. У: «Бугун улуғ, даҳшат иш бўлди», деди. «Нима экан у?» ўассон бостириб келдимми?» деб сўрадим. «Йўқ, ундан улуғроқ ва кўрқинчлироқ, Набий (с.а.в.) аёлларини талоқ қилдилар», деди. Шунда: «Ҳафса адашди ва зарар кўрди. Шу нарса бўлиши мумкинлигини сезгандим», деб айтдим. Кийимларимни кийиб, бомдод намозини Набий (с.а.в.) билан ўқидим. Кейин Набий (с.а.в.) «машруба» яъни, баланд жойлашган кичик хужраларига кириб, алоҳида бўлиб олдилар. Ҳафсанинг олдига кирганимда, йиғлаб ўтирган экан. «Сени нима йиғлатяпти?» Сени шу нарсдан қайтармаганимми?! Набий (с.а.в.) талоқ қилдиларми? деб сўрадим. «Билмадим, ана, машрубада ёлғиз бўлиб олдилар», деди. Чикиб минбар олдига бордим. Унинг атрофида бир гуруҳ одамлар ўтириб, баъзилари йиғлашарди. Уларнинг олдиларида бир оз ўтирдим. Сўнг бўлган ишлар мени хаяжонлантириб, Набий (с.а.в.) ўтирган машрубаларига келиб, хизматкор болага: «Умар киришга рухсат сўряпти, деб кўр», дедим. Шунда бола Набий (с.а.в.) ҳузурларига кириб, сўнгра қайтиб чиқди ва: «Набий (с.а.в.)га гапириб сизни зикр қилдим, лекин жим ўтирдилар», деди. Қайтиб, минбар ёнида ўтирганлар сафига қўшилдим. Сўнг яна, бўлган ишлардан фойдаланиб келиб болага: «Умарга изн сўраб кўр», дедим. Бола яна: «Уларга сизни айтдим, сукут қилдилар...», деди. Шундай қилиб Умар (р.а.) уч марта қайта-қайта киришга изн сўрадилар. Набий (с.а.в.) эса индамасдилар. Умар айтадилар: «Энди қайтиб кетмоқчи бўлиб турган эдим, бола мени чақириб қолди. Набийга салом бўлсин, сизга изн бердилар», деди.

Умар айтадилар: «Набий (с.а.в.) ҳузурларига кирганимда бўйрада ётгандилар. Бўйра билан у зот ораларида кўрпа йўқлигидан биқинларига ботиб кетган эди. Ичига ўсимлик толаси тўлдирилган ёстикка суяниб ўтирибдилар. Уларга салом бердим, сўнг турган ҳолимда: «Эй Расулуллоҳ, аёлларингизни талоқ қилдингизми?» дедим. Шунда менга қараб: «Йўқ», дедилар. Хурсанд бўлиб: «Аллоҳу акбар!» дедим. Сўнг ўша турган ҳолимда: «... Эй Расулуллоҳ сиз билан ўтириб гаплашишга изн сўрайман», дедим. Набий (с.а.в.) рухсат бердилар. Айтдим: «Билганингиздек, биз қурайш жамоаси аёлларимизга ғолиб эдик.



Мадинага келганимизда эса уларнинг аёллари эрларига ғолиб экан» Набий (с.а.в.) бу гапимга жилмайдилар. Сўнг: «Эй Расулуллоҳ, Ҳафсага: «Қўшнинг (кундошинг) сендан тиниқроқ бўлса ва Набий (с.а.в.)га суюклироқ бўлса, бу нарса сени алдаб қўймасин», дедим. Бу сўзимга ҳам Набий (с.а.в.) жилмайиб қўйдилар.

Бошқа ривоятда: «То жаҳлларида тушгунларича – улардан ғазаб кетиб, ҳатто тишлари кўришиб, кулиб юборгунларича гапиришдан тўхтамадим. У зот инсонлар ичида энг тиши чиройлиси эдилар.

Умар айтдилар: Аллоҳга қасамки ул зотнинг уйларида ўтирганимда, кўзга ташлангулик нарса кўрмадим, фақат уч дона ошланган тери бор эди. Буни кўриб йиғлаб юбордим. «Сизни нима йиғлатди, эй Ибн Ҳаттоб?» дедилар. Шунда: «Эй Расулуллоҳ, нега йиғламай? Мана бу бўйранинг биқинингизда изи қолибди. Кўриб турганингиздек уйингизда учта бўйрадан бошқа нарса кўрмадим. Анови Қайсар ва Кисролар эса дарёлар ва мевалар ичида. Сиз Аллоҳнинг элчиси ва энг соф одам бўйрада ухляяпсиз». Набий (с.а.в.) суяниб ётган жойларидан ўтириб олдилар-да, айтдилар: «Бирор бир нарсадан шубҳадасиз, эй Ибн Ҳаттоб? Уларнинг – бу дунёдаги ҳаётлари яхши ва ёқадиган қилиб қўйилган. Дунё уларга, охират эса бизга бўлишига рози эмасмисиз?» Шунда: «Эй Расулуллоҳ, мени кечиринг», дедим. Мана шу ҳадисга биноан Набий (с.а.в.) аёлларидан бир ой, ажралиб яшадилар. Сўнг Аллоҳ таоло танлаш оятини нозил қилди:

«Эй Пайғамбар (алайҳиссалом), жуфтларингизга айтинг: «Агар сизлар ҳаёти дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлсангизлар...» (Аҳзоб, 28)

Оиша айтдилар: «Шунда аёлларидан биринчи бўлиб мендан бошладилар, мен ҳам ул зотни (дунёни эмас) ихтиёр қилдим. Сўнг қолган ҳамма аёлларини ихтиёрини сўраб чикгандилар, у зотни ихтиёр қилишди» (Бухорий ривояти)

### **Оиша ва Савда қиссалари**

Абу Ялдо Ал-Мавсимий муснадларида Оишадан (р.а.) айтадилар: «Набий (с.а.в.) ҳузурларига ун, ҳолва ва ёғдан тайёрланган таом – «ҳарира» пишириб келтирдим. Ул зотнинг ҳузурларида Савда ўтирган экан. Савдага: «Енг», дегандим, кўнмади. Шунда: «Ў ейсан, ё шу билан юзингни булғайсан!» дегандим, яна кўнмади. Шунда кўлимни ҳарирага солиб, юзини у билан бўядим. Шунда (с.а.в.) кулдилар ва кўлларини унга қўйиб: «Энди сен унинг юзини булға» дедилар. Шундай қилиб, у ҳам менинг юзимни булғади. Ва бу нарсага, Аллоҳнинг ул зотга саловотлари бўлсин, кулдилар. Шу пайт Умар ибн Ҳаттоб ўтиб қолдилар ва кирмоқчи бўлгандилар, Набий (с.а.в.): «Туринглар, юзларини ювинглар, сизларни Умар бу ҳолда кўрмасин», дедилар. Оиша айтадилар: «Мен ҳам Умардан у зот (с.а.в.) ҳайбатланганлари учун ҳайбатланардим» («Жамъул фавандлик жамиъил усули ваз-завоид»)

Бу Набийнинг (с.а.в.) уйларида аёллари билан ўзаро ҳазиллашиш ва ўйинлари ҳодисаларидир. Буларнинг ҳаммаси аёллар қалбига хуш, кайфиятлик солиб, Набий (с.а.в.)нинг аёллари орасига кулфатни кўтарадиган нарсалардир. Агар шу ҳазил мутойибалар бўлмаганида, Аллоҳ таоло у зотни зийнатлаган ҳайбат ва улуғлик сабабли аёллари у киши билан яшашлиги қийин кечган бўларди.

### **Ҳофиз Ибн Касирнинг сўзлари**

Аллоҳ таолонинг куйидаги сўзларининг тафсирида Ҳофиз ибн Касир айтдилар:

«Улар билан хушмуомала бўлиб, тинч-тотув яшанглар» (Нисо сураси, 19)

Маъноси: «Яъни, улардан яхши сўз ва муомалани хоҳлаганингиздек, хотинларингизга сўзларингизни яхши, феъл-атворларингизни гўзал қилинг. Гўзал турмуш қуриш ва доим очик юзли бўлиш Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) ахлоқлари эди. Аҳллари билан ҳазиллашар, уларга мулойим бўлар, нафақасини таъминлар, аёлларни кулдираш ва ҳатто Оиша (р.а.) билан мусобақалашар эди. Мўминларнинг онаси Оиша (р.а.) аёлларга: «Расулуллоҳ (с.а.в.) мен билан мусобақалашдилар, мен ўзиб кетдим. Бу мен гўшт кўтаришимдан, яъни

семиришимдан олдин эди. Гўшт кўтарганимдан кейин яна мусобақалашдик ва улар ўзиб кетдилар. Шунда Набий (с.а.в.) айтдилар: «Буниси олдинги гал баробарида ҳисоб тенглашди», дедилар».

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўзлари тунайдиган аёлларининг уйида ҳар кеча аёлларини йиғар ва улар билан баъзан кечки овқатни ер эдилар. Сўнг ҳаммаси ўз манзилларига тарқалишар эди. Ва аёлларининг бири билан узун кўйлақда, елкаларидаги ёпинчикни ечиб, иштон кийган ҳолда ухлар эдилар. Хуфтон ўқиганларидан кейин уйларига кириб аҳли аёллари билан, бир оз суҳбатлашиб, бу билан уларга меҳрибонлик қилардилар. Аллоҳ таоло:

«(Эй мўминлар), албатта сизлар учун – Аллоҳ ва Охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун – Аллоҳнинг пайғамбариди (у зотнинг иймон-этиқоди ва хулқи атвори)да гўзал намуна бордир» (Аҳзоб сураси, 21).

Маъноси: «Албатта сизларга Аллоҳнинг элчисиди (эргашишингиз учун) гўзал ўрнак бор» (Ҳофиз ибн Касирнинг «Улуғ Қуръон тафсири» китоблари).

### **Ажойиб қисса**

Набийнинг (с.а.в.) чўрилари Рузайнадан Табароний ривоят қилдилар: «Савда зийнатланган, чиройли кўринишда Оиша ва Ҳафсанинг олдиларига кирдилар. Шунда Ҳафса Оишага: «Олдимизга Расулуллоҳ (с.а.в.) кирсалар, биз шу жулдур кийим ва хунук кўринишда ўтирсак. Бу эса иккаловимизнинг орамизда ялтир-юлтир қилиб турса... Ҳозир зийнатларини расво қиламан», деб Савдога гапирди: «Эй Савда, бир аъвар кўзи кўр Дажжол чиқибди». Шунда Савда қаттиқ кўрқиб кетиб, қалтирай бошлади. «Қаерга беркинаман?» деди. Ҳафса: «Хурмо шохлари ва баргларидан ясалган анави чайлага кир, у ерда беркинадиган жой бор», деди. Шунда Савда у ерга бориб, яширинди. У жой кир ва ўргимчак уясига тўла эди. Шу пайт Расулуллоҳ (с.а.в.) келиб қолдилар. Улар тинимсиз кулишарди ва кулгидан гапира олишмасди. Шунда Набий (с.а.в.): «Нима бу кулгу?» деб сўрадилар. Улар эса қўллари билан чайлага ишора қилишди. У ерга тез бориб қарасалар, Савда қалтирок босиб турибди. Шунда: «Эй Савда, сенга нима бўлди?» деб сўрадилар. «Эй Расулуллоҳ (с.а.в.) бир кўзи кўр чиқибди», деди. «Ҳали чиқмади, лекин албатта чиқади», деб уни олиб чиқдилар ва ундаги чанг ва ўргимчак инини олиб ташлай бошладилар (Табароний ва Абу Яъло ривоятлари)

### **Қиссаларнинг ғаройиби**

Қисса ва хабарларнинг ғаройибидан яна бирини Бухорий ва Муслим Саъд ибн Абу Ваққос (р.а.)дан ривоят қилишган.

Умар (р.а.) Набий (с.а.в.)га ҳузурларига киришга изн сўрадилар. У зотнинг ҳузурда аёллар суҳбатлашиб, саволлар сўрар, кўп гапириб, товушлари у зотнинг товушларидан баланд эди. Умар (р.а.) изн сўраганларида, Расулуллоҳ (с.а.в.) ёнларидан кетиб яшириниб олишга шошилишди. Шу пайт Набий (с.а.в.) киришга рухсат бердилар. Умар кириб келганларида, Набий (с.а.в.) кулар эдилар. Шунда: «Аллоҳ сизни кулдирсин, эй Расулуллоҳ, ота-онам сизга фидо, сизни нима кулдирди?» деди. Набий (с.а.в.): «Олдимда ўтирган анави аёлларга ҳайронман, сизнинг товушингизни эшитишлари билан тўсилиб олишга шошилишади!» дедилар. Умар (р.а.): «Эй Расулуллоҳ, албатта, сиз ҳайбатланишга ҳақлироқсиз», деди, сўнг аёлларга қарата: «Эй ўзларингга душманлар, мендан ҳайбатланасизлару, Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳайбатланмайсизларми?» деди. «Ҳа, сиз дағалроқ ва қўполроқсиз». Яъни: «Сиз, раҳм-шафқатли Расулуллоҳнинг (с.а.в.) тескариси – дағал ва қўполсиз», дейишди. Шунда Расул (с.а.в.): «Давом этинг, эй Ибнул Хаттоб, яъни уларнинг мужодалаларига ўзингиз кифоя қиласиз. Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, сизга бир дарада кетаётганингизда Шайтон учраб қолса, сиз юраётган дарангиздан бошқа дарага қочиб кетади»

## Эрнинг хотинидаги ҳақлари

Энди эрнинг хотинидаги ҳақлари хусусида гапириб ўтамиз.

Биринчиси – итоат, яъни аёлнинг эрига яхшилиқ билан итоат қилиши, унинг буйруғига бўйсуниб, ҳурмати ҳимоя қилиши. Буларнинг ҳаммаси аёлнинг хурсандчилик ва шодликда яшаш учун зарур. Набий (с.а.в.) айтганлар: «Агар аёл беш вақт намозини ўқиса ва ўз фаржини бузуклик, зино қилмасдан сақласа ва эрига итоат қилса жаннатнинг хоҳлаган эшигидан киради» (Ибн Ҳиббон ривояти).

Аҳмад ва Табаронийнинг муснадларида: «Агар аёл беш вақт намозини ўқиб, рамазон рўзасини тутса ва фаржини сақлаб, эрига итоат қилса, унга: «Жаннатнинг ўзинг хоҳлаган эшигидан кир», деб айтилади, дейилган».

### Итоат – қуллик эмас

Бу итоат қуллик ва хорлик тоати эмас, балки у меҳр-муҳаббат итоатидир. Яна бу итоат қонун-қоида ва тартиблар жорий бўлиши ҳамда қўл остидагиларининг бошлиққа ҳурмат қилишдир. Чунки Ислом ҳаёт ишларини, жумладан, кичик жамият бўлган оила ишларини ҳам катта жамият бўлган давлат ишларини ҳам тартибга солиб туради. Итоат ва бошқарувсиз ҳаёт интизомли, жамият бахтли бўла олмайди. Оиланинг хароб бўлиши ва уйнинг бузилиши фақатгина Ислом таълимотига қарши чиқиш ва бошлиққа итоат қилмаслик сабабдир. Мусулмон аёлларининг бузилишига совет хурриятчилари тарқатган «анархия» (қонунсизлик, тартибсизлик) сабаб бўлган. «Анархия» авж олиб мусулмонлар ўртасида тартиб ва тўсиқлар йўқолди. Ислом таълимоти фақатгина эр-хотинлар фойдаси яъни, уларнинг меҳр-муҳаббатини зиёда қилишни ўргатади.

### Расул алайҳиссаломга аёллар юборган элчи қиссаси

Набий (с.а.в.) даврларида йиғилиб, аёллар Расул Карим ҳузурларига ўзларининг ичидан бир кишини бир иш ҳақида сўрашга юборишган. У аёл келиб: «Эй Расулulloҳ, мен аёлларнинг сизга юборган элчисиман. Аллоҳ жиҳодни эркакларга буюрган, агар жангда ютқазилса ажрларини олишади агар ўлдирилса, раббиларининг ҳузурида ризқланаётган тирик бўлишади. Биз, аёллар жамоаси, уларнинг хизматидамыз, бундан бизга нима (ажр) бор?» еди.

Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Аёллардан учратганингга етказиб қўйгинки, эр итоати ва унинг ҳаққини тан олиш юқоридаги жиҳод савобига тўғри келади, аммо сизларнинг камчилигингиз унга амал қиласиз» (Баззор ва Табароний ривояти).

Яна бу ҳадисни Дайлабий «Муснад ул-Фирдавс»да келтирганларки: «Элчи аёл айтди: «Мен сизга аёлларнинг элчисиман ва то қиёматгача сўзларимни эшитадиган аёл йўқки, бу нарса уни хурсанд қилмаса. Аллоҳ – аёллар ва эркаклар раббисидир. Одам – эркак ва аёллар отаси, Ҳавво – эркаклар ва аёллар онаси... Аллоҳ эркакларга жиҳодни буюриб, агар шахид бўлишса, Раббиларининг ҳузурида ризқланиб тирик бўладилар, агар оддий ўлим билан ўлсалар, Аллоҳнинг Ўзи уларнинг ажрини беради. Биз аёллар, касаллар ва ярадорларни даволаймиз, бу ишимизда нима ажр бор?» Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) айтдилар: «Аёллардан учратганингга етказиб қўйингки...» ва юқоридаги ҳадисни зикр қилганлар.

### Эр итоатида бўлиш – жаннатга киришга васила

Ҳусайн ибн Миҳсондан (р.а.) ривоят қиладилар: «У кишининг аммалари Набий (с.а.в.) олдларига келганида, аёлдан: «Эринг борми?» деб сўрадилар Расулulloҳ. «Ҳа», деди. «Унга нисбатан қандай муомаласан?» дедилар. Аёл: «Эримга ожиз ҳолларимдан бошқа пайт эътиборсизлик қилмайман. Яъни, ўзим қодир бўлган ишда калталиқ қилмайман. Агар уни қилишдан ожиз бўлсам, камчилик қилиб қўйишим мумкин. Шунда: «Бас, эринг сенинг

жаннатинг ва дўзахингдир. Унга итоатли бўлиб рози қилсанг жаннатга, аксини қилсанг дўзахга кирасан» (Имом Аҳмад ривояти). Бу сўзлари билан пайғамбаримиз (с.а.в.): «Эринг билан қайси ахволда муомала қиляпсан? Ахир у сенинг жаннатга ё дўзахга тушишингга сабаб бўлади-ку», деган маънони ирода қиляптилар.

Бу маънони Умму Сулайм (р.а.) келтирган ҳадис ҳам қувватлайди: «Набий (с.а.в.) айтдилар: «Қайси аёл эри ундан рози бўлган ҳолда ўлса, жаннатга киради» (Ибн Можа ривояти).

Мана шу нарсалардан эр-хотиннинг саодати мақсад қилинмаяпти? Чунки аёл эрининг итоатида бўлиши туфайли Раббисининг розилигига эришади. Ўзини, эрини ва фарзандларини ҳам бахтли қилади. Уйини эса тўлиқлигича муҳаббат, соғлом турмуш роҳат-фароғат, омонлик ва барқарорлик билан таъминлайди. Булар учун Ислонинг кўрсатмалари ва таълимотларидир.

### **Муъознинг Набий (с.а.в.)га таъзим қилганлари ҳақидаги қисса**

Ибн Можа «Сунан»ларида ва Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»ларида келтирилган ривоятда Абдуллоҳ ибн Абу Авф айтадилар: (Муъоз Шомдан келганларида Набий (с.а.в.)га сажда-таъзим қилдилар. Шунда у зот: «Эй Муъоз бу нимаси?» деб сўрадилар. Муъоз: «Эй Расулуллоҳ, Шомга борган эдим, уларни епископ ва патриархларига, яъни, диндор ва роҳибларига сажда қилишаётганинг устидан чиқиб қолиб, бу нарсани сизга қилишни ирода қилдим», яъни сиз инсонларнинг ичида таъзим қилишга лойикроксиз, деган эди, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бундай қилма! Агар бирор кишига Аллоҳдан бошқага сажда қилишни буюрганымда, аёлни эрига сажда қилишга буюрган бўлар эдим. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган зотга қасамки, аёл эрининг ҳаққини адо қилмагунича, Раббисининг ҳаққини адо қилолмайди. Ҳатто уловнинг устида бўлган ҳолида, эри у билан қўшилишни талаб қилса, аёл туянинг устида бўлса ҳам, эрининг талабини қайтармаслиги керак») (Ибн Можа ривояти)

Эрнинг аёли устидаги ҳаққи шунчалар улуғки ҳатто Расул (с.а.в.) айтяптилар: «Агар бирортага Аллоҳдан бошқага сажда қилишни буюрганымда, аёлни эрига сажда қилишга буюрган бўлар эдим».

### **Жаннат аҳли бўлган аёлларнинг сифати**

Анас ибн Моликдан (р.а.) ривоят қилган ҳадисларида Набий (с.а.в.) айтганлар: «Сизларнинг ичингиздан жаннатга кирадиган эркаклар ҳақида хабар берайми?» «Ҳа, эй Расулуллоҳ», дедик. Шунда: «Пайғамбар жаннатдадир, сиддик жаннатдадир, шаҳар ичидаги биродарларини фақат Аллоҳ учун зиёрат қилса, шу эркак жаннатда. Сизларга жаннатга кирадиган аёлларингиз ҳақида хабар берайми», дедилар. «Ҳа, эй Расулуллоҳ», дедик. У киши: «Меҳрибон ва туғувчан, яъни, эрига меҳрибон итоаткор ва кўп фарзанд туғувчи аёлдир. Агар аёл ғазабланиб ёки бирор нарсаси ёқмай эрининг жаҳлини чиқарса: «Мана кўлим кўлингизда, рози бўлмагунингизча уйкуга кўз юммайман», деб айтади. (Табароний ривояти).

### **Эрга азият етказиш – гуноҳи кабира (яъни, катта гуноҳлардан)**

Ибн Можа «Сунан»ларида Муъоз бин Жаъбалдан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисларда, Набий (с.а.в.) айтганлар: «Дунёда бирор бир аёл эрига азият етказса, эркакнинг жаннатдаги шахлокўз ҳурларидан бўлган завжаси: «Унга азият етказма, Аллоҳ сени ўлдирур, бас у дунёда бегонадир. Яъни, ўткинчи меҳмон сендан ажралиб, яқинда бизнинг олдимизга келади». Яъни, сени дунёда тарк қилиб, бизнинг олдимизга келишига яқин қолди ва мен унинг жаннатдаги завжасиман.

Яна эрнинг аёли устидаги ҳақларидан аёл унинг мол-мулки ва номусини сақлаши ва уйига бирор кишини эрининг рухсатисиз киритмаслиги керак. Набий (с.а.в.) айтганлар:

«Сизларга эркак жамлайдиган яхшилик ҳақида хабар берайми? У солиҳа аёлдирки, агар эри унга қараса хурсанд бўлади, буюрса итоат қилади ва бирор жойга чиқса, унинг мол-мулкини муҳофаза қилади» (Абу Довуд ривояти).

Эрнинг аёли устидаги ҳақларидан яна бири – эри уни тўшагига чақирса, боришдан бош тортмаслиги. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) қуйидаги сўзларига биноанки: «Агар эркак аёлини тўшагига чақирса-ю, у келишдан бош тортса, фаришталар уни тонг отгунча бўлгунича лаънатлайдилар» («Фатҳул Борий ала Саҳиҳул Бухорий»)

Муслим ривоятларида шундай келган: «Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, бирор эркак аёлини тўшагига яъни жимомъга чақирганида, бош тортса, осмондаги Зот то эри ундан рози бўлгунигача ғазабда бўлади» («Саҳиҳи Муслим, «Никоҳ китоби»)

Ибн Ҳажар айтдилар: «Тўшак билан жимомъга ишора қилинпти. Ва шунга ўхшаш, улардан уялинадиган нарсаларга киноя (ишора) ишлатиш Китоб (Қуръон) ва Суннат (Ҳадис)да кўпдир».

Жобир (р.а.) ривоят қилган: «Уч хил инсоннинг намозлари қабул бўлмайди ва улардан осмонга яхшилик кўтарилмайди:

1. Қочган қул, то қайтиб келгунигача;
2. Маст одам, то ўзига келгунигача (кайфи тарқагунигача);
3. Эрини ғазаблантирган аёл то эри рози бўлгунигача (Ибн Ҳиббон ривояти).

Эрнинг хоҳишга лаббай деб жавоб беришга ва унга жинсий ишларда бўйсунушга буюрилади. Агар йигитнинг шаҳвати кўзғалса ва уни босадиган ҳалол йўл топа олмаса шаҳват уни фитнага юзлантириб зино – фаҳшга мажбурлайди. Баъзан шаҳватни бошқариб бўлмай қолади. Бу эса кишининг асабларини куйдиради ва саодатини хиралаштиради. Шунинг учун Расулulloҳ (с.а.в.)га аёлга эрининг талабини бажаришни буюрдилар. Шунда эр фитнадан холи бўлиб, эр-хотин орасидаги муҳаббат ришталари давомий бўлади. Набий (с.а.в.) айтганларидек: «Агар киши завжасини ҳожати учун чақирса, бас у тандир тепасида бўлса ҳам эрининг олдига келсин» (Термизий ривояти).

Эрининг рухсатисиз уйига ҳеч кимни киргизмаслиги ва тутадиган нафл рўзасини эрининг рухсатисиз тутмаслиги керак. Мустафонинг (с.а.в.) қуйидаги сўзларига биноан, уни Абу Ҳурайрадан Бухорий ривоят қилганлар: «Аёлнинг эри сафарда бўлмай ўз уйида бўлса унинг изнисиз рўза тутиши ва уйига унинг изнисиз бировни киришга рухсат бериши ҳалол эмас».

Ибн Ҳажар айтадилар: Ҳадис мазкур рўзанинг унга ҳалол эканига далолат қилади ва бу жумҳур (кўпчилик)нинг сўзи (яъни, кўпчилик шу тўхтамга келган). Хабарнинг қайтариқ лафзи билан келиши ҳаромни таъкидлайди. Ҳаром қилинишнинг сабаби, эр аёлидан хоҳлаган вақтда ором олишга ҳаққи бор ва бу истак ўша ҳолдаёқ амалга ошиши вожиб ва уни атайлаб чўзиш мумкин эмас.

### **Набийнинг (с.а.в.) «Ҳажжатул вадъ»да қилган васиятлари**

Набий (с.а.в.) видолашув ҳажидаги хутбаларида шу сўзларни айтганлар: «Огоҳ бўлингларки, сизлар учун аёлларингиз устида ҳақ бор ва аёлларингиз учун сизларнинг устингизда ҳақ бор. Бас, сизларнинг улар устидаги ҳаққингиз – ўрнингизга сиз ёқтирмайдиганларни киргизмасликлари ва уйингизга сиз ёқтирмайдиганга рухсат бермасликлари. Огоҳ бўлингки, уларнинг сизлар устларингиздаги ҳаққи уларга кийинишларида ва таомларида эҳсон қилишингиз» (Имом Муслим ва Ибн Можа ва Термизийлар ривоятлари).

Ислому аёлга эри ёқтирмайдиган бирорта одамни уйига киришга рухсат беришни ҳаром қилди. Чунки бу нарса эр-хотин орасида адоват туғдириб, шубҳа-гумонларларга замин бўлади. Баъзан эр, хотинининг амакиси ёки тоғасининг ўғлига ўхшаш қариндошларининг юриш-туришидан гумонда бўлиши ва шу сабабли уйига унинг киришини истамаслиги мумкин. Ўзининг ё аёлининг баъзи қариндошлари турмушини бузишидан қўрқса, ундайларга киришни ман қилишга ҳаққи бор. Шу пайтда аёл эрига итоат қилиши лозим бўлади. Агар

уйда хотин эри ёқтирмайдиган душманини ҳурмат қилаётганини кўрса, кўнглига оғир ботиб газаб кўзгайди. Шоир айтганидек:

Душманимла меҳрибонсан, сўнг истайсан дўстлигим,  
Аҳмоқликдир сенга тамға, англолмассан нелигин.

Эрнинг аёли устидаги ҳақларидан яна бири: – уй ишларини бошқариш, яъни овқат пишириш, ювиш, тозалаш кабилардир. Улар ҳамма даврда урф-одат бўлиб, у ҳақда улуғ кўрсатмалар келган, чунки ҳаёт ўзаро ёрдам ва бардамликсиз давом этмайди:

«(Эй мўминлар), сизлар яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз» (Моида сураси, 2).

Эркак уйдан ташқарида аёли ва фарзандларининг саодати ва эҳтиёжларини ўйлаб, озик-овқат ва кийим-кечак олиб келиш учун ишлайди-тирикчилик қилади. Аёл эса уйда овқат пишириш, идиш-товоқ, кир ювиш ва умуман уйни саодат масканига айлантириш учун уй ишлари билан шуғулланади.

Эркак уйдан ташқаридаги ишларни, аёл киши эса уй ичидаги ишларни бошқаради. Шу тариқа ҳаёт ўзаро бир-бирини тушуниш ва ўзаро ёрдам асосида тикланади.

Баъзи фақиҳлар никоҳ ақди фақатгина эр-хотинлик турмуши, жасадий роҳат ва жинсий шаҳватни қондириш учун ёки уй хизматини қилдириш учун эмас, эркак уйга ходим тайинлаб кўйиши шарт, деб айтишади. Аммо саҳиҳ хабарларда келишича, Набийнинг (с.а.в.) аёллари ҳам, қизлари ҳам уй хизматида бўлишган. Уйда қилиниши керак бўлган нарсани барчасини қилишган, Набий (с.а.в.) ҳам, саййида Оишанинг (р.а.) сўзларидан келгандек, аёлларига ёрдам бериб турганлар. Оишадан (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг уйда нима иш қилишлари ҳақида сўраганларида айтганлар: «Аҳллариининг хизматида бўлиб, қачон намоз вақти бўлиб қолса, намозга чиқиб кетардилар» (Бухорий ривояти).

Имом Аҳмад Оишадан (р.а.) ривоят қилишларича, у кишидан: «Набий (с.а.в.) уйларида нима билан машғул бўлар эдилар?» деб сўрашди. Оиша (р.а.): «Кийимларини тикар, наъл (орқаси кесик, шиппакка ўхшаш оёқ кийим)ларини тузатар ва эркаклар уйда қиладиган ишларни қилар эдилар», деб жавоб берганлар (Имом Аҳмад ривоятлари).

Аёлнинг уйда ишлаши зарурлигига далиллар

Қуйида сизларга аёлнинг уйда ишлаши зарурлиги, эрининг ҳаёт қийинчиликларини кўтаришда ёрдам бериш, эр-хотин орасидаги саодатнинг давомий бўлишни таъминлаши ва бунинг натижасида уй низом ва тартиб асосида тикланишига асар ва ривоятлардан далиллар келтириб берамиз.

Бухорий ва Муслимлар Асмо бинту Абу Бакр Сиддикдан (р.а.) ривоят қилишган, айтадилар: «Менга Зубайр уйландилар ва у кишининг бирорта ҳам моли ёки қули йўқ эди. Фақат бир дона оти бор эди. Шу отларига емини бериб, боқиб юрардим. Унинг охурига дон эзиб, хашак солиб, ем бериб, сув ичирардим. Челагини тешиб, ун элаб, хамир қорар эдим, лекин ҳеч чиройли қилиб нон ёпа олмасдим. Шунинг учун менга ансорларнинг қизлари нон ёпиб беришарди. Улар содиқ, яхши аёллар эди. Яна Зубайрнинг – Расулуллоҳ (с.а.в.) мен учун ажратиб берган ерларига дон экардим, лекин шу хизматларимнинг ҳеч қайсиси менга от боқишчалик оғир эмасди... То отам Абу Бакр менга хизматчи юбормагунларича от боқишдан қутилмадим. Менга хизматчи юбориб қулликдан озод қилгандек бўлдилар». (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Али (р.а.) ривоят қиладилар: «У киши Ибн Аббадга айтдилар: «Сенга ўзим ва Фотима бинту Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳақида сўзлаб берайми? Фотима (р.а.) у зотнинг (с.а.в.) аҳллари ичида энг суюклилари бўлиб у мен билан яшарди». Кўпинча у кичик тегирмончада ун чиқарар эди, қўл тегирмон унинг қўлини қадоқ қилди. Мешда сув таширди, меш елкасига ботиб, изини қолдирди. Уй супуриб кийимлари чанг бўлиб кетарди. Кунлардан бир кун Набийнинг (с.а.в.) ҳузурларига хизматчилар келиб қолишди. Унга: «Бориб отангдан битта хизматчи сўраб келмайсанми?» дедим. Отаси олдиларига борса, суҳбатлашаётган одамлар бор экан. Эртасига ўзлари келиб қолдилар ва қизларига: «Нима хожатинг бор эди?» дедилар. У жим турган эди, мен: «Эй Расулуллоҳ, мен сизга айтиб бераман, қўл тегирмонда ун чиқаргани, қўли қадоқ бўлди, сув кўтариб меш ташигани, бўйнини из қилиб ташлади.

Шунга ходимлар келиб қолганида, олдингизга бориб, уни бу қийинчиликлардан қутқариш учун бир ходим сўраб келишга буюргандим», деб айтдим. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) айтдилар: «Аллоҳга тақво қил, эй Фотима! Раббингнинг фарзларини адо эт, аҳли оиланг ишларини қил ва тўшагингга борганинга ўттиз уч марта тасбеҳ, ўттиз уч марта ҳамд ва ўттиз тўрт марта такбир айт, шу билан юзта бўлади. Мана шу нарсалар сенга ходимдан кўра яхшироқдир» Шунда Фотима: «Аллоҳдан ва Унинг расулидан розиман», деди. Шундай қилиб, Расулulloҳ қизларига ходим бермадилар» (Буни Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизийлар ривоятлари). Энди айтинг-чи, Расулulloҳ (с.а.в.) қизларига меҳрибон бўлганмилар ё шафқатсиз? Ахир Фотима онамиз ул зот аҳллариинг суюклироғи эмасмиди?

### Салафлар сийратидан улуғ кўрсатмалар

Юқорида ўтган намуналар салафи солиҳлар (ўтмишдаги солиҳлар)дан бўлган саҳобий аёллар – Асмо, Фотима ва Расулulloҳ (с.а.в.) аёлларининг (Аллоҳ уларнинг ҳаммасидан рози бўлсин) сийратлари эди. Уй хизматида ўзлари ўзларига хизматкор эдилар ва у аёлларнинг бирортасида хизматкор йўқ эди. Уй хизмати – шараф, у ҳеч қайси амир ёки вазир қизининг қадрини пасайтириб қўймайди. Лекин эркакнинг ризқи кенг бўлиб завжасига ходим олиб беришга кодир бўлса, олиб берсин. Бундай ёрдам қилишда ҳеч қандай ёмонлик йўқ, аммо аёлнинг, уй ишидан бирортасини ходим бажариши шарт эмас. Эрнинг унга хизмат қилиб берадиган ва ишларини бажарадиган хизматкор олиб бериши керак, дейишимиз ортиқча хашаматдан бир кўриниш ва у бўлмаган ишдир. Наҳотки бизларнинг аёлларимиз салаф солиҳ аёллардан яхшироқ бўлса? Наҳотки қизларимиз Расулulloҳнинг (с.а.в.) қизлари Фотимаи Заҳродан карамлироқ бўлса. Расулulloҳ (с.а.в.) уларга ходим олиб бермай, балки қизларига бу нарсдан кўра раббисига яқинроқ қиладиган, афзалроқ нарсани – тасбеҳ, таҳмид ва такбир айтишни маслаҳат берганлар.

Баъзи аёллар уй юмушларини бажаришни ор билишиб, эрларини ҳаёт қийинчиликларидан азобланишга дучор қиладилар. Гўёки улар эрига ёрдам бериш учун эмас фақат зийнат ва ясан-тусан учун яратилган. Қуйида бир аъробий аёл ҳақида шундай дейилган:

Кўча кезиб тунайман, сен ухлайсан ўринда,  
Сочинга анбар суриб, хушбўй мушк ифоринда.

Шоир бу сўзлари билан, эркак аёли ва фарзандлари роҳати учун кечалари сафарда қийналиб, чарчайди. Аёли эса кечаларни зийнатланиш ва атр-упа суриш билан ўтказди, демоқчи.

Навбатдаги ҳақлардан бири аёлнинг уйда ўтириши ва қариндошлар зиёратига ҳам бирон эҳтиёжсиз чиқмаслигидир. Бунинг ўрнига фарзандлар тарбиясига вақт топиши, уй ишларини идора қилиши учун керак. Чунки она эркакларни вужудга келтиради ва баҳодирлар етиштириб чиқаради. Аёлнинг ҳаётдаги йўли улуғдир. Шоир айтади:

Она мадрасадир, тайёрласанг уни,  
Тайёрлабсан гўзал ирқлар халқини.

Ба ҳақдаги Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзлари далилидир:

«Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар (яъни, бесабаб уйларингиздан ташқарига чиқманглар, магар бирон ҳожат учун чиққанларингизда эса) илгариги динсизлик (даври)даги ясан-тусан каби ясан-тусан қилманглар!» (Аҳзоб сураси, 33)

Ҳофиз Ибн Касир айтадилар: «Оятдаги маъно: Уйларингизни лозим тутинглар ва эҳтиёжсиз чиқманглар. Эҳтиёждан мурод – шарий эҳтиёж. Яъни, масжидда намоз ўқиш, ўз шарти билан, атр-упаланмай ва зийнатланмай чиқиш. Набийнинг (с.а.в.) қуйидаги сўзларига биноан: «Аллоҳнинг чўриларини – яъни, аёлларни – Аллоҳнинг масжидларидан ман қилманглар, содда ҳолларида (яъни, зийнатланмай, атир сепмай) чиқсинлар»

Набий (с.а.в.)дан келтирилган яна бир ҳадисда айтганларки, «Аёл авратдир (номусдир), агар (кўчага) чиқса, шайтон уни кутиб олади. Раббисининг раҳмат-марҳамати (розилиги)га эришишининг яқин йўли эса уйининг ичида бўлишидир»

Жоҳилият даврида аёл кўчага чиқиб, эркалар орасида таннозлик ва ишвагарлик билан юрар эди. Аллоҳ таоло эса бу нарсдан қайтарди.

Уйда қарор топишдан (ўтиришдан) мурод, аёл кишининг кўчаларда дайдиб юрмаслиги ва унинг ғами яسانيб зийнатланиш, шу холи бегона эркалар кўриши учун бўлмаслиги, бозорларда фойда-бефойда изғиб юриб, вақтини зое қилиб уйни қаровсиз ва ҳимоясиз, бетартиб ҳолда ташлаб кетмаслиги керак. Ислому унинг намоз учун чиқишига изн бергани билан бирга, унинг уйдаги намози ҳадиси шарифда келгандагидек афзалроқдир.

Бу дегани уйни қамоқ қилиб қўйишимиз керак, дегани эмас. Балки истироҳатга, қариндош-уруғлар зиёратига, масжидда намоз ўқишга ва баъзи ҳожатларга чиқиб туради. Набийнинг (с.а.в.) шу сўзларига биноан: «Албатта, Аллоҳ сизларга ҳожат (зарурат)ларингиз учун (уйларингиздан) чиқишингизга изн берди. («Фатҳул Борий») Лекин кўчани ўз уйи ва кўча дайдишни касб қилиб олмаслиги керак.

«Ўз уйларингизда барқарор бўлинглар (яъни, бесабаб уйларингиздан ташқарига чиқманглар, магар бирон ҳожат учун чиққанларингизда эса) илгариги динсизлик (даври)даги ясан-тусан каби ясан-тусан қилманглар!» (Аҳзоб сураси, 33)

Бундан мурод аёлдан башарият бўрилари ва номус ўғрилари даф қилишдир.

Эрига зийнатланиб чиройли, кўзни қувонтирадиган кийимлар кийиб кўриниши ҳам эрининг аёли устидаги ҳақларидан ҳисобланади. Токи эрининг кўзи бошқасига қарамасин.

Абу Ҳурайрадан ривоят қиладилар: «Набий (с.а.в.)дан: «Аёлларнинг қайсиси яхшироқ?» деб сўрашганида у киши: «Қараса эрини хурсанд қиладиган, буюрса унга итоат қиладиган ва ўз нафсида ва молида у ёқтирмайдиган нарса билан тесқари иш қилмайдигани», деб жавоб берганлар (Насоий ва Аҳмад ривоятлари)»

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) айтадилар: «Мен аёлимнинг мен учун зийнатланишини қандай ёқтирсам, ўзим ҳам шундай зийнатланаман» Бундан чиқди аёлларнинг эрлари олдида зийнатланиши ва чиройли бўлиши талаб қилинади. У муҳаббатни ишончли, мустаҳкам қилиб, улфат-яқинликнинг бардавомлигини қафолатлайди.

### Турмушга чиқётган қизга онасининг насиҳати

Ажойиб хабарлардан бири она қизига эрга тегаётганида қилган насиҳати. Имом Ғазолий «Ихёу улумиддин» китобларида Асмо бинти Хорижа қизи турмуш қураётганида қилган насиҳатларини ҳикоя қиладилар, Асмо қизларига айтдилар: «Қизалоғим, ўсиб-улғайган уйингдан чиқдинг ва ўзинг танимайдиган ва олдин яқин бўлмаган кишининг тўшагига кетдинг.

У учун ер бўл, сенга осмон бўлади,  
У учун ўрин бўл, сенга устун бўлади.  
У учун чўри бўл, сенга у қул бўлади,  
Унга хиралик қилма, ёқтирмай қолади.  
Яъни, ҳа, деб ундан ҳар балони талаб қилаверма, зада бўлади.  
Ундан узоқлашма, эсдан чиқариб қўяди,  
Сенга яқин бўлса, унга яқин бўл.  
Сендан узоқлашса, ундан узоқ бўл,

Унинг бурни, қулоғи ва кўзини муҳофаза қилки, сендан фақат ширин хидласин, фақат гўзал сўз тингласин ва сенинг чиройингни кўрсин»

Бир киши аёлига айтди:

Мендан афв ол, доимий муҳаббатимга эришиб,  
Ва сўзлама жаҳлимда, гар тутақсам.  
Ва ҳадеб шикоят қилма, хоҳишинг кетидан кетиб,  
Қалбим ёқтирмай қолур, қалблар ўзгарувчан,  
Ва билдим мен, севгин қалбда азият-ла кўриб  
Жамлашса севги кетур, зоиллик билан.



Насойй аёллар билан муомала қилиш ҳақида Аҳмад ва Ҳоқимларнинг Ҳусайн ибн Ҳисниндан келтирганларини, айтадилар: «Аммам менга айтиб бердилар: «Бир юмуш билан Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига боргандим. «Эй, эринг борми?» деб сўрадилар. «Ҳа», дедим. Шунда: «Унга қандай муносабатдасан?» дедилар. Мен: «Унга, ожизлик қилганимдан бошқа пайт эътиборсизлик, яъни, хизматида ноқислик қилмайман», дедим. Айтдилар: «Қра, сен унга қандай муносабатдасан. Чунки у сенинг жаннатинг ёки дўзахингдир» (Ғаззолийнинг «Ихёу улумиддин» китобидан олинди)

Эрининг ҳаққи улуғлиги ва сабабли аёл жаннат ё дўзахга киришини билдик. Бутун кучини эрининг розилиги, унинг саодати ва Раҳмоннинг розилиги учун сарфласа, эр-хотин орасидаги саодат боқий бўлади.

### **Еттинчи бўлим** **Никоҳда хурсандчилик қилиш**

Шу нарсани тушуниш керакки, Ислом ижтимоий воқеъий диндир. У қоқоқлик, қайсарлик такаллуф ва машаққат дини эмас, балки бағрикенглик, улуғлик ва енгиллик динидир. Ҳолат-муносабатларга ўз таърифини келтиради, кунларга, замонларга ўз вазнини қоим қилади. Ҳамма замон ва маконларга муносиб келадиган ҳукмларни чиқаради. Мисол учун, хурсандчилик ва шодонлик билан, ғам ва қайғу бир-бирига тескари нарса. Инсонларга хурсандчилик қилиб туришган вақтида ўлимни эслатишимиз ва майитни қабрга кузатаётганларга турмуш қуриш фойдалари ҳақида насиҳат қилишимиз тўғри иш бўлмайди. Аллоҳ таоло айтади:

«Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳаққакки, унга кўп яхшилик берилибди» (Бақара сураси, 269)

### **Никоҳни эълон қилиш ва билдириш**

Ислом бизга никоҳ ақдини билдириш ва уни эълон қилишни буюради. Бу нарса, Ислом қайтарган махфий никоҳдан фарқли бўлиб, ажралиб туриш учун ва Аллоҳ таоло мўминга ҳалол қилган йўл билан хурсандчиликни изҳор қилиш ва ёмон сўзларни даф қилиш учундир. Чунки одамлар олдиндан таниш бўлмаган эркак билан аёлни бирга кўришса, ҳар хил ёмон гумонларга бориши мумкин. Шунинг учун ҳам табаррук ва олий бўлмиш зот никоҳни билдиришни буюради ва Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам эълон қилиш ва билдиришни васият қилганлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Бу никоҳни билдиринглар, уни масжидларда эълон қилиб чилдирмаларни чалинглар» (Термизий ривояти).

Рузайн: «Бас, албатта ҳалол ва ҳаром орасидаги фарқ эълондир», деб зиёда қилганлар. («Жомеъул усул»)

Термизий ва Насойй Муҳаммад ибн Ҳотиб Ал-Жумҳийдан ривоят қилишган, Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Ҳалол ва ҳаромнинг орасини ажратиб турувчи нарса: дуф (чилдирма) ва товуш» Маъноси: Ҳалол никоҳнинг ва ҳаром кўшилишнинг орасини ажратувчи нарса – дуф чалиш ва никоҳ ақди учун хурсандчилик, шодлик товушидир. Никоҳ ва масжид руҳонияти орасидаги боғлиқлик хусусида мулоҳаза қилиб айтамикки, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: «Уни масжидларда эълон қилинглар», деган сўзларида, никоҳ ақди масжидда бўлишига даъват қилдилар. Бунга сабаб никоҳ ришталари дин ришталари билан боғланиб, масжид руҳонияти бу никоҳни ўраб олади. Чунки мўмин Аллоҳга намоз туфайли ибодат қилса, никоҳ ҳам худди шундай ибодат ҳисобланади. Модомики унинг мақсади солиҳ зурриёт ва нафсини ҳаромдан сақлаш бўлса. Саҳиҳ ҳадисда ворид бўлганидек: «Сизларнинг бирортангизнинг хотинига кўшилишида савоб бордир» Никоҳни масжидда билдиришнинг ҳикмати у мусулмонлар жума ва ийд (байрам)ларда ва беш вақт намозда йиғиладиган жойдир.

Бошқа тарафдан, никоҳни эълон қилиш йигитларни уйланишга шижоатлантиришга даъват қилиш ўрнида бўлиб, у сабабли турмуш қуриш кўпаяди, бу эса Исломнинг тўғри йўлга бошловчи таълимотларидир.

### Никоҳдаги мубоҳ қўшиқлари ва ўйин-кулгилар.

Никоҳ кунида шодлик ва тўй хурсандчилигини изҳор қилган ҳолда одобсиз ва бузук сўзлари бўлмаган қўшиқлар жонни роҳатлантириш ва уни зарарсиз ўйин-кулгу билан жонлантириш мақсадида мубоҳ қилинди.

Қўшиқ – дейишимиздан мурод, уятсиз, бебош, суюқ, фаҳш ва беадаб сўзлари бўлмаган шарафли ва тоза қўшиқларни назарда тутмоқдамиз.

Аёллар никоҳ тўйларида баъзи ашулалар ва қўшиқларни айтишади. Буларда турмуш қуришга тарғиб бўлиб, ифлос ва фаҳш сўзлар бўлмайди. Чиройли қўшиқлар куйлаб, даф чаладилар. Бундай қўшиқларни куйлашда гуноҳ йўқ, балки у куйидаги далилларга кўра суннат ва матлубдир.

Биринчи: Оиша (р.а.) бир аёл Ансорий эркакка турмушга чиқаётганларида борганлар, шунда Набий (с.а.в.): «Эй Оиша, орангизда ўйин-кулги бўлмадими? Ансорларга ўйин-кулги ёқади», дедилар («Фатҳул Борий ала Саҳиҳул Бухорий»)

Ибн Ҳажар айтдилар: Шунга ўхшаш ривоятда Набий (с.а.в.) айтганлар: «Келин билан бирга бир жорияни дуф чалдириб ва ашула айттириб жўнатдингизми?»

Оиша айтдилар: «Нима деб айтиш керак, ё Расулуллоҳ?» айтдилар:

«Сизга келдик, сизга келдик,  
Хуш келдик ва хушвақт бўлинг.  
Тилларанг буғдой бўлмаса,  
Қизингиз тўлишмас эди,  
Қизил отинлар бўлмаса,  
Бу водийда қолмас эди»

(Ибн Ҳажар «Фатҳул Борий»)

Бу ҳадиси шариф тўй-томошаларда дуф уриб қўшиқ айтишнинг мубоҳлигига очик далолат қилади. Ҳатто Расулуллоҳ (с.а.в.) жонни роҳатлантирадиган, қалбга сурур бағишлайдиган ифбатли ва тоза-пок қўшиқ қандай бўлишни ҳам кўрсатиб бердилар. Бу қўшиқлар уятсиз ва фаҳш сўзлардан ҳоли бўлмоғи лозим.

Иккинчи: Ибн Аббос (р.а.) ривоят қилганлар: «Оиша (р.а.) бир қариндош аёлни ансорий бир кишига узатаётганларида Расулуллоҳ (с.а.в.) келиб қолдилар ва: «Қизни эрга бердингизми?» деб сўрадилар. «Ҳа», дейишди. «У билан бирга қўшиқ айтадиган қизни юбордингизми?» дедилар. Оиша (р.а.): «Йўқ», деганларида: «Ансорлар ғазали бор қавмдир, келин билан бирга: «Сизга келдик, сизга келдик. Хуш келдик ва хушвақт бўлинг», деб куйлайдиган қизни жўнатсангиз яхши бўлар эди», деб айтдилар. (Ибн Можа ривоятлари)

Учинчи: Насоий Омир ибн Саъддан ривоят қилдилар. «Қараза ибн Каъб ва Абу Масъуд Ансорийларнинг олдларига тўйда кириб қолгандим, жориялар, ёш қизлар ашула айтишаётган экан, айтдим: «Эй Расулуллоҳ саҳобийлари ва Бадр жангизда қатнашганлар, сизларнинг олдингизда шу иш қилинганми?» У кишилар: «Ўтир хоҳласанг, биз билан тингла, хоҳласанг кет. Бизга тўйда ўйин-кулги қилиш рухсат берилган», деб жавоб қилишди. (Насоий ривояти)

Тўртинчи: Бухорий, Ар-Рубаййаъ бинту Муъаввиздан ривоят қилинади: «Эрга текканимда Набий (с.а.в.) келиб кўрпамга ўтирганларида жорияларимиз дуфга уриб Бадр жанги куни ўлдирилган қариндошларимизга марсия айта бошлади. Жориялардан: «Орамизда Набий (с.а.в.) борлар, эртага нима бўлишини биладилар», деганди. Набий (с.а.в.): «Буни кўй, аввалги айтаётганини айт», дедилар (Бухорий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятлари).

Ибн Можанинг ривоятларида: «Аmmo буни айтманглар, эртага нима бўлишини Аллоҳ азза ва жалладан бошқа ҳеч ким билмайди», дейилган.

Бешинчи: Анас ибн Молик ривоят қиладилар: «Набий (с.а.в.) Мадина кўчаларидан ўтаётганларида, жориялар дуфларга уриб, ашула айтишар эди:

Биз Бани Нажжор жорияларимиз,  
Қандай яхшиликдир Муҳаммад кўшнимиз.

Шунда Набий (с.а.в.): «Аллоҳ билади, мен сизларни албатта, яхши кўраман», дедилар (Ибн Можа «Сунан»лари, «Кўшиқ ва дуф» боби)

Олтинчи: Бухорий Анас ибн Моликдан (р.а.) ривоят қиладилар: «Набий (с.а.в.) бир тўда аёллар ва болаларни тўйдан келишаётганини кўриб, мамнун холда ўринларидан туриб, шундай дедилар. «Худо ҳақки, сизлар менга инсонларнинг энг суюклироғисиз»

Еттинчи: Оишадан (р.а.) ривоят қилганлар: «Олдимга Абу Бакр кирганларида, олдимда ансорий қизлардан иккита ёш жориялар «Буъас» кунда ансорлар гапирган сўзларни кўшиқ қилиб айтишаётган эди. «Буъас» – Авс ва Ҳазраж қабилалари орасида бўлган уруш. Бу ийд кунни бўлаётган эди. Абу Бакр: «Набийнинг (с.а.в.) уйларида шайтон куйи бўляптими?» деб койганлар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ҳамма қавмнинг байрами бор ва бу бизнинг байрамимиз», дедилар (Ибн Можа ривоятлари) Бошқа ривоятда: «Кўй уларни, ҳамма қавмнинг ийди бор...», деб ривоят қилинган.

Шу ҳадисларнинг ҳаммаси тўйда кўшиқ ва ўйин-кулги мубоҳлигига далолат қилади. Лекин шу шарт биланки, улар Ислому одобларига, фазилат ва поклигига тўғри келиши ва одобсизлик, бузуқликлардан узоқ бўлиши керак.

### **Аралаш-қуралаш бўлиш калтафаҳмлик ва уятсизликдир**

Баъзи инсонларнинг тўйида уятсиз-ахлоқсиз кўшиқлар, ифбатсиз рақслар, ичкилик тўлдирилган қадахлар айланиб юрган шовқинли базмларни кўраимиз. Бу Муҳаммаднинг (с.а.в.) шариатларидан эмас, балки улар «Иблис шариати»дандир. Ва баъзи эрка-тантик бойваччалар эркак ва аёлларни базмларда аралаш-қуралаш бўлиб ўтиришга даъват қилишади ва буни «никоҳ хурсандчилиги» деб номлашади. Бундай базмда фазилат у ёқда турсин уятсиз ва беадабликлардан бошқа ҳеч нарсани кўрмайсиз. Бундай разиллик, ифлосликларга мубтало бўлиб, бузилиб кетишдан ва уларни «тўй шодёналари» деб номлашдан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз. Набий (с.а.в.): «Умматимдан бузуқликни, ипакни, ароқни ва нобоп кўшиқни ҳалол қилиб оладиган қавмлар бўлади», деб айтганлар. (Бу ҳадисни Бухорий ичкиликка ва Абу Довуд кийим-кечакка боғлаб келтиришган).

### **Никоҳ билан табриклаш ва келин-куёв ҳақларига дуо қилиш**

Никоҳда албатта табриклаш, келин-куёв ҳақларига дуо қилиш, уларга шодлик ва саодатнинг бўлишини тилаш керак. Жоҳилиятда инсонлар: «Бахт ва фарзандлар бўлсин», деб айтишган. Ислому эса ундан чиройлироқ, афзалроқ ва улуғроқ табрик сўзларни келтирган.

Абу Ҳурайрадан (р.а.) ривоят қилинган: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бир киши уйланганида табриклаб, шундай дердилар: «Аллоҳ сен учун барака берсин ва сенга барака берсин ва ораларингизни яхшилик билан жамласин» (Аҳмад, Термизий ва Абу Довуд ривоятлари).

Насоий «Сунан»ларида Ҳасан Басрийдан (р.а.) ривоят қилганлар: «Уқайл бин Абу Толиб «Бану Жушам»лик бир аёлга уйландилар. Шунда одамлар: «Бахт ва фарзандлар бўлсин», дейишганида у киши: «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганларидек: «Аллоҳ сизларга барака қилсин ва барака берсин» денглар», деб айтди.

Анас ибн Моликдан (р.а.) ривоят қилинадикки, Расулуллоҳ (с.а.в.) Абдурахмон ибн Авфда сариқлик аломатини кўриб: «Нима бўлди?» деб сўраганларида: «Эй Расулуллоҳ, уйландим», деганлар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳ сен учун барака берсин, бир дона кўй билан бўлса ҳам «валима» – зиёфат қил», дедилар (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Мана шулар исломий, мустаҳаб табрик, келин-куёвга тиланадиган яхшилик ва барака дуосидир. Аллоҳ уларни шу сабабли ҳаётларида саодат ва шодонлик ато этди.

## **Саккизинчи бўлим** **Кўпхотинлик ва унинг исломдаги ҳикмати**

Бу рисоламизда баъзи ғарбликлар шармандагарчилик ва нуқсон деб ҳисоблайдиган «кўпхотинлик» хусусида гапириб ўтмоқчимиз. Мусулмонлардан бўлган баъзи ҳокимлар – насронийларга тақлидан бу тартибни бекор қилишга ҳаркат қилишади. Уларнинг фикрича, Аллоҳ кўп хотинликка ҳеч қандай ҳужжат туширмаган. Эр хотинининг устига иккинчисини олиш учун биринчи хотиннинг розилигини олиши лозим. Кўпхотинлиликдан ман қилиш буйруғини қозига бериб қўяди, у хоҳлаганича ман қилиб, хоҳлаганича рухсат беради. Ва булардан бошқа кўп хотинликни ман қилишнинг йўллари ҳақида фикрлайди.

Инсон билиши керак бўлган ҳақиқат шуки, кўп хотинлик Ислонинг афзалликларидан биридир. Чунки буни қонунлаштиришдан мақсад боқий, одил зот Аллоҳнинг иродаси бўлиб, ижтимоий муаммоларни, халқлар ва жамиятларни азоблайдиган энг қийин муаммоларни ечиш бўлган. Бу муаммолар ечимини фақат Ислон таълимотига қайтиш ва унинг тартиботларига амал қилиш билангина топиш мумкин.

Кўпхотинлиликни ман қиладиганлар ўзларидаги кўп ўйнаш тутишликни негадир инкор қилишмайди. ўрбликларни камдан-кам битта хотин билан кифояланганини кўрасиз. Балки ўнлаб аёллар билан, маъшуқа ва ўйнашлар билан бузуқлик қилишади. Буларни хунук иш, деб ҳисоблашмайди, чунки у – «жинсий ишларда тўлиқ эркинлик» бўлиб, агар аёл шунга рози бўлса ва мажбурлаш орқали бўлмаса, бундай қилиш мумкин, дейишади.

Худди шундай ғарблик аёл ҳам эрининг ўзи хоҳлаган аёл билан севишиб, ўйнашиб юрганини кўрса, унга тўсқинлик қилолмайди. Ундай бўлса нега у бундай «ҳақ»дан маҳрум?! У ҳам жинсий роҳатда ҳур-эркин бўлиб «эрларни кўпайтириб» хоҳлагани билан рақсга тушиб, ўзи хоҳлаган эркак билан ҳеч қандай қаршилик ва ҳеч қандай ҳаёсиз равишда жинсий алоқага киришади. Кўпинча бу аҳволни эри билса, сен менга тегма, мен сенга тегмайман кабилида иш юритади.

Уларнинг ичида бошини кўтариб: «Мен ўзимнинг битта хотиним билан чекланаман ва ҳеч қачон зино-фаҳш билан шуғулланмадим», дея оладиган шарафли ва ифбатлиси борми?

Уларнинг аёл-қизларичи? Уларнинг қайси бири уйланган ёки бўйдоқ эркак билан жинсий алоқа қилмаган?

Бу ишнинг ғалати томони шундаки, ғарбликлар назарида ҳалол никоҳ билан кўп хотинлик бўлиш таъқиқланган ва хунук иш ҳисобланади, ҳаром йўл билан, ўйнаш орттириб юриш ҳеч қандай айбсиз иш ҳисобланади, чунки у шахс эркинлиги қонунига тўғри келади.

### **Ташриъ (кўпхотинликни қонунлаштириш) ҳикмати**

Энди Ислондаги кўпхотинликнинг ҳикмати ҳақида фикрлашамиз. Аллоҳ таборака ва таоло ўзининг буюк китобида айтади:

«Сизлар учун (никоҳи) ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Энди агар (улар орасида) адолат қила олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг) ёки қўл остингиздаги чўри билан (кифояланинг)» (Нисо сураси, 3).

Аллоҳ таоло мўмин бандаларига иккита, учта ва тўрттагача уйланишларига рухсат берди. Уларнинг орасида озиқ-овқат, кийим ва уй-жой тақсимлашда адолат қилишни шарт қилди. Агар киши адолат қила олмаслигидан қўрқса ёки унга қудрати етмаса, унга бир аёл билан чекланиш вожиб бўлади.

«Мана шу жабру зулмга ўтиб кетмаслигингизга яқинроқ ишдир» (Нисо сураси, 3).

### **Кўпхотинлик хусусидаги сўз**

Кўпхотинлик масаласи ҳаёт шарт-шароитлари тақозо қиладиган зарурат ҳисобланади. Кўпхотинлик Ислон шариатида янгилик эмас, Ислон дини келмасидан олдин уни қонун-қоидасиз, бетартиб ва чегарасиз, ғайри инсоний суратда эди. Ислон уни тартибга

солиб, жамиятдаги баъзи муаммо ва зарарли ҳолатларга даво қилди. Ҳақиқатда кўпхотинликнинг ҳукми Исломининг устунликларидан бири бўлиб, айрим ижтимоий муаммоларни еча олади. Бу муаммолар бугунги кунда халқ ва жамият изтироб чекаётган ва ечими топилмаётган энг қийин муаммолардандир. Жамият тарозуга ўхшаш нарса бўлиб, унинг икки палласи баробар туриши керак. Энди тошлар бир-бирига тўғри келмай, аёллар эркакларга нисбатан анча кўпайиб кетса нима қилиш керак бўлади? Аёлни хотинлик, оналик неъматидан маҳрум қилиб, уни фоҳишалик, бузуқлик йўлига кириб кетишига ташлаб қўямизми ёки бу мушкулни фазилатли йўл орқали – аёлнинг ҳурмати, оиланинг поклиги ва жамиятнинг соғлигини сақлаган ҳолда ечганимиз яхши эмасми? Айтаётган гапларимизга иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германияда бўлган ҳолат аниқ мисол бўла олади. У ерда аёллар эркакларга нисбатан сезиларли даражада кўпайиб кетиб, ҳар бир йигит бошига учтадан қиз тўғри келиб қолган. Бу ҳолат ижтимоий тартибсизликларни келтириб чиқарган. Бу муаммога қонун қандай ёндошади? Насронийлар боши берк кўчага кириб қўллари боғлиқ ҳолда, нима қилишини билмай, довдираб қолган пайтда, Ислому бу мушкулликни ўзининг ажойиб, ҳукмлари билан ҳал қилди. Масиҳий дини Европалик эркакка биттадан ортиқ хотин олишга рухсат бермайди, лекин уларнинг ўнлаб қизларга разиллик йўли билан алоқада бўлишига тўсқинлик қилишмайди. Ҳатто ота қизининг севгилисидан юргангани кўриб, хурсанд ва шод бўлади, уларнинг роҳати учун шароитларни тайёрлаб беради. Айрим давлатларда бир хил жинслар ўртасидаги алоқалар урф-одатга айланиб бормоқда-ки, у давлат томонидан қонунлаштирилиши берилмоқда. Ахлоқий таназул эшикларини ланг очилиб, кўпхотинлик асосини қабул қилишга мажбур бўлди. Лекин у ростам турмуш қуриш, никоҳ ақди билан қайд қилинмаган бўлиб, эркак хоҳлаган вақтида, ташлаб кетиши мумкин. Уларнинг орасидаги алоқа оила ва эр-хотинлик алоқасидан эмас, балки жасадий алоқадир. Ажабланирлик шуки, кўпхотинликни ҳалол йўл билан бўлишини ман қилиб, ҳаром йўл билан бўлишига рухсат беришади. Аёлни инсонийлик мартабасидан ҳайвонийлик даражасига тушириб қўйишади.

Раббим, ҳидоят сенинг ҳидоятингдир, албат,  
Оятларинг-ла истаганинг қилурсан ҳидоят.

### **Тўққизинчи бўлим** **Эр-хотинлик ўртасидаги келишмовчиликларнинг муолажаси**

Баъзан эр-хотинлар турмушида бўронлар эсиб эр-хотинлар саодати ва роҳат-фароғатини лойқалатади. Муҳаббат ришталарини узиб, ҳаётини жаннатдан дўзахга айлантириб қўяди. Бу жиддий муаммога Исломининг ечими қандай? Эр-хотин орасининг бузилиши ва талок фожеаси содир бўлмасдан олдин улар орасини қандай ислоҳ қилиш мумкин?

Қуръони карим биз эркакларга тўғри йўлни кўрсатиб, исён шамоллари эсиб, аёл ғалаён ва туғёнга кетганида, эр-хотинлик ҳаётини ислоҳ қилишга буюрди: Биринчидан, ҳикматли услуб билан панд-насихат қилиш; иккинчидан, эр-хотинлик алоқасини узиб, ётоқни тарк қилиш; учинчидан: қўл ёки мисвок билан тарбия бериш; тўртинчидан: агар юқоридаги воситалар ёрдам бермаса, муҳокама қилиш.

Бу хусусида Қуръони карим айтади:

«Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар. Бунга сабаб Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни, эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан сарф-ҳаражат қилганларидир. Бас, ибодат-итоатли ва (эрлари) йўқлигида Аллоҳнинг ҳифзу ҳимояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз ифқатларини) сақловчи хотинлар – яхши хотинлардир. Хотинларининг итоатсизлигидан кўрқсангиз, аввало уларга панд-насихат қилинглари, сўнг (яъни, насихатларинг қор яқинлашманг), сўнгра (яъни, шунда ҳам сизларга бўйинсунмасинлар), уринглари! Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглари. Албатта Аллоҳ энг Юксак ва Буюк бўлган Зотдир. Агар эр-хотинларнинг оралари бузилиб кетишидан кўрқсангизлар, эрнинг уруғ-аймоғидан бир ҳакам, хлтиннинг уруғ-аймоғидан бир ҳакам чақирингиз. Агар

улар ислоқ қилишни истасалар, Аллоҳ эр-хотин орасига иттифоқни солур. Албатта Аллоҳ Билгувчи ва Хабардор бўлган Зотдир» (Нисо сураси, 34-35).

### Оятларнинг нозил бўлиш сабаблари

Нисо сурасидаги ояти карималарнинг нозил бўлиш сабаби хусусида муфассирлар шайхи Ибн Жарир Табароний раҳимахуллоҳ «Жамиъул баён» китобларида қуйидагиларни буйича, айтадилар: «Оят Саъд бин Рабиъа ва у кишининг аёллари Ҳабиба бинти Зайдлар хусусида нозил бўлиб, аёл эрининг буйруғини бажармаганида, саҳобий у аёлни урганлар. Аёлнинг отаси қизи билан Набийнинг (с.а.в.) олдиларига келиб: «Қизимни ургани учун унинг хурматига ундан қасос олсам бўладими?» деган шикоятни қилади. Набий алайҳиссалом: «Эридан қасос олсин», деб айтдилар. Аёл отаси билан қасос олишга кетаётганида, набий (с.а.в.): «Қайтинглар, Жаброил олдимга келди», деганлар. Ва Аллоҳ: «Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар» (Нисо, 34) оятини нозил қилди. Шунда Расул (с.а.в.): «Биз бир тадбир ирода қилдик ва Аллоҳ бир тадбир ирода қилди. Аллоҳ ирода қилган тадбир яхшилик бўлиб, қасосни бекор қилди», дедилар. (Ибн Жарир Муқотилдан ривоят қилдилар. «Жамиъул баён»)

Қуръон аёлларни икки қисмга бўлди:

1. Раббиларига итоатгўй, солиҳа ва эрларига яхшилик қилувчи аёллар.
2. ўалаёнчи, осий бошларини шайтон бошқарадиган аёллар.

Эрларига итоатгўй солиҳа аёллар Аллоҳнинг бйруқларини муҳофаза қилишади, устиларидаги ҳақларини адо этишади. Ўзларини фаҳш ишлардан ва эрларининг орзу-умидларини йўққа чиқаришдан сақлашади. Ана шундайлар ифбатли, омонатдор ва фозила аёллардир.

Аммо иккинчи қисм эса – улар итоатсиз, исёнчи, эрларини менсимасдан, итоаткорлик қилишга такаббирлик қилиб, бўйин эггиси келмайдиган аёллардир. Ояти карима эркакларга улар биринчи панд-насиҳат қилишни, агар ваъз эслатмалар фойда бермаса, аёлларини ётоқда тарк қилишлари, яъни қўшилмасликлари кераклигини уқдирди. Ибн Аббос айтади: «Аёлига орқасини қилиб у билан қўшилмайди». Агар мавъизада ҳам ҳижронда ҳам қайтмаса, одоб учун, аёлни майиб қилмайдиган даражада, раҳм ва юмшоқ уриш билан жазолайди. Токи унинг бошидан ғалаён ва итоатсизликка бошлаган шайтон чиқиб кетсин. Агар ушбу усул ва воситалар эр-хотин орасининг ислоқ бўлишига олиб келмаса, ўртада икки адолатли ҳакамни – бирини эр ва иккинчисини хотин томонидан тайинлаши керак бўлади. Шу икки ҳакам тушунмовчилик келиб чиққан мавзунни қидириб, эр-хотин орасини муҳокама йўли билан ислоқ қилишга ҳаракат қилишади.

Аллоҳ таоло айтади: «Агар эр-хотиннинг оралари бузилиб кетишидан кўрксангизлар, эрнинг уруғ-аймоғидан бир ҳакам, хотиннинг уруғ-аймоғидан бир ҳакам чиқарингиз. Агар улар ислоқ қилишни истасалар, Аллоҳ эр-хотин орасига иттифоқликни солур» (Нисо сураси, 35).

### Қуръоний нозик эътибор

Ислом душманлари шариатдаги уруш ва танбех билан тарбиялаш воситасини динни ёмонлаш учун ўзларига асосий қурол қилиб олган. Бу босқичга етиб келишдан олдин Қуръоний теран эътибор ҳақида суҳбатлашамиз. Қуръон назарларимизни ўзининг ягона, боқий шариатига қаратади. Аввалги оятдаги ворид бўлганидек:

«Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни, эркакларни аёллардан) ортик қилгани» (Нисо сураси, 34)

Аллоҳ таоло эркакларни аёллардан устун қилди, дейилса қисқароқ ва мўъжазроқ бўлар эди. Нега оят бундай шаклда, узайиб ворид бўлди? Балоғат, тоза сўзлашиш мўъжазликда дейишган-ку? Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло, аёлни эркакдан яратган бўлиб, улар аслида бир танлиги, худдики бир танада жойлашган иккита руҳлигига эътиборни қаратди. Шунинг учун уларнинг бири иккинчисига худди ўз тана аъзолари бир-бирига боғлиқ бўлганидек, бир-

бирига ҳарис бўлиши керак. Эркак ва аёл тана аъзолари каби бири бош бўлса, бошқаси юрак бўлади. Ҳеч бир аъзо бошқа аъзодан ўзини юқори тутмай, уларнинг ҳар бири ҳаётда ўз вазифасини бажаради. Одам жисмида қулоқ, кўз, юрак, қўл ва ундан бошқа аъзолар бор. Қулоқ кўзсиз, қўл оёқсиз яшай олмайди. Шу сабабли қалб меъдадан, бош эса қўлдан афзалроқ эмас, чунки уларнинг ҳаммаси ўз вазифасини интизом билан бажариб, бири иккинчисисиз туролмайди. Мана шу нозик чегара хусусида Аллоҳ таоло шундай дейди:

«Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни, эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани» (Нисо сураси, 34)

### Ҳомийлик ва тарбия хусусида

Аллоҳнинг борлиқдаги суннати ва ижтимоий ҳаётдаги шарт-шароитлар оила ишларини бошқарадиган, ўз молидан унга инфоқ-нафақа қиладиган бир ҳомий-бошлиқ бўлишини тақозо этади. У киши оиланинг фойдасини кўзлаб, ўз вазифасини комил ва афзал йўл билан адо этиш керак. Токи оила Ислом хоҳлаган инсоний жамиятнинг қурилишига биринчи уруғ бўлиб қадалсин. Чунки оиланинг саломатлиги – жамиятнинг саломатлиги, оиланинг бузилиши – жамиятнинг бузилиши ва хароб бўлишидир.

Эркак бу масъулиятни кўтаришда, Аллоҳ берган ақл ва ирода қувватига суянмоғи даркор. Унга аёли ва фарзандларининг таъминотига саъй-ҳаракат, тирикчилик қилиш вазифаси юкланганлиги сабабли аёлдан кўра қодирроқ ва ҳомийликка ҳақлироқдир. Ҳомийлик ҳақиқатда жавобгарлик ва вазифа даражасидир, фазилат ва шараф даражаси эмас. Оилада эр қийинчиликларни кўтаришда фаол бўлиб, хўжайинлик ва ҳукмронлик қилмасдан, ҳар бир муҳим ишда тадбир ва бошқарув ишларини олиб борадиган раис бўлиши керак. Аллоҳ эркакларга аёллар устидан ҳомийлик, тарбиячилик, бошқарув, ҳимоя ва қўриқлаш вазифаларини юклаган.

«Аввало уларга панд-насихат қилинглари, сўнг (яъни, насихатларинг қор қилмаса), уларни ётоқларда тарк қилингиз (улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (яъни, шунда ҳам сизларга бўйинсунмасалар), уринглари!» (Нисо сураси, 34)

Ҳа, Аллоҳ таоло аёлни уришга руҳсат берди. Лекин, қачон ва қандай урилади? Бу иш бир муолажа – даво бўлиб, унга зарурат ва эҳтиёж туғилганда қўлланилади. Агар аёл эрининг ҳаётини бузиб, бошига чиқса, шайтон ва унинг кўрсатмалари кетидан кетса, гуноҳ ишларни қилиб пушаймон бўлмаса, бундай ҳолатда эр нима қилиши керак? Уни ётоқда тарк этсинми, талоқ берсинми ёки ўз ҳолига ташлаб қўйсинми?

Қуръони карим бизни бу нарсанинг давосига, бебошлик ва итоатсизликнинг муолажасида ҳикматли йўл тутишга буюради. Аввало сабр ва чидамга, сўнг панд-насихат, сўнг ётоқларда тарк этиш ва агар шу барча воситалар наф келтирмаса, давонинг охиригисини бажаришга буюради.

Мисвок ва шунга ўхшаш нарсалар билан уриш, аёлга талоқ беришдан кўра зарари камроқдир. Талоқ оила устунларини парчалаб, иттифоқликни йўқотади. Агар енгилроқ зарарни улуғроқ зарарга солиштирсак, енгилроғини амалга ошириш чиройлироқ ва гўзалроқ бўлиб чиқади. Кўзи кўр одамнинг олдида бир кўзсиз одам гўзалроқ кўринади, деб бекорга айтилган.

Бундан ташқари уриш, баъзилар ўйлаганидек, аёлни дўппослаш эмас. Балки муолажа йўллари билан бири бўлиб, баъзи ҳолларда ғалаёнчи, яхшиликни тушунмайдиган ва чиройли муомала унга наф, фойда келтирмайдиган пайтларда бу нарса наф келтиради. Шоир айтганидек:

Қул урилар асо бирла,

Ҳурга етар ишора.

Аёлларнинг, балки эркакларнинг ҳам ичида калтақдан бошқаси фойда бермайдиганлари учраб туради. Шу сабабли жазолар жорий қилиниб, ҳаддлар белгиланган.

Сайид Рашид Ризо «Ал-Манор» тафсирларида айтадилар: «Уришганда майиб қилмасликни шарт қилинган. Майиб қилиш, деб қаттиқ азият етказишга айтилади. Ибн Аббосдан (р.а.): мисвок ёки қўл ё кичик таёкча билан уриш, деб тафсир қилганлар».

Баъзи Европа танқидчилари Исломда исёнчи аёлни уриш қонуни бор, деб танқид қилишади. Лекин ўзларининг аёли исён ва бақир-чақир қилиб, эрларини энг хор одамларга айлантириб қўйишгани четда қолиб, ҳатто энг хор одамга эътибор қилишмайди. Бу аёллар ўзининг ғалаёнида шундай қаттиқ туриб оладики, эрининг панд-насихати, ундан юз ўгириши ва ётоқларини тарк қилиши ҳам уларга таъсир қилмайди. Бундай ғалаёнчиларни нима билан даволаш мумкин? Эрлари ундай аёллар билан қандай муомала қилишади?

Аёлларни уриш усули ақлга ҳам, фитратга ҳам тескари иш эмас, лекин у таърифга муҳтож. Жамият аҳволи бузилиб, ахлоқсизликлар келиб чиқа бошлаган пайтда унга эҳтиёж туғилади. Бу нарса эркак аёлининг ғалаёнидан қайтиши амри маҳол бўлиб қолганини кўрганида рухсатли бўлади. Агар аёллар насихатга ва огоҳлантирувга кулоқ соладиган ёки ётоқларни тарк этганда таъсирланадиган бўлса, уришдан тийилиш шарт бўлади. Шариатда ҳар бир ҳолатга муносиб ҳукм бор ва биз ҳамма ҳолларда аёллар билан юмшоқ муомалада бўлишга буюрилганмиз («Ал-Манор» тафсири).

Уриш Аллоҳнинг шариатида, ислоҳ йўлларида бир йўл, холос. У кеккайиш ва такаббурликни синдиради. Юқорида уришдан олдин санаб ўтилган насихат, қайтариш, эслатиш, ётоқларда тарк қилиш орқали ҳам кеккайиш ва залолатдан пушаймон бўлмайдиган, йўлдан озган аёлнинг бошидан «жинлар ва инсонлардан бўлган, аёл қалбида васваса қилувчи» ханнос шайтонни чиқариш учун қўлланиладиган сўнгги воситалардан биридир. Салафларнинг баъзилари уришни макруҳ санашган. Атодан (р.а.) ривоят қилинган ҳадисда айтадилар: Аёлига иш буюрганида итоат қилмаса, урмасину жаҳл қилсин, Набий алайҳиссаломнинг шу сўзларига биноан: «Сизларнинг яхшиларингиз урмайди». Бу баъзи бир кам учрайдиган ҳолатларга муолажадир.

«Нега бу қавм кишилари ҳеч гап англамайдилар-а?!» (Нисо сураси, 78)

### Ўнинчи бўлим

#### Исломда аёлни икром қилишнинг баъзи кўринишлари

Ҳозирги вақтда араб ва Ислом оламида қайта-қайта эркак ва аёллар орасидаги тўлиқ тенг ҳуқуқликни талаб қилиб, баланд янграётган товушлар авж олиб бормоқда. Бу дегани аёл эркакка барча вазифа ва амалларда шерик бўлиб, сиёсий, ижтимоий ва молиявий ҳуқуқларга эга бўлиши ва бу нарса икки жинс орасида комил тенгликка эришиши учундир.

Бу наъралар фикрий ғазотнинг асарларидан. Ўарбий, ёлғончи дунёқараш ҳисобланади. Бизни Исломнинг юксак тўғри йўлга йўналтирувчи асосларидан узоқлашган пайтимизда ғарбга кўр-кўрона эргашишимиз исломга қарши чиққанимиз билан тенгдир.

Ҳозир ўзларини ёлғондан «аёл ёрдамчилари», деб номлайдиган, аслида эса аёл душманлари бўлган инсонлар тарафидан «айбдор курсиси»га ўтказилган эркакни ҳимоясига алоқамиз йўқ. Улар аёлини ислом шариатининг ҳимоясида, ўзининг иззат ва ифбат тахтида бошқарган мамлакат-салтанатидан улоқтириб юборишиб, ҳуррият, демократия, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жинслар тенглиги деб номланган таназзул томон судрашди.

Айтишадики: Биз жамиятни бир дона ўпка билан нафас олишга ташлаб қўймаслигимиз керак. Аёл эркакка ҳамма саноат ва амалларда шерик бўлиб унинг ҳамма меҳнат заҳматларида ёнма-ён туриб, ўпканинг икки бўлаги бир-биридан ажралмаслиги зарур ва ҳ. к. деган гапларни қилишди. Бу давонинг ташқи кўриниши – раҳмат, ички кўриниши эса – ғурбатдир.

Улар аёл эркак билан баробар заҳмат чекиб, унга ҳамма ишларда шерик бўлишни юклади. Бу бечораларни завод-фабрика, дўкон, шахта ва кўчаларга тушириб юборишди. Бирон бир енгил-оғир ишлар қолмадики, эркак ва аёл орасидаги тенглик тўла бўлиши учун тортишмаган бўлса. Вазирликлардан тортиб, кўчаларни супуриб тозалашларгача. Бу ишлари билан аёлга зулм ва жиноят қилишди.



Аёлни енгил ишлар билан машғул қилиш

Аёлларнинг тузилиши заиф, эркакдан кўра кучсиз бўлгани учун, уни енгил ишларга жавобгар қилиб қўйишди. Йўлларни супириш, оёқ-кийим тозалаш, хожатхоналарни ювиб-тозалаш, аэродромларда ва тўкиш дастгоҳларини ишлатиш, заводларда пахтадан ип йигириш ёки овқатлар пишириш, ошхона-кафёларда идиш-товоқ ювиш ва булардан бошқа оғир бўлмаган вазифаларни юклашади. Европа шаҳарларида ҳам меҳмонхона ва ошхоналардаги асосий ишчилар аёлларни ташкил қилади. Аэропорт ва бошқа жамоат жойларининг тозаловчилари кўпинча аёллар, ҳукумат ва расмий доираларда ҳам аксарият аёллар... Бунга сабаб жамиятнинг ярми ёки ундан кўп қисмини аёллар ташкил этади. Вазирликлар ва давлат идоралари эса саноқли ҳисобланиб, ҳамма аёллар ҳам вазир ёки бирон доира раиси ёки депутатлар мажлисида депутат бўлавермайди. Балки ўзининг тоқати ва қудратига муносиб вазифа топиб беришлари керак бўлади. Ҳозирги вақтда аёлларни бирон вазифага ишга депутатлик кириш ё палицияга ишга киришининг енгилроқ йўли бўлмагани учун аёлни шу ишларга жалб қилишади, буларнинг бирортаси хизмат-меҳнат майдонидан ташқарига чиқмайди.

### **Аёл кишини ўз мамлакатидан аста-секин тортиб туриш**

Аёл киши ўз уйининг маликаси ҳисобланиб, уй ва фарзандлар унинг ихтиёрида эди. Унга: «Бу зулм ва ҳаққингни поймол қилишдир. Сен эркак билан тенг юришинг керак токи, жамиятнинг ярми ажралиб қолмасин», деб айтишди. Шу сўзлар билан уни иш ва амаллар машаққатига солиб, ҳаёт лўқмасини ундан қизғониб улоқтиришди.

Энди аёл оғир юкларни кўтара олмагани, тоғ ёролмагани, шахталардан темир ва бошқа маъданларни чиқаролмагани, дуру гавҳарларни олиб чиқиш учун денгизларга шўнғий олмагани учун уни арзимас ҳақир ишлар билан манзиллар ва ошхоналарда хизматкорлик ё биржаларда ишлаш ёки шаҳарлар хавфсизлиги хизматларида ёки эркаклар билан дўконларда савдо-сотик қилиш каби ишлари билан таъминлаб беришди. Ўзининг ҳаёт лўқмасини ўзи топиши учун. Буларнинг ҳаммаси оила ҳуқуқидан ташқаридадир.

### **Аёл авлод тарбияси билан шарафлидир.**

Аёл учун афзалроғи ва муқаррамроғи фарзандлар тарбияси, уй ва эрининг хизмати билан шуғулланиб, мард эркаклар етиштириб, оила ишларини идора қилишдир. Бу аёллик иффатини хатарга соладиган жойларда хизматда бўлишидан яхшироқдир.

«Янгича жоҳилият» аёлнинг елкасига кўтариши қийин ва табиатига тесқари келадиган ишларни юклаб ташлади. Аёллар эркаклар кўтара олмайдиган машаққатли ишларни кўтаришини, фарзанд тарбияси ва уларни ҳаётга тайёрлаш, йўналтириш каби вазифалари борлигини эсдан чиқариб қўйишди.

Қуйидаги сўзларни айтган одамни Аллоҳ раҳматига олсин:

Она мадрасадир, тайёрласанг уни,

Тайёрлабсан гўзал ирқлар халқини.

Онанинг уйдан кўчага чиқиши оила ва жамият биносининг бузилишига сабаб бўлди. Бозорларда ишлаш ёки кўчаларда тентираб, ўзининг зийнат-тақинчоқларини кўз-кўз қилиб юрган аёлларни кўрамыз. Улар бегона кишиларни ўзларига жалб қилиш учун, болаларини нодон тарбиячи ва хизматкор аёлларга ташлаб кетишади. Шоир айтади:

Боғларда ўсимлик ўсмас,

Ўсган каби адирда.

Фарзандлар камол топмас,

Нокис аёл бағрида.

Шак-шубҳа йўқки, бундай шароитда болалар ҳайдалган етим болаларга ўхшаб улғайишади. Ҳаётдаги фасод-бузғунчилик сабаблари жиноят қуролига айланишади. Бунга

сабаб улар уйда соғлом тарбия олмаганликларидандир. Куйидаги сўзларни айтганга Аллоҳ барака ато этсин:

Етим у эмасдирки, ота-онаси,  
Ҳаёт ғам-аламидан ўтиб кетсалар.  
Балки етим шудирки, ота-онаси,  
Уйдан ташқарида машғул бўлсалар.

Аёлни алдаш ва унга нисбатан макр қилиш

Бу «жарчилар»нинг садоқати – бўрининг қўйга бўлган садоқатига ўхшайди. Унга меҳр-мурувватни зоҳир қилиб, тиш-тирноқларини яширади. Аслида унинг мақсади ожизани овлаб, тилка-пора қилиш. Унинг кўз ўнгида муҳаббат ва меҳрибонлик кўрсатиб, асалдек ширин сўзлар айтади.

Уни гўзал сўзлар билан алдарлар,  
Гўзалларни мақтовлар ғурурлантлар.

«Инсон бўрилари» аёлларга нисбатан ваҳший ҳайвон бўрилардан кўра хавфлироқ бўлиб, аёл охир-оқибат уларнинг қурбонга айланади.

«Ваҳший бўри» қўйдан фақат гўштини ирода қилади, инсоний бўри эса қизнинг гўшtidан анча қадрлироқ ва қимматлироғини хоҳлайди. Унинг мақсади – қизнинг номуси ва иффатидир. Мана шу мақсадига эришиб олгач, унга худди ит ва бошқа йиртқичларга қилинадиган муомалани қилади.

Айтаман: Бу ерда биз эркакни ҳимоя қилмоқчи эмасмиз, чунки у ҳақиқатда золим, тажовузкор ва Ислом таълимотини билмаслиги сабабли мустабиддир. Биз Исломдаги аёлнинг ҳақиқий мартабаси ва ҳақлари поймол қилиниб ерга урилганини, янгича жоҳилият унинг ҳурматини «жинслар тенглиги» ва «аёл ҳақларини ҳимоя қилиш» шиори остида топтаганини билган ҳолда, Ислом уни қандай иззат-икром қилишини баён қилиб бермоқчимиз.

### **Жавобини билишимиз керак бўлган савол**

Шу ерда «аёл халоскор»ларига бир савол туғилади: эркак ва аёл, ҳар икковининг орасида тўлиқ тенглик имконияти борми, улар аёлга эркакдаги бор ҳуқуқларни бериш кераклигини талаб қилишса?! Ўки бу «аёл эркинлиги» ва «унинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш» пардаси остидаги анави таъмагирларнинг аёлни ҳаёт дўзахининг алангаларига, бузғунчилик ва бузилишга улов бўлиб бериши учун ташлаш мақсадида тўқиган адаштирувчи сафсатаасими?!

Фосиқнинг давосини, воқеа-вазият ёлғонга чиқариб турибди ва фитрат табиат ҳам уни рад этипти. Табиийки, соғлом ақл эгаси ҳам уни тан олмайди. Чунки эркак аёлдан ҳар томонлама фарқли, шаклда бўлиб, яратилиш таркибида ва жисмоний-ақлий қувватида фарқли шаклда бўлади. Худди шундай аёл ҳам эркакдан сурати, шакл-қомати, ҳатто товуши ва Аллоҳ таоло яратган тана тузилишларида фарқланади. Уларнинг орасида яратилиш ва таркибий жиҳатдан катта фарқ бор бўлса, қандай тенглик бўлиши мумкин?

Эркакни Аллоҳ таоло жисмонан қувватли, катта куч, машаққатларни кўтаришга қодир ва сабрли қилиб яратди. Унга асосий нарса ҳаётда тирикчилик учун елиб-югуриши учун чайир мушаклар, жисмоний қувват ато этди. Ақл ва жисмда бақувват қилиб яратди. Токи ҳаёт машаққатларига қарши кураша олсин, тинмай ишлаб, меҳнат қила олсин ва бу ишларда хавф ва қийинчилик кўрмасин.

### **Эркак кўтара оладиган машаққатларни аёл кўтара оладими?**

Эркак кўтариши мумкин бўлган оғирликларни кўтаришга қуввати етадими? Тош-кўмир казиб чиқариш ёки ер қаъридан темир чиқариш, тош кесиш, денгиз тубларидан дуру гавҳар чиқариб олиш учун шўнғишни эплай оладими?

Аёл киши латофат-нозикликка, эркак эса қўполлик-қаттиқликка моил, аёлнинг ҳатто товуши ҳам эркакларникидан юмшоқ ва нозикроқ, қуввати ҳам эркакникидан анча заиф ва албатта, бардоши ҳам эркакникидан камроқдир.

Ўш болага эркак киши кўтарадиган юкни юклаб қўйиш адолат ва инсофдан бўлмаганидек, ожизага, бақувват кишилар кўтара оладиган нарсани юклашимиз зулм бўлади.

Аллоҳ таоло аёлни ўта кўнгилчанлик ва меҳрибонлик билан сифатлаб, болалар тарбияси ва риояси учун хослаб қўйди. Наҳотки аёлнинг кўнгилчанлик ва меҳрибонлигини йўқотиб, болага қарамайдиган ва эмизиклик гўдакка меҳр кўрсата олмайдиган даражага тушуриб қўйишимиз керак. Эркакда ақл ҳам кўнгилчанлик ҳам бор, аммо унинг ақли кўнгилчанлигидан кўра устунроқ. Худди шундай аёлда ҳам ақл ва кўнгилчанлик бор, аммо унинг кўнгилчанлиги – қалбининг ҳиссиёт буйруғига бўйсунуши ақлдан кўра анча юқори бўлади. Бунинг ҳикмати юқорида зикр қилиб ўтилди.

Демак, агар биз икки жинс орасида тўлиқ тенгликни ирода қилсак, эркак ва аёлнинг юқорида санаб ўтган, ўзаро ҳамма фарқларини йўқ қилишимиз керак бўлади. Токи тенглик ҳақиқий тўлақонли бўлсин. Акс ҳолда, бу даъво ғирт бемаънилик ва алахсираш бўлиб қолади.

Нима учун биз аёлни уй ишларини ҳам, кўча ишларини ҳам кўтаришга мажбурлаб, бу юкни эркакка юкламаймиз?! Аёл ҳомиладор бўлади, туғади ва эмизади. Бунинг ҳаммаси унинг соғлигига зарар етказиб, қувватини камайтиради. Шундай экан, нима учун эркак унга ҳомила, туғиш ва эмизишда шерик бўлиб аёл кўтаргандек қорнида бола кўтариб, аёлга ўхшаб чақалоқ эмизмайди?!

Эркак аёл ҳомиладор бўлганидек ҳомиладор бўла олмайди, аёл тукқанидек туға олмайди ва табиийки эмизиш ҳам қўлидан келмайди, чунки бу нарсалар аёлнинг хусусиятларидир. Биз бу қийинчиликларни енгиллатиб ёки Аллоҳ аёлнинг табиатига хослаб қўйган ҳаёт қонуни ва низомини ўзгартиб беролмаймиз.

Айтамызки: Шундай экан қандай қилиб бу фикрларни кўриб турган ҳақингизда тўлиқ тенгликни, аёл эркакка ҳамма ишларида шерик бўлишни талаб қиласиз? Бу аёл уй ва кўча ишини бажариши, сиз унга яна ўзингиз кўтара олмайдиган о'ир юкдан бир қисмини «илиниб» эзишингиз зулм ва душманлик эмасми?

Эй «аёлга ёрдамчи»ликни даъво қиладиганлар, эй унинг поймол этилган ҳуқуқига эришиш учун унга инсоф қилиш шиори остида аёлларга йиғлайдиганлар ва ўзингизни жинс орасидаги тенгликни ҳисоблайдиганлар! Юзингиздаги пардани олиб, ўз ҳақиқатингизни ўткир тиш ва тирноқларингизни кўрсатинг, чунки сиз аёлни овламоқчи бўлган, ўзларингизни «аёлни ҳимоя қилиш» ниқоби остида шундай ифлос, макр йўл билан паст шаҳватларингизни қондирмоқчимисиз?!

### **Ислоннинг аёлни ҳурмат қилишнинг кўринишлари**

Ислон аёлни турли кўринишлар билан ҳурматлайди. Биринчидан, унинг инсонлигини эътироф қилиб, эркак билан ҳурмат ва инсонийликда тенг қилиб қўйган. Аллоҳ таоло айтади:

«Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, бас, Биз унга покиза ҳаёт ато этурмиз» (Наҳл сураси, 97)

Аллоҳ субҳанаҳу айтади:

«Бас, Парвардигорлари уларнинг дуоларини ижобат қилиб (деди): «Албатта Мен сизлардан бирон амал қилгувчи эркак ё аёлнинг амалини зое қилмагайман. Зеро, бировингиз бировингиздандирсиз (яъни, эркак аёлдан, аёл эркакдан дунёга келган)» (Оли Имрон сураси, 195)

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганлар: «Аёллар эркакларнинг туғишган опа-сингилларидир».

Аллоҳ таоло «аёл ҳуқуқи»ни қонунлаштирган вақтда Қуръондаги энг узун суралардан бўлмиш, Нисо сурасини нозил қилди ва «ҳикматли услуб» дея номлади.

«Эй инсонлар, сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтани (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Парвардигорингиздан кўркингиз!» (Нисо сураси, 1)

Аёл ва эркаклар бир-бирига бегона эмас. Ва улар Қуръоннинг очиқ-ойдин ҳужжатларида келтирилганидек бир жондан яратилган ва аёл эркакнинг бир бўлагидир.

«Ва ундан жуфтани (Ҳаввони) вужудга келтирган» (Нисо сураси, 1).

«Ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган» (Нисо сураси, 1)

Ислоннинг аёл кишига нисбатан иззат-икромининг яна бир кўриниши – унга меҳр-шафқат ва чиройли муомалада бўлишга буюради, чунки у ёш бола кабидир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: «Кимнинг оиласида аёли, опа-сингиллари ёки қизи бўлса-ю, уни тириклайин кўмиб юбормаса ва уни енгил санамаса Аллоҳ ундай кишини жаннатга киргизади» Абу Довуд ривоят қилганлар.

Оиша (р.а.) Набий (с.а.в.)дан ривоят қилдилар. Набий (с.а.в.): «Кимки шу қизлардан бирор нарса (яъни, бирортаси) билан синалса ва уларга эҳсон-яхшилик қилса, қилган яхшиликлари оловдан (дўзахдан) тўсиқ бўлади», дедилар.

Оиша (р.а.) ривоят қилишларича, уларнинг ҳузурларига бир аёл икки қизи билан келиб садақа сўраган. Оиша (р.а.) айтадилар: Олдимда бир дона хурмодан бошқа ҳеч нарса топа олмадим ва шу хурмони аёлга бердим. У хурмони иккига бўлиб қизларига бериб ўзи емади. Аёл чиқиб кетганидан сўнг Набий (с.а.в.) келиб қолганларида у зотга бу нарса ҳақида хабар бердим. Шунда Набий (с.а.в.) юқоридаги ҳадис айтдилар.

Абу Довуд «Сунан»ларида «Ким учта қизни ёки уч сингилни вояга етказиб, тарбиялаб, яхшилик қилиб, уларни эрга берса, бас, у учун жаннат (бордир)», деган ҳадисни келтирган.

Аёл-хотининглар гўзал муомалада бўлиш талаб қилинади. Аллоҳ таоло айтганидек: \$\$\$

«Улар билан хушмуомала бўлиб, тинч-тотув яшанглар. Агар уларни ёмон кўрсангизлар ҳам (сабр қилиб иноқ ҳолда яшайверинглар). Зеро, сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин» (Нисо сураси, 19)

Қуръони каримнинг маъноларида: «Агар улар (дан бирор иши)ни ёқтирмасангиз, талок қилинг», дейилмади, балки насихат қилиб, тўғри йўлни кўрсатиб беришимиз зарурдир:

«Улар билан хушмуомала бўлиб, тинч-тотув яшанглар. Агар уларни ёмон кўрсангизлар ҳам (сабр қилиб иноқ ҳолда яшайверинглар). Зеро, сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин» (Нисо сураси, 19)

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтадилар: «Аёлларга яхшилик қилишни ўзингизга лозим тутинг, чунки аёл қовурғадан яратилгандир. Қовурғанинг қийшиқроғи унинг юқорисидир. Уни тўғирлайман десанг, синдирсан, ташлаб қўйсанг қийшиқлигича қолади. Бас, аёлларга яхши муомалада бўлинг. (Бухорий ривоятлари).

Бу ҳадис ўхшатиш бўлиб, тўғридан-тўғри тушунилмайди, шунинг учун ҳам: «...уни тўғирлайман десанг синдирасан», дейилапти.

Бухорийдан ривоят қилган бошқа бир ҳадисда: «Аёл қовурғага ўхшайди, уни тўғирласанг синдирасан ва ундан фойдалансанг қийшиқ ҳолида фойдаланасан», бошқа бир ривоятда: «... ва унинг синиши талоғидир», дейилади.

Ислон ўз аҳлига чиройли муомалада бўлганларни инсонларнинг яхшиси, деб номлаган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтдилар: «Яхшиларингиз – ўз аҳлига яхшиларингиздир ва мен сизларнинг ичингизда аҳлимга яхшиларингиздирман» (Термизий ривояти)

Ислон аёлга берган баҳонинг юксакроғи – солиҳа, тақводор аёлни эркак бу ҳаётда топиши мумкин бўлган энг «қимматбаҳо хазина» деб номлашидир. Набий (с.а.в.) айтдилар: «Сизларга эркак жамғариши мумкин бўлган энг яхши нарса ҳақида хабар берайми? У Солиҳа хотиндир, агар унга қараса, хурсанд қилади, буюрса итоат қилади ва агар сафарга чикса унинг моли ва шаънини ҳимоя қилади».

Тўртинчидан, Ислон аёлни ҳурмат қилиш, улуғлаш ва унга яхшилик қилишни буюради. У яна она ҳамдир. Аллоҳ таоло айтди:

«Биз инсонга ота-онасини (яъни, уларга яхшилик қилишни) амр этдик. Онаси унга ожизлик устига ожизлик билан ҳомиладор бўлди (яъни, қорнидаги ҳомила каттарган сари

онанинг ҳоли қуриб, заифлаша борур) уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (келур). (Биз инсонга буюрдикки), «Сен Менга ва ота-онангга шукр қилгин!» Ўлғиз Ўзимга қайтажаксан!» (Луқмон сураси, 14)

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан жиҳод хусусида маслаҳат сўраган кишига, онасининг хизматини қилувчи ҳеч ким йўқлиги сабабли онасига қараб, яхшилик ва хизматини қилишга ўзларининг улуғ, фазилатли кўрсатмалари билан йўналтирдилар. Бир киши Набий (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Эй Расулуллоҳ, жиҳодга бормоқчиман, сиз билан маслаҳатлашгани келдим», деганида, унга: «Онанг борми?» дедилар. «Ҳа», деб жавоб берди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Онангни лозим тут, чунки албатта жаннат унинг оёқлари остидадир».

Бу аёлга яхшилик қилиш бўлиб, фақат мусулмон онагагина тааллуқли бўлмай, балки мушрикага ҳам алоқадордир. Аллоҳ таоло айтади:

«Агар улар (яъни, ота-онанг) сен ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да), дунёда яхши муомалада бўлгин ва ўзинг менга ижобат – тавба қилгин кишиларнинг йўлига эргашгин!» (Луқмон сураси, 15)

Асмо бинту Абу Бакрдан (р.а.) айтдилар: «Олдимга онам келдилар, улар Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида мушрика эдилар. Эй Расулуллоҳ, онам олдимга рағбат билан, яъни, мендан яхшилик ва эҳсон умидида келибдилар, улар билан бирга бўлаверайми?» дедим. «Ҳа, онанг билан бирга бўл», деб жавоб бердилар («Сунан» соҳиблари ривояти).

Аёл киши дини келмасдан аввал қандай ҳаёт кечирганига, унга қандай муомала қилинганига ва жоҳилият ҳаётига назар ташламай туриб Исломнинг афзалликларини англаб бўлмайди. Аёл киши жоҳилият даврида хор қилинган ҳамда зулм ва хорликнинг ҳар турлиларини бошидан кечирган... Унга бахтсизлик ва фожеа деб қарашган. Ёиз фарзанд тузилганлиги ҳақидаги хушxabарни эркакка етказишганда аҳволи ўзгарганлиги ҳақида Ёуръонда тасвирланиб берилган.

«Қачон бировларига қиз (кўргани ҳақида) хушxabар берилса, ғазабга тўлиб, юзлари қорайиб кетар» (Наҳл сураси, 58)

«Тириклай кўмилган (ҳар бир) киздан қандай гуноҳ сабабли ўлдирилгани сўралганида;» (Таквир сураси, 8, 9).

Ибн Аббос (р.а.) айтадилар: «Агар сени жоҳилиятдаги арабларнинг аҳволи қизиқтирса, Анъом сурасининг 130-оятидан кейингиларини ўқи!»

«Шунингдек, шериклари – бутлари мушриклари ҳалок этиш ва динларини чалкаштириб юбориш учун улардан кўпларига ўз болаларини ўлдиришни (яъни, ўз бутлари учун қурбон қилишни) чиройли кўрсатиб қўйди» (Анъом сураси, 137).

«Ўз болаларини ақлсизлик, билимсизлик билан ўлдирган ва Аллоҳга тухмат қилиб Аллоҳ берган (ҳалол) ризқни ҳаром қилиб олган кимсалар муҳаққақки, (ўзларига) зиён қилдилар, Улар аниқ адашдилар ва Тўғри Йўлга юргувчи бўлмадилар» (Анъом сураси, 140).

Аллома Қуртубий бу оятнинг тафсирида – фожеали, аламли қиссани – зикр қилдилар. «Набийнинг (с.а.в.) саҳобаларидан бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида ғамгин ҳолда ўтирарди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сенга нима бўлди, қайғудасан?» деб сўрадилар. «Эй Расулуллоҳ (с.а.в.) мен жоҳилиятда бир гуноҳ қилганман. Исломни қабул қилган бўлсам ҳам Аллоҳ бу гуноҳимни кечирмайди, деб кўркаман», деди. «Гуноҳинг нима эди?» деб сўрадилар. У киши: «Мен қизларни тириклайин кўмадиганлардан эдим, аёлим менга бир чиройли қиз туғиб берди. Унинг ор-номусидан халос бўлиш учун уни кўймоқчи бўлгандим, онаси йўлини тўсиб: «Уни менга қолдиринг, тарбиялаб, улғайтирай», деди. Уни унга қўйиб бердим, ҳаттоки у катта бўлиб, баъзи кишилар никоҳларига сўрашди. Шунда ичимга шайтон кириб, унинг онасига: «Баъзи қариндошларимни кўриб келмоқчиман. Уни кийинтириб, зийнатла, ўзим билан олиб кетаман», дедим. Шунда қизчани онаси кийинтириб, тақинчлоқларини тақди ва уни ўзим билан саҳрога олиб кетдим. Саҳрода бир ташландик қудукни кўриб, қизимни ўша қудукқа ташлашга чоланганимда йиғлаб: «Эй отажон, онамнинг васиятларини зоеъ қилманг», деди. Унга раҳмим келиб қўйиб юбордим. Кейин шайтон ичимга иккинчи марта кириб, қизни қудукқа ташлаш учун яна тутдим. Қизим йиғлаб,

ташламаслигимни ўтиниб сўради, кўйиб юбордим. Сўнг шайтон учинчи марта ичимга кириб йўлдан оздирди. Уни тутиб орқаси билан қудуққа улоқтирдим, ҳатто товуши ўчди. Шундан кейин ўзимдан ор-номусни ювиб ташладим, деган хаёл билан уйимга қайтдим». Бу ҳикояни Расулulloҳ (с.а.в.) ва у зотнинг саҳобалари (р.а.) эшитиб йиғлашди. Расулulloҳ (с.а.в.) айтдилар: «Агар бирортани жоҳилиятда қилган гуноҳи учун жазолаган бўлганимда, албатта сени жазолаган бўлардим» (Қуртубий тафсири)

Аллоҳ таоло айтади: «Тириклай кўмилган (ҳар бир) қиздан қандай гуноҳ сабабли ўлдирилгани сўралганида;» (Таквир сураси, 8–9)

Араблар қизларни ёқтирмас ва фаришталарни Аллоҳнинг қизлари, деб эътиқод қилишарди. Улардан бири қизлик бўлса, уни кўмиб ор-номусдан қутилишга ҳаракат қилардилар. Улар: «Фаришталар Аллоҳнинг қизлари, демак, қизларни қизларга кўшиб юборинглар...» деб айтарди. Қандай аҳмоқона, калтафаҳм нуқтаи-назар ва очиқ залолат!

Қиз фарзанд Аллоҳнинг бандаларига берган неъматларнинг ичида энг улуғидир. Лекин жоҳилият давридаги кишиларнинг назарида қизлар мусибат, офат келтирувчи деб ҳисобланган.

Бундан ташқари аёл, худди мол-мулкка ўхшаб мерос бўлар, агар ўлса, унинг яқин қариндоши аёлни худди мерос сингари ўзига оларди. Бу хусусида Қуръонда қуйидаги сўзлар нозил бўлган:

«Эй мўминлар, сизлар учун хотинларни мажбурий ҳолда мерос қилиб олиш дуруст эмасдир. Ва (агар бирга яшаш ниятингиз бўлмаса), берган маҳрларингизнинг бир қисмини қайтариб олиш учун хотинларингизни (бошқа эрга тегишдан) тўсиб туриб олманглар!» (Нисо сураси, 19)

Маъноси: «Эй иймон келтирганлар, сизларга аёлларни (жоҳилиятда бўлгани каби) мажбуран мерос қилиб олишингиз ҳалол бўлмайди ва уларни, уларга берган нарсаларингизнинг баъзисини (маҳрини) олишингиз учун уларни азл қилманглар (эрга тегишдан тўсиб қўйманглар)...»

Ибн Аббос (р.а.) айтадилар: «Жоҳилиятда эркак ўлса, унинг волий-қариндошлари аёлига ҳақлироқ бўлар эдилар. уларнинг бирортаси хоҳласа унга уйланарди, хоҳлашса бошқа бир кишига эрга бериб, маҳрини олишар ва агар хоҳлашса уни эрга тегишдан манъ қилиб қўйишар эди. Шу сабабдан юқоридаги оят нозил бўлди» (Ибнул Жавзийнинг «Зодул масир» тафсири)

Бизнинг «янгича жоҳилият»имиздаги аёл чиройлироқ ҳолда, қадимги жоҳилиятдаги аёлларга нисбатан бахтлироқ эмас.

Ўзирги пайтда аёлнинг иззатини ва инсонийлигини тириклайин кўмишган. Эркак учун ўйналадиган кўғирчоқ бўлиб, жоҳиллар у билан вақтларини чоғ қилиш. Бу ҳол худди ёш болалар кўғирчоқ ўйнаганга ўхшайди. Уни яланғоч ё яланғочсифат қилиб журналларга тамоша қилишлари учун чиқариб қўйишади. Эркаклар ғаризаларни кўзгатадиган шарманда шаклда, илм-фан ёки гўзаллик баҳоналари билан расмларини чизишиб, унинг суратларини кийим-кечак дўконларига, китоб сотиладиган расталар, меҳмонхоналар ва бошқа ҳар хил дўконларга, ҳатто ҳаммомларгача қўйиб чиқишган. Бунга унинг гўзал ва латофатлигини баҳона қилишади. Яна гўзаллик маликаси деган фикрни ҳам ихтиро қилишган, бўлиб «Пахта гўзаллик маликаси» ё «Ипак гўзаллик маликаси», «Баҳор гўзаллик маликаси», «Латофат-гўзаллик маликаси», «Куз гўзаллик маликаси» деган сўзларни атрофдан эшитамиз. Ҳозирги вақтда «гўзаллик маликалар»и орасида эркакларнинг боши айланиб кетади.

Айтингчи, бу ишлар аёлни ҳурмат қилишми ёки унинг назокатидан фойдаланиб, унинг иззатини оёқости қилишми?

Улар аёлни бу ялтир-юлтир лақаблар билан алдаб, овламоқчи ва ундан ўзларининг ифлос, бузук ниятларида фойдаланмоқчи бўлишади.

Ўзларини «аёл дўстлари» деб номлайдиган аёл душманлари аёлларни бозорга, савдо расталарига, адлия органлари, полицияга, ҳамма иш жойларини эгаллашини овоза қилишади. Ўпканинг бир бўлаги ажралиб қолмасин деб, эркаклар билан ёнма-ён ишлаб, улар ихтисосликларига араллашиб, завод, савдо, ҳукумат доиралари, баъзан секретарлик лавозими,

баъзи муассасаларга мудира ё вазир ёки депутат ва бошқа ишлар билан шуғуллансин, деб жар солишади. Улар ҳақиқатда аёлни икром қилишадими ёки хор қилишадими?!

Мана бу янгича жоҳилиятдаги «аёл халоскор»ларининг аёл хурматига нисбатан нуқтаи назари. Бу аёлга нисбатан Ислоннинг ҳақ таъминотларидаги ва буюк аҳкомларидаги хурмати ва ҳақиқий эъзози олдида ҳеч нарса эмас.

### **Баҳсининг яқуни Аёллар йиғилишларида – эркаклар ва шоир Тийбаниннг қасидаси**

Баҳсимизнинг хотимасида уйланаётган йигитларга аёллар хусусида Аллоҳга тақво қилишини насиҳат қиламиз. Аёлларига муомалада ва турмушда яхшилик қилиб, мақсади Аллоҳнинг розилиги бўлиб, фаҳм ва шармандалиқдан эҳтиётда бўлишсин. Чунки аёлларнинг ўзларининг йиғинлари бор, у ерда эрлари хусусида сўзлашади, худди эркаклар ўз йиғинларида аёллари ҳақида сўзлашганидек. Ҳар бир аёл эрининг табиати ва аёлига бўлган яхши-ёмон муомаласи ҳақида сўзлайди. Қуйида биз келтирадиган қисса мана шу аёллардан бирининг уйида йиғилган ва эрларининг яхши-ёмон сифатлари ҳақида айтиб беришга аҳдлашган ўн битта аёл ҳақидадир. Уларнинг эри ва ўзи ўртасидаги пардани олиб ташлаб, унинг ахлоқи, табиати, ўзига бўлган муомаласи ҳақида, шу жамоаси ичида гапириб беради. Бу ривоят қилинадиган ҳадисни Имом Бухорий саҳиҳларида «Аҳли-аёлга чиройли муомала боби»да ёритиб берганлар. Ҳадиси шарифнинг матнини ибрат учун эътиборингизга ҳавола қиламиз.

### **Ҳадиси шариф матни**

Оиша розийаллоҳу анҳо айтдилар: «Ўн бир аёл иштирок этган мажлисда ўтирдим. Улар эрлари ҳақида ҳеч нарсани яширмай гапириб беришга аҳдлашиб олдилар.

Биринчиси айтди: «Эрим қия тоғ бошидаги ориқ туя гўштига ўхшайди. Осонмас-ки чиқилса, семизмас-ки олишга арзиса. (Эрини ориқ туя гўштига ўхшатапти, у чиқиш қийин бўлган тоғнинг бошига қўйилгандек. Инсон унга машаққатсиз етолмайди, гўшти ҳам семиз эмаски, ҳаракат қилса. Тоғнинг ҳам йўллари осон эмас, чиқаман деса қўп захмат чекади. Эрини ёмон хулқи сабабли яхшилиги кам, яхшиликлардан узоқда, деб таърифлаяпти Бу сўзлари билан эри ёмон, унда яхшилик йўқлигини ирода қиляпти)»

Иккинчиси айтди: «Эримнинг хабарини берсам, тўхтаётган олмайманми, деб қўрқаман. Ундан фақат камчилик ва хатоларини гапираман. (Камчилик ва хатоларидан мурод ички ва ташқи айб-нуқсонларини айтмоқчи: «мен у ҳақда гапиролмайман, чунки айблари санаб бўлмайдиган даражада қўп, айблари ва қабихликларини санаб тугата олмайман деб қўрқаман, деб эрининг зоҳирий ва ботиний айблари қўп ва яхшилиги йўқлигини ирода қиляпти)».

Учинчиси айтди: «Эрим «ашаннақ», гапирсам бўламан талоқ, жим турсам қоламан муъаллақ («ашанноқ» – жуда ҳам узун бўйли) (Эрини ҳаддан ташқари узун ва ҳаддан ташқари аҳмоқ, деб таърифлаяпти. Агар айбларини зикр қилса, талоқ қўйиб юборади ва калтафаҳм, аҳмоқлигини гапирмай жим бўлса, на тулга ва на эри бор хотинга ўхшамай, муаллақ қолади. Унинг ҳам эри юқориларникидай ёмон, яхшилик йўқ. Бўй бору, ақл йўқ).

Тўртинчиси айтди: «Эрим Тихома (жойнинг номи)нинг кечаси каби. Иссиқ ҳам, совуқ ҳам, хавфли ҳам эмас, зерикарли ҳам эмас. (Бу аёл эрини мактаб, Тихома тунларига қиёс қилмоқда. Чунки у ерда тунлар мулойим, мўътадил, димлик ҳам, совуқлик ҳам йўқ, худди шундай, эрининг ахлоқи гўзал, аёлига муомаласи яхши) Ибн Ҳажар «Фатҳ»да айтадилар: «Эрини гўзал муомала, мўътадил ҳолат (табиат) билан васф қилди ва ботини (ички дунёси) ҳам саломатлигига ишора қилди. У айтмоқчики: «Хулқи ёмон эмас, у билан бирга зерикмайман, чунки мен у билан худди Тихома аҳллари мўътадил тунлари билан лаззатланганларидек, лаззатли ҳаёт кечирмоқдаман» (Бу ўта баловатли (қисқа ва ойдин) мактов. Эрини гўзал турмуш ва муқаррам ахлоқ билан мақтамоқда)

Бешинчиси айтди: «Эрим кирса қоплан, чикса арслон, аҳд ҳақида асло сўрамайди». (Эрини шижоат ва душманларга йўлиқишда қоплон ва шерга ўхшатыпти, лекин у аҳли оиласи аҳволи ҳақида сўрамай, ишларига қарамайди, шу томонлама қосирлиги бор) Демак, эрини бир жиҳатдан мактаб, бир жиҳатдан қоралайпти)

Олтинчиси айтди: «Эрим еса семиради, ичса семиради, ухлашга ётса, ҳар томонга юмалайди, дардимни билиш учун кафтимга қўл солмайди. Овқат еса, ичимлик ичса, дастурхонда бирор нарса қолмайди, ухласа кийимларига бурканиб, аҳли аёлига орқа қилиб қотиб ухлайди, аёлининг дарди, ғам-алами нималигини билишга қўл чўзмайди. Бу ёмонлашнинг юқори чўққиси. (Уни очкўз, уйқучи, аҳлига нисбатан яхшилиги йўқ, деб таърифлаяпти»).

Еттинчиси айтди: «Эрим ё дудук, ё адашган ё ёпик. Ҳамма дард унга ҳамдард. Ў сени ёради, ё синдиради, ё сенга ҳаммасини йиғлаб таттиради» (Эрини тили чучук, фасохатсиз, ишларида худди зулматда юргандек адашиб юради, саодат сари йўлни англай олмай, тўғри текис йўл топа олмайди, деб таърифламоқда. Бу унинг яратилиш табиати, энди хулқи ва аёлига муомаласи хусусида жирканч, разил ва кўп касал бўлишига қарамай аҳлига доим ёмон муомалада бўлади. Уни урганида ё бирор жойини ёриб, ё синдириб ташлашига оз қолади. Бу қабихлик ва жирканчликнинг учига чиққан ҳолати). Эрини калтафаҳмлик ва аҳмоқлик билан, ёмон сўз ва ишлар билан таърифлаяпти, чунки у ахлоқи ёмон, табиати қабихлик маразликда учига чиққан.

Саккизинчиси айтди: «Эрим ушлаши «арнаб», ҳиди эса «зарнаб» (Бу эрини макташ бўлиб, хулқи юмшоқ, турмуши гўзал ва кийимлари ва терисининг ҳиди ширинлиги билан «зарнаб»га ўхшайди. Зарнаб – ширин ҳидли ўсимлик. Сўзларининг юмшоқ ва латофатлилиги, табиатининг ҳаловатлилиги бўйича «арнаб» қуён ушлашга ўхшайди.) Бу момиқ табиат ва муқаррам хулқ ва гўзал муомаладан киноядир.

Тўққизинчиси айтди: «Эрим устунлари соз, бўйлари дароз. Ёўллари тошқин, уйлари чакирувчига яқин» (Эрини шараф, юқори мартаба ва мансаб билан таърифлаяпти. Шу билан бирга сахий, меҳмондўст, чунки кулларнинг кўплиги ўчоқда олов кўплигини билдиради. Оловнинг кўплигини бу эса таомнинг кўплигига, у эса меҳмонларнинг кўплигига далолат қилади. Бу юқори мансаб ва кенг имконият ва сахий-қаримликдан киноядир.

Ўнинчиси айтди: «Эрим жуда ҳам мулкдор. У мулкдорликда қолганлардан ўтар. Жуда кўп туяси бор, жуда кам ўтлар. «Уд» товушини эшитса, ўламан деб додлар» (Эрини мактаб айтяпти, у юқоридаги эрларнинг ҳаммасидан яхшироқ. «Жуда ҳам мулкдор» деган сўздан мурод – ишлари ва шаънини улуғлаб, мактайди. Яна эрининг меҳмондўстлигини таърифлаб, шу нарсани туялари ҳолатига мисол қилиб келтиряпти, улар ташқарида ўтлаб юрмай, кўпинча ҳовлиси ичида туриб, меҳмонлар учун мўлжалланган. Ва агар унинг уйига меҳмон келса, иззат-икром кўрсатиб туяларидан бирини сўйишга шошилади. Туялар ҳам чолғу товушини эшитса, сўйилиши ва гўшти овқат бўлиб, меҳмонларга тортиқ қилинишини билиб типирчилаб қолади. Бу ўта сахийлик белгисидир) Уни ҳамма юқорида ўтган эрлардан кўра яхшироқ, деб таърифлаяпти. У бой, мол-мулки ва меҳмони кўп, меҳмонлар учун жонлик сўйишдан қочмайди.

Ўн биринчиси айтди: «Эрим – Абу Заръ. Қандайин ҳам Абу Заръ? Зирак ила қулоғимни туширди, ёғ ила билагимни пиширди. Мени хурсанд қилиб, руҳимни шодлади. Мени ғанимат аҳлидан олди-ю, кейин мени кишнаб ўсган ва қуриллаганлар аҳлига солди. Унинг хузурида сўзлайман, ухлайман, тонг оттираман, ичаман, чанқоғимни қондираман». (Айтмоқчики: У мени ҳар турли тақинчоқлар билан тўлдирдики, зираклардан қулоқларим тушиб кетди. Ўзининг гўзал муомаласи билан мени хурсанд, шод этиб, мартабамни оширди. Мени чорвалари оз бўлган фақирлар аҳлидан топиб, отлари, туялари, экинзорлари, ва товук-ўрдақлари сероб оилага олиб келди.) Сўнгра Абу Зарънинг онаси, фарзандлари ва хизматкорлари ҳақида гапириб, сўзини яқунлади.

Айтди: «Абу Зар мешлар қувланган (яъни, сутлардан ёғлари олинган) пайт кўчага чиқиб, икки, қоплондек (эпчил) фарзандлари атрофида ўйнаб юрган бир аёлни кўриб қолиб, мени талоқ қилиб унга никоҳланиб олди, мен ҳам ундан кейин бир чавандоз, асил аёғирга



минган, айбдорларга шафқатсиз, мени ноз-неъматга кўмган ва ҳар хушбўйликдан менга жуфт берган ва: «Егин Умму Заръ ва аҳлинг (оиланг)ни ҳам таъминла деган мардга эрга тегдим»

Айтди: «Лекин у менга берган ҳамма нарсани йиғадиган бўлсам ҳам, Абу Зарънинг энг кичик идишига ҳам сиғмайди!!!»

Оиша (р.а.) айтдилар: «Менга ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мен сенга Абу Заръ, Умму Заръга бўлганидек бўлдим» деган эдилар» (Бухорий «Фатҳул Борий»да, Муслим «Умму Заръ ҳадисларининг зикри боби»да ва Термизий «Шамоил китоби»да келтиришган)

Ҳадис маъноси: Эри Абу Заръни жамики эркаклардан устун деб, гўзал муомаласи, гўзал ахлоқи, мукаррам сифатларини мақтади. У аёлига турли хил неъматларни тўкиб-сочган, кўп эҳсон (яхшилик) қилган. Унинг ҳузурда аёли гапириб қолса, гапини хунук санамаган. Аёли ухласа, у то ўзи уйғонмагунича бирортаси безовта қилмаган, бирор нарса ичса, қониб ичган, чунки у мукаррам уйда, эркалатиб унга фақат саодат ва хурсандчиликни раво кўрган кишининг ҳузурда яшаган.

Лекин ҳаёт доим бир маромда давом этавермас экан. Саодат ҳам у аёлда давомий бўлмади. Одамлар сутдан сариёғ чиқараётган, баҳор кунларининг бирида эри кўчага чиқиб, чиройда тўлин ойга, шўхлик ва ҳаракатчанликда қоплонга ўхшаган, ёнида икки фарзанди бор бир гўзал аёлни кўриб қолди. Аёл Абу Зарънинг кўнглига ўтириб, уни севиб қолади. Аёлини талоқ қилиб, уни никоҳига олади. Аёли эса ундан кейин жасур, шавкатли, чавандоз, шу билан бирга аёлидан ҳеч нарсани аямайдиган сахий кишига эрга тегди. Бу хусусида у шундай дейди: «Иккичи эрим ҳам турли ноз-неъматлар бериб: «Еб-ич ва хоҳлаганингча аҳлинг (ўзингнинг оиланг)га ҳам яхшиликлардан бер», деди. Лекин менга берган ҳамма нарсаларни йиғсам ҳам, Абу Зарънинг идишлари ичидаги энг кичик идишга ҳам сиғмасди». Бу сўзи аввалги эрини кейингисидан кўра кўпроқ яхши кўрганига далолатдир.

Яна бир ривоятда, Пайғамбаримиз (с.а.в.) Оиша (р.а.)га айтганлар: «Мен сенга (яхшилик ва муҳаббатда) Абу Заръ, Умму Заръга бўлгани кабидурман, лекин мен аёлларни талоқ қилмайман» (Табароний ривояти).

Бу аёллар эрлари ҳақида гапириб, уларнинг айбларини очиб ташлашди. Энди эркаклар бундай нарсадан қутила оладими? Бундай шармандалиқдан сўнг қандай қилиб аёллари билан яхши муносабатда бўлишсин?!

### **Маҳрус ибн Родинганинг никоҳи муносабати билан тўқилган шеръий қасида**

Аллоҳ шодлик ва жамолни зиёда қилсин,  
Эй тўлин ойлардан ёруғ арус!  
Аллоҳ сени ҳасадгўй тилларидан сақласин,  
Ва ҳалол никоҳ бирла иттифоқинг асрасин.  
Ичимизда такволи ва вафоли дўст эдинг,  
Сени бугун ҳаммага мисол қиламиз.  
Такво ва солиҳликда ягшона эдинг,  
Камол топдинг сен севиб Расулимиз (с.а.в.)  
Тингланг эй дўстларим, шайх насихатин,  
Насихати содиқдур, олиш истасангиз.  
Ким иффат талаб қилса ўз нафси учун,  
Бас, уйлансин ўша ҳол хурсанд бўлади.  
Эргашинг мукаррам, мардга дўстларим,  
Никоҳ бирла таниқлилиқ ва мол истади.  
Ким бўлса Маҳрусга эргашувчи бугун,  
Такво ва уйланишда камол топади!

(«Арус» сўзи арабча бўлиб, келинга ҳам, куёвга ҳам бирдек ишлатилади. Мадинаи мунаввара, 14 Зул-қаъда, 1402 х. йил) Муаллиф: **Мухаммад Али Собуний**

### Никоҳ шодлиги

Шоир Тийба – Муҳаммад Зиёуддин Собуний  
Эй булбул, куйла, ҳар ўтар жойда,  
Ўз куйинг-ла, юракларга эга бўласан.  
Мени умид куйи бугун ҳаяжонлантир,  
Хурсандлик-ла, кийимларни ҳилпиратасан.  
Албатта, никоҳ – саодат ва қўрғондир,  
У билан дину ифбатда камол топасан.  
Унда юксаклик ва жоннинг роҳати бордир,  
Ширин тушлар қўйнида тун ўтказасан.  
Карим бўлмиш зот меҳр-муҳаббат солди,  
Қалбларга унда бардамлик ҳикматин топасан.  
Эрнинг асил қиз топиши гўзал ихтиёрдир,  
Ундай қизни карим хулқда пухта топасан,  
Қизларнинг ифтихори хулқи ва динидир.  
Уни ифбат ва фазилат кийимида кўрасан.  
Фитналар изҳор қилиб, ясан-тусан қилмагай,  
Уни очиқ кийим кийиб юрганини кўрмайсан.  
Демак, диндорини топ, яхши рафиқа бўлур,  
Қимматбаҳо хазина, соф булоқда бўласан,  
Қизда сени гўзаллик алдамасин,  
Гар ахлоқи бод бўлса, қоматин не қиласан.  
Унинг насл-насаби сени мағрур қилмасин  
Ўмон, ҳақир, қўполлик макони бўлса,  
Уни қараб танлагин, энг гўзали шудир.  
У ахлоқсизлик эмаски, мумкин бўлмаса,  
Уни тутинг, у мақталган суннатдандир,  
Унинг йўлланмасида даво-шифо топасан.  
Қиз келтирур бахтдан бири – меҳрининг енгиллигидир,  
Қизлар мол эмаслар-ки, нарх елкалари босса,  
Салафлар «Аҳмад»нинг шариатин тутдилар,  
Бас, эргашинг салафларнинг сийратига, бўлмаса,  
Эълон қилиб бу никоҳни шодлигинг билдир.  
Чунки яхшилик бордир – тўй кун шодон кулинса,  
Бир қўй ила бўлса ҳам «валима» суннатдир.  
Парҳезкорлар саййидидан келтирилган бу нарса,  
Қизнинг ва йигитнинг жамоли – ақлидир.  
Улар ақли ва меҳрида инсоф сезасан,  
Қиз камоли иффати, ҳижобдадир.  
Дурни ҳам садафлар ичларидан топасан,  
Ўқигандирмисизки, «Ундан жуфтин яратди»,  
Бу маънони Аъроф номли сурасинда кўрасан,  
Ислому гўзалликлари – одобларидадур,  
Ҳақиқат ҳам – қуёш каби, сўнганини кўрмайсан,  
Аёлларга яхшилар – эрлар яхшироғидир.  
Она бўстон бўлса, сен – соясидурсан.  
Эй уммати «Қуръон»! Йўлинг мана шудир,  
Нодонликка ҳеч қачон таянма сан  
Ҳавасларим менинг одобингиздур,  
Келин-куёвни тўй билан табриклайман.

Бу – холис, сизга меҳрибон насиҳатидир,  
Аллоҳим, келин-куёвга ўзинг кифоясан,  
Саловотлар ҳабибинг Муҳаммадга хосдир,  
Одамларнинг фахри, унга Каломинг туширгандирсан (индиргандурсан)

### Никоҳ хусусида келган баъзи ҳадиси шарифлар

«Сизга эркак тўплаши мумкин бўлган хазина ҳақида хабар берайми? (У) Солиҳа аёлдир. Унга қараса хурсанд қилади, амр қилса, унга итоат қилади ва ундан ғойиб бўлса, унинг мол-мулкани муҳофаза қилади» Абу Довуд, Ҳоким ва Байҳақийлар ривояти.

«Аллоҳ азза ва жаллага тақво қилишдан сўнг мўмин топиши керак бўлган фойда – солиҳа аёлдан келадиган яхшиликдир. Унга буюрса, итоат қилади, унга қараса хурсанд қилади, устидан қасам ичса (масалан, фалон ишни қилсанг, талоқсан деб), уни қасамида содиқ қолдиради ва иш билан бирор жойга кетса ўзига ва молига хиёнат қилмайди» Ибн Можа ривояти.

«Ким менинг табиатимни суйса, суннатимга эргашсин, албатта, никоҳ суннатимдандир» Байҳақий «Сунан»да ривоят қилганлар.

«Дунё матодир (яъни, истеъмол ва фойдаланиш учундир). Дунё матоларининг ичида солиҳа аёлдан кўра афзалроқ нарса йўқдир» Насоий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

«Қачон банда (солиҳа аёлга) уйланса, динининг ярмини топибди, бас қолган ярмида Аллоҳга тақво қилсин» Имом Аҳмад ривоятлари.

«Никоҳланинглар, кўпайишинглар. Бас, албатта, мен умматим кўплигидан қиёмат куни фахрланаман». Абдураззоқ «Ал-жомеъ»да ривоят қилганлар.

«Аёлларнинг яхшиси унга қараганинда сени хурсанд қилган, буюрганинда итоат қилган, ундан ғойиб бўлганинда, сени моли ва нафсида муҳофаза қилган аёлдир». Ибн Жарир ривоятлари.

«Севишганларга никоҳдан бошқа тўғри йўл топилмайди». Ибн Можа ва Ҳоким ривоятлари.

«Аёлларнинг баракаси улуғроғи таъмини (ҳамжихати) енгилроғидир». Имом Аҳмад, Ҳоким ва Байҳақий ривоятлари.

«Кимки Аллоҳга покланган ҳолда йўлиқмоқчи бўлса, хур (озод)ларга уйлансин». Ибн Можа ривоятлари.

«Бокираларга уйланинглар, чунки улар оғизлари ширинроқ, туғувчанроқ бўладилар ва енгил нарсага рози бўлаверадилар». Табароний «Ал-кабир»да ривоят қилган.

«Никоҳни эълон қилинг, уни масжидларда ўтказиб, дуфлар уринг». Термизий ривояти.

«Меҳрибон, туғувчанларга уйланинглар, чунки, мен Қиёмат куни пайғамбарлар ичида сизлар сабабли кўп бўлиб тураман». Аҳмад ва Ибн Можа ривоятлари.

«Бокирага уйлан! Сен уни ўйнатасан ва у сени ўйнатади, сени уни кулдирасан ва у сен кулдиради?!» Бухорий, Муслим ва Абу Довуд ривоятлари.

«Қачон олдингизга динига ва хулқига рози бўладиган одам келса, бас, уни уйлантириб кўйинг, бундай қилмасангиз ерда фитна ва фасод тарқалади». Ибн Можа, Термизий ва Ҳоким ривоятлари.

«Албатта, аёл келтириши мумкин бўлган омад – хитбаси, маҳри ва раҳми енгилроғи (туғиши осонлиги)дир». Аҳмад, Ҳоким ва Байҳақий ривоятлари.

«Албатта вафо қилишингларга ҳақлироқ шарт фаржларни ҳалоллаб олган (шарт)ингиздир». Аҳмад ва икки шайх ривоятлари.

«Садақа, яъни, маҳрнинг яхшироғи унинг енгилроғидир». Ҳоким ва Байҳақий ривоятлари.

«Темир узук эвазига бўлса ҳам, уйлан». Бухорий ривояти.

«Ким аёли маҳрида қафтлари миқдорида буғдой ё талкон ё хурмо берса, ҳалол қилиб олибди». Абу Довуд ва Байҳақий ривоятлари.

«Аёллар билан эрга тегиш-тегмасликлари ҳақида маслаҳатлашинг. «Саййиба» – тул аёл ўзи учун гапиради, бокиранинг розилиги эса сукутдир». Бухорий ва Муслим ривоятлари.

«Саййиба – ўзи учун волийсидан кўра ҳақлироқ, бокира эса, унинг розилигини отаси сўраб беради ва унинг розилиги сукутдир». Абу Довуд ва Насоий ривоятлари.

«Валийсиз ва икки одил гувоҳсиз никоҳ йўқ, агар баҳслашиб қолишса, бас валийси йўғида султон валийдир». Бухорий ва Муслим ривоятлари.

«Валийсиз никоҳ йўқ, зинокор аёл ўзини валийсиз никоҳлайди». Дайлабий «Муснадул фирдавс»да ривоят қилганлар.

«Валийсиз ва икки одил гувоҳсиз никоҳ йўқ ва бундан бошқа йўл билан никоҳ бўлса, бас, у ботилдир». Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»ларида ривоят қилинган.

«Қачон бирортангиз қизини эрга беришни хоҳласа, бас у билан маслаҳатлашсин (яъни, никоҳ ақди хусусида ундан изн сўрасин)». Табароний «Ал-кабир»да ривоят қилганлар.

«Муслмон кишига биродарининг совчилиги устига, то у тарк қилмагунича совчи юбориши ва биродарининг савдоси устига, то у тарк қилмагунича савдо қилиши – ҳалол бўлмайди». Аҳмад «Муснад» ривоят қилганлар.

«Аёл киши тўрт нарсадан бири сабабли никоҳланилади: моли, дини, жамоли ва асл-насабига кўра. Бас, диндорига уйлан, қўлинг тупроққа тўлгур. Агар диндорига уйланмаса, бахтсиз бўлади». Саъд бин Масур «Сунан»ларида ривоят қилганлар.

«Гўнг қўнғизидан сақланинг: бу ёмон жойда ўсган гўзал аёл (яъни, разил, ёмон оилада, худди гўнғхонада ўсган гўнғларга ўхшаб тарбия топган чиройли, гўзал аёл. Бу балоғатли ўхшатишдир)». Даркутний «Ал-Афродда ва Дайлабий ривоят қилишган.

«Ким аёлни иззати учун никоҳлаб олса, Аллоҳ унга хорликдан бошқасини зиёда қилмайди, ким уни моли учун никоҳлаб олса, Аллоҳ унга фақирликдан бошқасини зиёда қилмайди, ким аёлини чиройи учун никоҳлаб олса, Аллоҳ унга хунуқликдан бошқасини зиёда қилмайди. Аммо кимки аёлни кўзини ҳаромга қарашдан тўсиш ва фаржини (ҳаром ишдан) сақлаш ва силаи раҳм қилиш (бу ерда – фарзанд кўриш) учун никоҳлаб олса, Аллоҳ унга аёлни ва у (аёл)га эрни барака қилиб беради». Ибн Нажжор ривояти.

«Агар Аллоҳ сизлардан бирон кишининг қалбига аёл никоҳини солган бўлса, бас унга қарашда ёмонлик йўқдир». Аҳмад, Ҳоким ва Ибн Можа ривоятлари.

«Уйланмоқчи бўлган аёлингга қара. Бас, албатта, қараш орангизда улфат пайдо бўлишига арзийди». Термизий ва Насоий ривоят қилишди. Бу ҳадисни Пайғамбаримиз (с.а.в.) Жобирга, Ансорлардан бўлган аёлга хитба қилганида айтганлар ва унинг маъноси – «орангизда улфат ва муҳаббат доимий бўлиши учун».

«Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, бирон эркак аёлини тўшагига чақирса-ю, аёли ундан бош тортса, осмондаги Зот эри ундан рози бўлмагунича, ғазабда бўлади». Муслим ривояти.

«Инсонни инсонга сажда қилишини буюрганамда, аёлни эрига сажда қилишга буюрган бўлардим». Насоий, Аҳмад ва Ҳоким ривоятлари.

«Аёл то эрининг ҳаққини адо қилмагунича, Раббисининг ҳаққини адо қилолмайди. Ҳаттоки, эри «қатаб»нинг устидалиқ ҳолида ҳам сўраса, ман қилмасин». «Қатаб» – туянинг устига кийгизиладиган эгар. Аҳмад, Ибн Можа ва Ҳиббон ривоятлари.

«Аёл эрига дунёда азият етказса, унинг шахлокўз ҳурлардан бўлган завжаси у аёлга: «Унга азият етказма, Аллоҳ сени ўлдиргур, у фақатгина меҳмондир, сени тарк этиб бизга келади», деб айтади». Термизий Ибн Можа ва Аҳмад ривоятлари.

«Эринг борми? Айтди: «Ҳа». Айтдилар: «Ундан қаерда (қандай муомалада)лигинга қара, бас, албатта у (эринг), сенинг жаннатинг ва оловинг (дўзахинг)дир». Бағовий, Табароний ва Ҳоким ривоятлари. Бу ҳадисни Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳусайн бин Муҳсиннинг аммаларига айтганлар.

«Аёл устида инсонларнинг ҳақдорроғи эридир ва эр устида инсонларнинг ҳақдорроғи онасидир». Ҳоким «Мустадрок»да ривоят қилганлар.

«Албатта, мени ўзимдан кейин ташвишга соладиган нарсалардан бири – сиз аёлларнинг ишларингиздир. Сизларга мендан кейин собирлардан бошқаси сабр қилмайди». Бухорий, Насоий ва Термизий ривоят қилишган.

Қайси аёл Раббисига итоат қилса, эрининг ҳаққини адо этиб, унинг яхшиликларини зикр қилса, ўзи ва молига хийнат қилмаса, жаннатда шаҳидлар билан бир хил даражада бўлади. Агар эри ҳам гўзал хулқли мўмин бўлса, аёл жаннатда ҳам унинг жуфти бўлади. Агар ундай бўлмаса, Аллоҳ у (аёл)ни шаҳидларга никоҳлайди» Табароний «Ал-Кабир»да ривоят қилганлар.

«Аёл киши эри ҳузурида бирон кун (ихтиёрий, нафл рўза тутмайди, магар унинг изни билан (тутиши мумкин))» Ҳоким ривоятлари.

«Агар биронтангиз гўзал аёлни кўрса-ю, аёл ёқиб қолса, бас, аҳлига келсин, чунки фарж биттадир. Яъни, у учун фақат аёлининг фаржи ҳалолдир. Хатиб «Ат-таърих» ривоят қилганлар.

«Мўмин мўминага, унинг хулқи ёқмаса бузук адоватда бўлмасин, ундан бошқаси аёлдан розидир». Муслим ва Аҳмад ривоят қилишди.

«Аёлингизни қулни дарралагандек дарралашга ҳаракат қилманг, балки у билан охириги кун ётаётгандирсиз». Икки шайх, Аҳмад ва Термизий ривоятлари.

«Албатта, Қиёматда Аллоҳнинг ҳузурида инсонлардан мартабаси энг ёмони аёлига тегиб, сўнг у аёлининг сирини фош қилган, ҳаммага тарқатган эркакдир». Муслим ва Аҳмад ривоятлари.

«Сизлардан биронтангиз аёлини, қулни ургандек уришдан уялмайдами? Куннинг бошида уни уриб, сўнг охирида у билан ётишга, уялмайдами?» Абдураззоқ «Ал-жомеъ»да ривоят қилганлар.

«Сизларнинг яхшиларингиз аҳлига яхшиларингиздир ва мен сизларнинг аҳлига яхшилингиздурман». Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

«Қайси бир аёл эридан бирор ёмонлик бўлмай талоқ сўраса, бас, у аёлга жаннат ҳиди ҳаромдир». Аҳмад, Абу Довуд ва Термизий ривоятлари.

«Мен кўрмаган, аҳли дўзах икки синф: биринчиси инсонларни урадиган ва сигир думидан хипчинлари бўлган қавм.

Иккинчиси аёллар бўлиб очиқ-сочиқ кийим кийган эркаклар уларни хоҳлаган ва улар эркакларни хоҳлаганлардир. Уларнинг бошлари «бухти моила»нинг ўнгачларига ўхшаб бошидаги сочлари кўтарилиб, қалашиб, туя ўнгачига ўхшайдиган (причёскали) аёллардир. Булар жаннатга киришмайди ва ҳидини ҳам ҳидлашмайди, албатта унинг ҳиди фалон-фалон масофадан келиб туради». Муслим ривоят қилганлар ва Аҳмад «Муснад»да ривоят қилганлар.

**Аллоҳнинг расули саййидимиз Муҳаммадга, оилаларига ва саҳобийларга, саломлар бўлсин!**

**Оламлар Рабби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!**